



**О'ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK
VA JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATINING**

BUYRUG'I

20 21 yil. " 5 " fevral № 20

Toshkent sh.

**Таркибий бўлинмалар фаолиятини тартибга солувчи
низомларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6035-сон Фармони ҳамда 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПКҚ-4790-сон қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 августдаги 203-сонли буйруғи ижросини таъминлаш, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари, Фуқаро авиацияси объектларида Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ва идоравий санитария-эпидемиология хизматлари фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлими тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

ҳудудий бошқармаларнинг ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлими тўғрисида намунавий низом 1-А иловага мувофиқ;

давлат хизматларини кўрсатиш бошқармаси ва бўлимлари тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимларининг давлат хизматларини кўрсатиш бўлимлари тўғрисида намунавий низом 2-А иловага мувофиқ;

маъмурий амалиёт бўлими тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

мурожаатлар билан ишлаш бўлими тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ;

ҳудудий бошқармаларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўлими тўғрисида намунавий низом 4-А иловага мувофиқ;

назоратларни мувофиқлаштириш бўлими тўғрисида низом 5-иловага мувофиқ;

ўта хавфли юкумли касалликлар бўлими тўғрисида низом 6-иловага мувофиқ;

худудий бошқармаларнинг ўта хавфли юкумли касалликлар бўлими тўғрисида намунавий низом 6-А иловага мувофиқ;

токсикология лабораторияси тўғрисида низом 7-иловага мувофиқ;

бактериология лабораторияси тўғрисида низом 8-иловага мувофиқ;

худудий бошқармаларнинг бактериология лабораторияси тўғрисида намунавий низом 8-А иловага мувофиқ;

туман (шаҳар) бўлимларининг бактериология лабораторияси тўғрисида намунавий низом 8-В иловага мувофиқ;

паразитология лабораторияси тўғрисида низом 9-иловага мувофиқ;

худудий бошқармаларнинг паразитология бўлими ва лабораторияси тўғрисида намунавий низом 9-А иловага мувофиқ;

туман (шаҳар) бўлимларининг паразитология бўлини ва лабораторияси тўғрисида намунавий низом 9-В иловага мувофиқ;

эпидемиология ва юкумли касалликлар профилактикаси бошқармаси тўғрисида низом 10-иловага мувофиқ;

маркетинг ва логистика бўлими тўғрисида низом 11-иловага мувофиқ;

халқаро ҳамкорлик шўбаси тўғрисида низом 12-иловага мувофиқ;

юкумли ва паразитар касалликлар бўлими тўғрисида низом 13-иловага мувофиқ;

худудий бошқармаларнинг эпидемиология бўлими тўғрисида намунавий низом 13-А иловага мувофиқ;

туман (шаҳар) бўлимларининг эпидемиология ва иммунопрофилактика бўлими тўғрисида намунавий низом 13-В иловага мувофиқ;

радиация гигиенаси бўлими ва лабораторияси тўғрисида низом 14-иловага мувофиқ;

худудий бошқарма ва бўлимларнинг радиация гигиенаси бўлими ва лабораторияси тўғрисида низом 14-А иловага мувофиқ;

вакциналар ва иммунопрофилактика бўлими тўғрисида низом 15-иловага мувофиқ;

худудий бошқармаларнинг иммунопрофилактика бўлими тўғрисида намунавий низом 15-иловага мувофиқ;

илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педогогик кадрлар тайёрлаш бўлими тўғрисида низом 16-иловага мувофиқ;

миллий референс лаборатория тўғрисида низом 17-иловага мувофиқ;

санитария-гигиена лабораторияси тўғрисида низом 18-иловага мувофиқ;

худудий бошқармаларнинг санитария-гигиена лабораторияси тўғрисида намунавий низом 18-А иловага мувофиқ;

туман (шаҳар) бўлимларининг санитария-гигиена лабораторияси тўғрисида намунавий низом 18-В иловага мувофиқ;

ахборот-ресурс бўлими тўғрисида низом 19-иловага мувофиқ;
юридик бўлим тўғрисида низом 20-иловага мувофиқ;
даволаш-профилактика муассасаларини назорат қилиш бўлими тўғрисида низом 21-иловага мувофиқ;
тиббий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шўбаси тўғрисида низом 22-иловага мувофиқ;
вирусология лабораторияси тўғрисида низом 23-иловага мувофиқ; ҳудудий бошқармаларнинг вирусология лабораторияси тўғрисида намунавий низом 23-А иловага мувофиқ;
стандартлаштириш ва метрология бўлими тўғрисида низом 24-иловага мувофиқ;
ҳудудий бошқармаларнинг болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими тўғрисида намунавий низом 25-иловага мувофиқ;
туман (шаҳар) бўлимларининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими тўғрисида намунавий низом 25-А иловага мувофиқ;
жамоатчилик билан алоқалар бўлими тўғрисида низом 26-иловага мувофиқ;
ҳудудий бошқармаларнинг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими тўғрисида намунавий низом 26-А иловага мувофиқ;
ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияси тўғрисида низом 27-иловага мувофиқ;
ҳудудий бошқармаларнинг ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияси тўғрисида намунавий низом 27-А иловага мувофиқ;
санитария-гигиена бошқармаси тўғрисида низом 28-иловага мувофиқ;
ҳудудий бошқармалар ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг назоратларни мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлими тўғрисида намунавий низом 29-иловага мувофиқ;
ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўлими низом 30-иловага мувофиқ;
ҳудудий бошқармаларнинг коммунал гигиена бўлими тўғрисида намунавий низом 31-иловага мувофиқ;
ҳудудий бошқармаларнинг меҳнат гигиенаси, токсикологияси ва заҳарли химикатлар гигиенаси бўлими тўғрисида намунавий низом 32-иловага мувофиқ;
овқатланиш гигиенаси бўлими тўғрисида низом 33-иловага мувофиқ;
лаборатория хизматини ривожлантириш бўлими тўғрисида низом 34-иловага мувофиқ;
ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими тўғрисида низом 35-иловага мувофиқ;
ўчоқли дезинфекция бўлими тўғрисида низом 36-иловага мувофиқ;
ҳудудий бошқармаларнинг ўчоқли дезинфекция бўлими тўғрисида намунавий низом 36-А иловага мувофиқ;
туман (шаҳар) бўлимларининг ўчоқли дезинфекция бўлими тўғрисида намунавий низом 36-В иловага мувофиқ;
кадрлар бўлими тўғрисида низом 37-иловага мувофиқ;
генетика лабораторияси тўғрисида низом 38-иловага мувофиқ.

2. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари, Фуқаро авиацияси объектларида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ва идоравий санитария-эпидемиология хизматлари раҳбарлари:

бир ой муддатда буйруқ иловаларида тасдиқланган намунавий низомларни тегишлилиги бўйича ҳар бир муассасада тўғри расмийлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назорат бошлиқнинг биринчи ўринбосари Х.Норбоев зиммасига юклансин.

Бошлиқ



Б.Қ.Юсупалиев

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Ташкилий-назорат ва
ахборот-таҳлил бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлимининг (кейинги ўринларда - Бўлим) мақомини, вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини, жавобгарлигини, фаолият ва ҳисобот йўналишларини белгилайди.

3. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати марказий апаратининг таркибий қисми ҳисобланиб, ўз фаолиятида Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига бўйсунди.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига, шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг Л.М.Исаев номидаги филиали, Вирусология илмий-тадқиқот институти, Санитария, гигиена ва касб касалликлар илмий-тадқиқот институти, ОИТСга қарши кураш марказлари, Республика Ўлат профилактика маркази, Фуқаро авиацияси объектларида Санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг тегишли таркибий қисмлари, Дезинфекция станциялари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириб, уларнинг ягона тизимини ташкил этади ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш

вазифасини олиб боради, давлат дастурлари, манзилли дастурлар ва йўл хариталарини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш фаолиятларини мувофиқлаштиради.

6. Бўлим ходимлари фаолиятини лавозим йўриқномалари, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тасдиқланган иш режалари асосида олиб боради.

7. Бўлимдаги (бўлим бошлиги, бош мутахассис ва етакчи мутахассис) лавозимларда тиббиёт олийгоҳларининг “Тиббий-профилактика иши” факультетини тамомлаган санитария-эпидемиология врачлари мутахассислигига эга бўлган врачлар фаолият юритади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПК-2881-сонли Қарорига асосан хизматнинг марказий аппарати, қуйи тизим муассасаларида ижро интизомини назорат қилиш ишларини ташкиллаштириш.

9. Санитария-эпидемиология хизматида оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг раислигида ўтказилган кенгашлар баённомаларида белгиланган топшириқларни (Кейинги ўринларда - Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари) бажарилиши ҳолатини масъул ижрочилар томонидан уларнинг назоратини таъминловчи ахборот тизими ҳисобланган “Ijro.gov.uz” тизимига киритиб борадиган мутахассис ишини назорат қилиш.

10. Санитария-эпидемиология хизматининг марказий аппарати ва таркибий муассасалари томонидан фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш.

11. Амалдаги қонунчилик талабларини бузаётган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими раҳбарлари ва тиббиёт ходимларини моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига таклифлар киритиш.

12. Иш фаолияти натижалари тўғрисида раҳбариятга ҳисобот бериш, раҳбарият томонидан тасдиқланган режа асосида иш олиб бориш.

13. Санитария-эпидемиология хизматида келиб тушган ҳужжатларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиб, ижрочиларга етказиш ва уларни ижроси таъминланишини назорат қилиш.

14. Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат сиёсатини юритиш борасида давлат дастурлари ва бошқа истикболли режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнларида иштирок этиш.

15. Санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, ишлар режалари, йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда ижросини назорат қилиш.

16. Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига тааллуқли бўлган директив, меъёрий, услубий ва бошқа турдаги ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этади.

17. Санитария-эпидемиология хизмати томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида таркибий муассасалар ва бўлинмалар ҳамкорлигида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш.

18. Давлат статистика ҳисоботлари асосида Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини таҳлил қилиш.

19. Хизматнинг таркибий бўлинмалари ва қуйи ташкилотлари томонидан ижро интизоми масалаларига амал қилиниши, назоратдаги ҳужжатларни ўз вақтида ижросини таъминланиши бўйича фаолият юритувчи бўлимлар устидан умумий назорат ўрнатиш.

20. Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар киритиш ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

21. Санитария-эпидемиология хизматининг касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги белгиланган устувор йўналишлари асосида давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалиётга тадбиқ этишни мувофиқлаштириш.

22. Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлигининг асосий тадбирлар режасига асосан, Ҳайъат, Санитария-эпидемиология Кенгаши ҳамда видеоселектор йиғилишларида қўриладиган масалалар юзасидан маълумотларни якуний вариантларини тайёрлаш.

23. Санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида фаолият юритувчи бошқа идоралар ва қуйи тизим ташкилотларининг тегишли таркибий бўлинмалари фаолиятини услубий бошқарувини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур йўналишдаги ишларига раҳбарлик қилиш.

24. Санитария-эпидемиология хизмати қуйи ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларини тўлдириш учун захирани шакллантириш, керакли ҳужжатларини тайёрлаш, комиссия йиғилишлари, танловлар ҳамда аттестацияларни ташкиллаштириш.

25. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

26. Юқумли касалликлар бўйича оператив, кунлик, ҳафталик, ойлик ҳамда йиллик маълумотларни олиб, умумлаштириш, таҳлил қилиш, олинган тезкор, статистик маълумотлар асосида юқумли ва паразитар касалликлар

кузатилиши, тарқалишини олдини олишга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул ижрочиларга йўналтириш.

27. Юқумли касалликларнинг электрон мониторинг тизимида бирламчи тезкор хабарнома ф.058 шаклида барча юқумли касалликлар кўрсаткичларини киритилиши устидан мунтазам назорат олиб бориш.

28. Хизматнинг бошқарма ва бўлимлари, шунингдек бош ва қуйи таркибий муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

29. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий бўлинмалари ва қуйи ташкилотлари раҳбарларига фаолият бўйича қонун бузилиш ҳолатлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига киритиш.

30. Санитария-эпидемиология хизматининг ваколатига қирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш.

31. Ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган мазкур йўналишдаги тадбирларида хизмат вакили сифатида иштирок этиш.

32. Санитария-эпидемиология хизматида ва унинг таркибий муассасаларида ижро интизомини назорат қилиш ишларини олиб бориш.

33. Санитария-эпидемиология хизматида ва унинг таркибий муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари самарали ижро этилиши юзасидан тегишли назоратни таъминланиши, шунингдек, уларни тўлиқ бўлмаган ҳолда ва кечиктириб бажарган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўриш учун раҳбариятга тақлиф киритиш.

34. Санитария-эпидемиология хизмати органлари фаолиятида бюрократизм ва коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш.

35. Санитария-эпидемиология хизматида ва унинг таркибий муассасалари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш ва ўрганиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари бўйича текширувлар ўтказиш.

36. Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан ижро интизомининг бузилиши ёхуд соғлиқни сақлаш органи ва муассасаси ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб, шунингдек ножуя хатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолатлари юзасидан хизмат текширувлари ўтказиш. Текширишлар жараёнида фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилиш масалаларидаги бузилишлардан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан хизмат текширувлари натижаларидан Хизмат раҳбарини хабардор қилиш;

37. Бўлим фаолиятига доир буйруklar лойиҳаларини тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги Ҳайъат ҳамда Санитария-эпидемиология кенгаши йигилишларига қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш, Сogлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилмаган сogлиқни сақлаш масъул ходимларини интизомий, маъмурий ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш.

38. иш фаолияти натижалари тўғрисида раҳбариятга ҳисобот бериш, раҳбарият томонидан тасдиқланган режа асосида иш олиб бориш.

4-бoб. Бўлим ҳуқуқлари

39. Бўлим Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуни ва Меҳнат кодексиди кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга.

40. Бўлим ўз фаолиятини яхшилаш мақсадида, асосли таклифлар киритиш.

41. Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий муассасаларидан фаолият учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш.

42. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги” 12-сонли, Сogлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 12 апрелдаги “Сogлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иш юритиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 234-сонли ва Сogлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги “Ташкилий-бошқарув ҳужжатларини тузиш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” 30-сонли буйруқларига мувофиқ, Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларида бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга.

43. Келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва тегишли ижрочиларга етказиш учун уларни дарҳол олиш.

44. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларининг мансабдор шахсларидан бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш.

45. Раҳбарият томонидан чиқариладиган ижро интизомига тегишли йигилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш.

46. Раҳбарият топширигига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан тегишли мутахассисларни ўтказиладиган текширишларга жалб қилиш.

47. Мақсадни тўлиқ ёрита олмаган буйруқ лойиҳалари ҳамда бошқа ҳужжатларни ижрочиларига пухта қайта ишлаб чиқиш учун қайтариш.

48. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий

муассасаларида ижро интизоми ва согликни сақлаш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш.

49. Раҳбарият топширигига ёки тасдиқланган иш режага мувофиқ соҳага оид мутахассисларни жалб этган ҳолда, согликни сақлаш тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши масалалари бўйича текширишлар ўтказиш.

50. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларида уларнинг фаолиятига тааллуқли бўлган ҳужжатларни текшириш.

51. Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг топшириғига ёки тасдиқланган иш режасига мувофиқ, соҳага оид мутахассисларни жалб этган ҳолда согликни сақлаш, ҳамда ижро интизоми тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши масалалари бўйича текширишлар ўтказиш учун юбориш.

52. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларида уларнинг фаолиятига тааллуқли бўлган ҳужжатларни текшириш.

53. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасалар томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг раҳбариятининг ҳужжатлари ва топшириқларини бажариш бўйича уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш.

54. Ўзларига юкланган вазифаларни бажариш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқарув органлари, даволаш-профилактика, тиббий-ижтимоий ва санитария муассасаларининг барча биноларига қаршиликсиз кириш.

55. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахсларидан қонунчилик талабларининг бузилиши бўйича ёзма тушунтиришлар олиш.

56. Зарурият бўлганда, раҳбарият билан келишган ҳолда, бошқа таркибий бўлинмалар мутахассисларини текширишларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиология кенгаши йиғилиши ҳужжатларини ва хизмат буйруқларини тайёрлашда қатнашиш учун жалб этиш.

57. Давлат сирига ва амалга оширилаётган ишларнинг махфийлик режими, ўтказилаётган текшириш ва тафтишларнинг ошкор қилинмаслигига қатъиян риоя этиш.

58. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларининг фаолиятини малакали, ҳолисона, асосли баҳоланишини таъминлаш.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

59. Ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ҳамда юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажариш.

60. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, Санитария-эпидемиология хизмати таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3962-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш ва амалга оширилишини назорат қилиш.

6-боб. Бўлимнинг ваколатлари

61. Бўлим мудирини тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ҳисобот беради.

62. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий бўлинмалари зиммаларига юкланган вазифаларни самарали бажарилиши бўйича уларнинг фаолияти устидан мунтазам назорат олиб боради, иш самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

63. Назорат ва баҳолаш якунлари бўйича алоҳида ўрнатилган кўрсаткич раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларни рағбатлантириш бўйича ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортиш юзасидан Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига таклиф киритади.

7-боб. Якуний қоидалар

64. Бўлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

65. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
бошқармаларини Ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил
бўлими тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлими (кейинги ўринларда - Бўлим) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг (кейинги ўринларда - Бошқарма) таркибий қисми ҳисобланиб, бўлим штатлари амалдаги штат меъёрлари асосида белгиланади.

3. Бўлим Бошқарма бошлиғига бўйсунди.

4. Бўлимга раҳбарликни бўлим мудир амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарманинг бошқа таркибий бўлимлари билан ҳамкорликда олиб боради.

6. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига, Бошқарманинг буйруқ ва кўрсатмаларига, шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Бўлимнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, Санитария-эпидемиология хизматлари бошлиқлари томонидан тасдиқланган иш режаларига асосан ташкил этилади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

8. Ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлими, Бошқарманинг аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

9. Бошқарма фаолиятига тааллуқли бўлган директив, меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этиш.

10. Бошқарманинг моддий-техник базаси ҳақидаги маълумотларни шакллантириш.

11. Бошқарманинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар киритади, чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш.

12. Таркибий бўлинмалар ва қуйи ташкилотлар томонидан ижро интизоми масалаларига амал қилиниши, назоратдаги ҳужжатларни ўз вақтида ижросини таъминланиши устидан умумий назорат олиб бориш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

13. Бошқарманинг моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирларни режалаштириш.

14. Бошқарманинг фаолиятига доир маълумотларни йиғиш, статистик ишлов бериш ва таҳлил қилиш.

15. Бошқарманинг тиббий ҳисоботлар юритиш ва статистик ҳисобга олиш фаолияти устидан назорат олиб бориш.

16. Бошқарма фаолиятига доир ҳисоботларни қабул қилиш ва якуний ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда тегишли тартибда тақдим этиш.

17. Бошқарманинг йиллик иш режасини тузиш, шунингдек ҳудудий Бўлимлар иш режаларини тузиш ва ижросини назорат қилиш.

18. Санитария-эпидемиология хизматининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги белгиланган усутувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган дастурлари ижросини таъминлаш.

19. Ҳудудий Ҳайъат, Санитария-эпидемиология Кенгаши ҳамда видеоселектор йиғилишларида кўриладиган масалалар юзасидан маълумотлар тайёрлаш.

20. Санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида фаолият юритувчи бошқа идоралар ва туман (шаҳар) бўлинмалари фаолиятининг услубий бошқарувини мувофиқлаштириш ҳамда тегишли тартибда ишига раҳбарлик қилиш.

21. Юқумли касалликлар бўйича оператив, кунлик, ҳафталик, ойлик ҳамда йиллик маълумотларни бўлимлардан олиб, умумлаштириш, таҳлил қилиш, олинган тезкор ва статистик маълумотлар асосида зарур профилактик ҳамда эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш.

22. Юқумли касалликларнинг электрон мониторинг тизимига бирламчи тезкор хабарнома ф.058 шаклида барча юқумли касалликларни бошқарма томонидан киритилиши устидан мунтазам назорат олиб бориш.

23. Туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

24. Ўз ваколати доирасида семинарлар, тадбирлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган мазкур йўналишдаги тадбирларда иштирок этиш.

4-боб. Бўлим ходимларининг ҳуқуқлари

25. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексиди кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга.

26. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига асосан ҳимояланган меҳнат шароитларига ҳақли.

27. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига асосан, бўлим ходимлари мутахассисликлари бўйича малака ошириш, қайта тайёргарликдан ва мутахассислик бўйича ихтисосликдан ўтиш.

28. Бўлим фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш.

5-боб. Бўлим ходимларининг мажбуриятлари

29. Ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ҳамда юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажариш.

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, Санитария-эпидемиология хизмати таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3962-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш ва амалга оширилишини назорат қилиш.

6-боб. Бўлимнинг ваколатлари

31. Бўлим мудирини тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича Бошқарма бошлигига ҳисобот беради.

32. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий бўлинмалари зиммаларига юкланган вазифаларни самарали бажарилиши бўйича уларнинг фаолияти устидан мунтазам назорат олиб боради, иш самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

33. Назорат ва баҳолаш якунлари бўйича алоҳида ўрнатилган курсатган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларни рағбатлантириш бўйича ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортиш юзасидан Бошқарма бошлигига таклиф киритади.

7-боб. Якуний қоидалар

34. Ёлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

35. Ушбу Ёзом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Давлат хизматларини
кўрсатиш бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Давлат хизматларини кўрсатиш бошқармаси (кейинги ўринларда - Бошқарма) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бошқарма бошлиғи, бўлим бошлиқлари ва ходимлари Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Бошқарманинг молиявий таъминоти Санитария-эпидемиология хизматининг бюджетдан ташқари Махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Бошқарма қуйидаги бўлимларга эга:

- а) Санитария-эпидемиологик ҳулоса беришни мувофиқлаштириш ва расмийлаштириш бўлими;
- б) Санитария-эпидемиология хизмати тизимида рухсат бериш бўлими;
- в) Пуллик хизматни ривожлантириш бўлими;
- г) Гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этиш бўлими.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари

6. Бошқарманинг асосий вазифалари:

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

санитария-эпидемиология хулоса расмийлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш, уни такомиллаштириш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш;

санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштириш;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қадоклаш, тапиш ва реализация фаолияти билан шугулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;

соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича махсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказишда қатнашиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда фуқароларни санитария-гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мутахассислик маданиятини шакллантирилишини ташкил этишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий бўлинмалари давлат хизматларини кўрсатиш бўйича дастурларни тайёрлаш ва уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш;

пуллик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларнинг номенклатураси ва ҳажмини ошириш;

пуллик хизмат кўрсатаётган муассасаларда пуллик хизматлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича прогноз параметрларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

пуллик хизматларни ташкил этиш ҳамда уни ривожлантиришда амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

пуллик хизмат нарх (тариф)ларини келишиб бериш;

Санитария-эпидемиология хизматининг Махсус жамгармасига тушадиган маблағларни мониторинг қилиш ҳамда жамгарма маблағларини кўпайтириш чораларни кўриш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига янги олиб келинаётган биологик актив моддалар, озиқ-овқат қўшимчалари, кимёвий моддалар, биологик воситалар, материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика воситаларини олиб кириш ҳамда ишлаб чиқаришга рухсатномалар бериш ва уларга оид норматив-меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириб бориш бўйича Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига таклифлар киритиш;

аккредитациядан ўтган лаборатория мажмуаларини маҳсулотларга расмийлаштириладиган санитария-эпидемиологик хулоса бланкалари билан таъминлаш;

фуқароларни гигиеник ўқитиш, тарбиялаш ва мутахассислик маданиятини шакллантирилишини курсларини ташкил қилишда Санитария-эпидемиология хизмати тасарруфидаги қуйи муассасаларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

7. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

санитария-эпидемиология соҳасида тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

санитария-эпидемиология масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий ва ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан қабул қилинган давлат хизматларини кўрсатишга оид қарорларга, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларига (ҳаракатсизликларига) нисбатан шикоятларни кўриб чиқишда қатнашади;

республика аҳолиси шу жумладан ижтимоий гуруҳлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида, фуқароларни санитария-гигиеник тарбиялаш, уларга шахсий гигиена тўғрисида тушунтиришлар бериш ҳамда гигиеник маданиятини шакллантирилишини ташкил этишга қаратилган ОАВларида мақолалар, брошюралар, буклетлар, услубий қўлланмалар ва бошқа материаллар тайёрлайди ва тарқатади;

пуллик хизматни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган фаолиятни таҳлил қилиш ва таклифлар тақдим этади;

пуллик хизмат ҳажмларини таҳлил қилиб бориш мақсадида чораклик мониторинг ҳисоботларини йигади ва таҳлил қилади;

соҳада пуллик хизматларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар беради;

пуллик хизматни ривожлантириш масалалари юзасидан уларнинг фаолияти, тузилмаси ва бошқарув тамойиллари масалаларида қонунлар, концепциялар, Фармонлар, қарорлар ва ҳукуматнинг норматив ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

пуллик хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, уларнинг номенклатураси ва ҳажмини оширишга хизмат қиладиган Санитария-эпидемиология хизматини ташкил қилишнинг илгор услуб ва тамойилларини шакллантиришда қатнашиш;

қуйи муассасаларга пуллик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ҳажмини ошириш борасида услубий-амалий ёрдам кўрсатади;

пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти масалаларида услубий ҳужжатлар, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқади;

мониторинг ва самарадорлик мезонлари асосида баҳоланган фаолият даражасига кўра, зарур ҳолларда илмий-текшириш институтлари, республика марказлари ва бошқа муассасаларнинг ташкилий тузилмалари ҳамда инфраструктураларини такомиллаштириш бўйича таклифлар беради;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига ўз ваколати доирасида

тегишли Давлат дастурларини бажарилишида амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

ривожланган хорижий давлатлар Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича амалиётни ўрганиш мақсадида хизмат сафарларини ташкил этади;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг ташкилий тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш орқали пуллик ва сервис хизматлар кўрсатиш сифати ва ҳажмини ошириш бўйича таклифлар киритади;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида пуллик тушум бўйича белгиланган режалар ижросини назорат қилади;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида ривожланган давлатлар тажрибаси асосида, пуллик хизматларни қулай (шаффоф, очиклик мезонларини қўллаш ва ҳ.к.) ва замонавий даражада бўлиши юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги илмий-текшириш институтлари, республика марказлари ҳамда ҳудудий ва идоравий санитария эпидемиологик осойишталик марказларининг қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талаби асосида пуллик хизмат кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштиради;

Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги лаборатория таҳлиллари ва синов мажмуаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказишда иштирок этади;

аккредитациядан ўтган лаборатория мажмуаларини маҳсулотларга расмийлаштириладиган санитария-эпидемиологик ҳулоса бланкалари билан таъминлаш бўйича ташкилий ишларни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган маҳсулотларга санитария-эпидемиологик ҳулоса расмийлаштириш;

давлат хизматларини кўрсатиш хизматларини ривожлантириш жараёнлари ва истикболларини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат хизматларини кўрсатиш бошқармаси ва идоравий бўлимларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади ва уни изчил такомиллаштириб боради;

давлат хизматларини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа (техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив) ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда қўриб чиқиш учун киритади;

электрон ахборот-таҳлилий тизимининг бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

бошқарма ходимларининг тегишли ўқиш ва курсларда малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий давлатларда ўқитишни ташкил этади.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарма белгиланган мақсад ва юклатилган вазифаларни бажаришда қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида чора-тадбирлар режасини жойлардан талаб қилиб олиш ва зарур ҳолларда Санитария-эпидемиология хизмати йиғилишлари ва бошқаларда кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига давлат хизматлари кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизмати бошқарув органлари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда уларнинг вакиллари иштирокида давлат хизматлари кўрсатиш, шу жумладан пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти юзасидан йиғилишларда катнашиш;

концепциялар, норматив ҳужжатлар, “йўл ҳариталари” ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқиш жараёнига Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органлари ва муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини жалб этиш;

бошқарма ўз фаолиятида юклатилган вазифаларни амалга ошириш борасида тегишли масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар, Санитария-эпидемиология хизматининг бошқармалари, ҳудудий бошқарув органлари ҳамда муассасаларидан белгиланган тартибда маълумотлар йиғиш;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида давлат хизматлари ва пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти, шу жумладан прогноз параметрлари ижроси юзасидан назорат олиб бориш;

концепциялар, норматив ҳужжатлар, “йўл ҳариталари” ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқиш жараёнига вазирликнинг тегишли бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органлари ва тиббиёт муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини жалб этиш;

Бошқарма ўз фаолиятида юклатилган вазифаларни амалга ошириш борасида тегишли масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар, ҳудудий органлар ҳамда тиббиёт муассасаларидан белгиланган тартибда маълумотлар йиғиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

соҳага оид илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни саралаб олиш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бошқарма қуйидагиларга мажбурдир:

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарияти топшириқларини Бошқарма томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишига;

соҳага оид қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларини тасарруфидаги бўлинмалар ва Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига ижро ва маълумот учун етказиш ҳамда ижросини таъминлашни назорат қилиш;

мониторинг ва таҳлил натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширишга;

жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларни ваколат доирасида ҳар томонлама қонунчиликда белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш

ва жавоб бериш.

10. Бошқарма жавобгарлиги:

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарияти топшириқларини бошқарма томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишига;

соҳага оид қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларини тасарруфидаги бўлинмалар ҳамда муассасаларга ижро ва маълумот учун етказилишига;

ходимлар лавозим бўйича қонун бузилишлари учун амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Ходимларга нисбатан малакавий талаблар:

Санитария-эпидемиология, соғлиқни сақлаш, иқтисодий, юридик, бизнес ва бошқарув йўналишлари бўйича мутахассислик лавозимларига олий маълумот ҳамда иш стажи камида 5 йил бўлиши керак.

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизматининг Давлат хизматларини кўрсатиш
бошқармасининг ҳудудий бўлимлари тўғрисида намунавий
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Давлат хизматларини кўрсатиш бошқармаси ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда - Бўлим) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим бошлиғи тегишлича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Бўлимнинг молиявий таъминоти бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

5. Бўлимнинг асосий вазифалари:

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

аккредитациядан ўтган лабораторияларда санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштириш;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш

воситаларига ва халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қадоклаш, ташиш ва реализация фаолияти билан шугулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича махсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказишда қатнашиш;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилишга ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга қўмаклашиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, барча ижтимоий гуруҳларни камраб олган ҳолда фуқароларни санитария-гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мутахассислик маданиятини шакллантирилишини ташкил этишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий бўлинмалари давлат хизматларини кўрсатиш бўйича дастурларни тайёрлашда иштирок этиш;

пуллик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларнинг номенклатураси ва ҳажмини ошириш;

пуллик хизмат кўрсатаётган муассасаларда пуллик хизматлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича прогноз параметрларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ҳудудий бошқармаларда пуллик хизматларни ташкил этиш ҳамда уни ривожлантиришда бўйсунувдаги муассасаларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

маҳсулотларга расмийлаштирилган санитария-эпидемиологик хулоса бланкалари бўйича Санитария-эпидемиология хизматида ойлик, чорақлик ва йиллик ҳисобот тақдим этиш;

фуқароларни гигиеник ўқитиш, тарбиялаш ва мутахассислик маданиятини шакллантирилишини курсларини ташкил қилиш ва ҳудудий бошқарма тасарруфидаги қуйи муассасаларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

6. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

санитария-эпидемиология соҳасида тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

санитария-эпидемиология масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий ва ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан қабул қилинган давлат хизматларини кўрсатишга оид қарорларга, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларига нисбатан шикоятларни кўриб чиқишда қатнашади;

республика аҳолиси шу жумладан ижтимоий гуруҳлар ўртасида соғлом

турмуш тарзини шакллантириш мақсадида, фуқароларни санитария-гигиеник тарбиялаш, уларга шахсий гигиена тўғрисида тушунтиришлар бериш ҳамда гигиеник маданиятини шакллантирилишини ташкил этишга қаратилган ОАВларида мақолалар, брошюралар, буклетлар, услубий қўлланмалар, тавсияномалар ва бошқа материаллар тайёрлайди ва тарқатади;

пуллик хизматни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган фаолиятни таҳлил қилиш ва таклифлар тақдим этади;

пуллик хизмат ҳажмларини таҳлил қилиб бориш мақсадида чораклик мониторинг ҳисоботларини йигади ва таҳлил қилади, тақдим этади;

соҳада пуллик хизматларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар беради;

пуллик хизматни ривожлантириш масалалари юзасидан уларнинг фаолияти, тузилмаси ва бошқарув тамойиллари масалаларида қонунлар, концепциялар, фармонлар, қарорлар ва ҳукуматнинг норматив ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашади;

пуллик хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, уларнинг номенклатураси ва ҳажмини оширишга хизмат қиладиган санитария-эпидемиология хизматини ташкил қилишнинг илгор услуб ва тамойилларини шакллантиришда қатнашиш;

қўйи муассасаларга пуллик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ҳажмини ошириш борасида услубий-амалий ёрдам кўрсатади;

пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти масалаларида услубий ҳужжатлар, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этади;

мониторинг ва самарадорлик мезонлари асосида баҳоланган фаолият даражасига кўра, зарур ҳолларда илмий-текшириш институтлари, республика марказлари ва бошқа муассасаларнинг ташкилий тузилмалари ҳамда инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар беради;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига ўз ваколати доирасида тегишли Давлат дастурларини бажарилишида амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

ривожланган хорижий давлатлар санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича амалиётни ўрганиш мақсадида хизмат сафарларини ташкил этади;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг ташкилий тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш орқали пуллик ва сервис хизматлар кўрсатиш сифати ва ҳажмини ошириш бўйича таклифлар киритади;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида ривожланган давлатлар тажрибаси асосида, пуллик хизматларни қулай (шаффоф, очиклик мезонларини қўллаш ва ҳ.к.) ва замонавий даражада бўлиши юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишда қатнашади;

лаборатория таҳлиллари ва синов мажмуаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказишда иштирок этади;

аккредитациядан ўтказилган лабораторияларда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган маҳсулотларга санитария-эпидемиологик ҳулоса расмийлаштиради;

давлат хизматларини кўрсатиш хизматларини ривожлантириш жараёнлари ва истикболларини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади ва уни изчил такомиллаштириб боради;

давлат хизматларини ривожлантириш бўйича норматив-ҳукукий ҳужжатлар ва бошқа (техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив) ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

электрон ахборот-таҳлилий тизимининг бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

ходимларнинг тегишли ўқиш ва курсларда малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий давлатларда ўқитишни ташкил этади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим белгиланган мақсад ва юклатилган вазифларни бажаришда қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида чора-тадбирлар режасини жойлардан талаб қилиб олиш ва зарур ҳолларда Санитария-эпидемиология хизматига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

Санитария-эпидемиология хизматида давлат хизматлари кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизмати бошқарув органлари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда уларнинг вакиллари иштирокида давлат хизматлари кўрсатиш, шу жумладан пуллик хизмат фаолияти юзасидан йигилишларда қатнашиш;

Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларида давлат хизматлари ва пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти, шу жумладан прогноз параметрлари ижроси ва харажатлари юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

9. Бўлим қуйидагиларга мажбурдир:

раҳбарият топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишига;

соҳага оид қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларини тасарруфидаги бўлинмалар муассасаларига ижро учун етказиш ҳамда ижросини таъминлаш;

jisмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларни ваколат доирасида ҳар томонлама қонунчиликда белгиланган тартибда ўрганиш ва жавоб беришга.

10. Бўлим жавобгарлиги:

раҳбарият топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишига;

соҳага оид қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларини тасарруфидаги бўлинмалар ҳамда муассасаларга ижро ва маълумот учун етказилишига;

ходимлар лавозим бўйича қонун бузилишлари учун амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Ходимларга нисбатан малакавий талаблар:

Санитария-эпидемиология, соғлиқни сақлаш, иқтисодий, юридик, бизнес ва бошқарув йўналишлари бўйича мутахассислик лавозимига олий маълумот ҳамда иш стажи камида 5 йил бўлиши керак.

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизматининг Маъмурий амалиёт бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий тузилмаси Маъмурий амалиёт бўлимининг (кейинги ўринларда - Бўлим) мақомини, вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати, ҳудудий бошқарма ва бўлимлар ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг вазифалари ҳисобланади:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

маъмурий амалиёт бўйича ҳужжатларни, шунингдек статистика ҳужжатларини юритиш, тўплаш, таҳлил қилиш;

маъмурий амалиёт соҳасида Санитария-эпидемиология хизмати номидан иштирок этиш ҳамда Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмаларнинг маъмурий амалиёт бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш соҳасида:

маъмурий амалиётларни санитария-эпидемиология соҳасида тартибга солишнинг ташкилий-ҳукукий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

маъмурий амалиётлар масалалари бўйича норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрланишида иштирок этади.

б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш соҳасида:

ҳуқуқбузарликларга оид тузилган маъмурий иш ҳужжатларини қабул қилади ҳамда кўриб чиқади;

маъмурий иш ҳужжатларини кўриб чиқиш натижаси бўйича маъмурий жавобгарлик қўллаш ёки маъмурий иш юритувни тугатиш, ёхуд маъмурий иш материалларини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузган мансабдор шахсга қайтариш бўйича таклифлар тайёрлайди;

маъмурий ишларни кўриб чиқишда қатнашади ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш баённомасини юритади;

судлар ёки бошқа органларга юбориш учун маъмурий иш ҳужжатларини тайёрлайди ва ўрнатилган тартибда юборади;

ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган маъмурий чораларнинг ижросини таъминланиши бўйича чоралар кўради;

в) маъмурий амалиёт бўйича ҳужжатларни, шунингдек статистика ҳужжатларини юритиш, тўплаш, таҳлил қилиш соҳасида:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда ваколатли давлат органлари ва судларга юборишга оид ҳужжатларни юритади;

белгиланган тартибда маъмурий иш ҳужжатларининг реестрини юритади;

д) маъмурий амалиёт соҳасида Санитария-эпидемиология хизмати номидан иштирок этиш ҳамда Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмаларнинг маъмурий амалиёт бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради, келишилган ҳамкорликни таъминлайди;

Санитария-эпидемиология хизмати соҳасига қирадиган тузилмаларнинг маъмурий амалиётга оид ишларига услубий ёрдам кўрсатади, фаолият йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

маъмурий амалиёт соҳасида белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

бўлим санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ҳайъат мажлислари кун тартибларига мавзулар киритиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

маъмурий амалиёт масалаларига оид жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Маъмурий амалиёт бўлими:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

маъмурий иш материалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш, тайёрлаш ва киритиш бўйича жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тайинланадиган бўлим бошлиги раҳбарлик қилади ва ўз фаолиятида бевосита бошликнинг йўналиш бўйича ўринбосарига бўйсунди.

бўлим ходимлари Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг ўринбосари билан келишилган ҳолда Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан ишга қабул қилинади ва озод қилинади.

11. Бўлим бошлиги:

бўлим фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилади, фаолиятини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бўлимнинг йиллик иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлаш учун киритади, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

фаолиятига оид қонун ҳужжатлари бўйича таклифлар киритади;

бўлим ходимларини рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида раҳбариятига таклифлар киритади;

бўлим бошлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12. Бўлим мутахассислари:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг ижроси учун шахсан жавобгардир;

бошлиқ ва бошлиқ ўринбосарлар томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ижро этади;

худудий бўлимларнинг фаолияти бўйича хисоботлар қабул қилади, жамлайди ва таҳлилий маълумотлар тайёрлайди.

13. Бўлим бошлиғи ва мутахассислари лавозимига олий ўқув юр்தларининг тиббий-профилактика факультетини тамомлаган ва олий юридик маълумотга эга бўлган мутахассислар тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Мурожаатлар
билан ишлаш бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) мурожаатлар билан ишлаш бўлимининг (Кейинги ўринларда - Бўлим) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини, жавобгарлигини, фаолият ва ҳисобот йўналишларини белгилайди.

3. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппаратининг таркибий қисми ҳисобланиб, фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ташкиллаштиради. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига бўйсунди.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Вирусология илмий-тадқиқот институти, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Л.М.Исаев номидаги филиали, ОИТСга қарши кураш марказлари, Республика ўлат профилактика маркази, Фуқаро авиацияси объектлари устидан санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг тегишли таркибий қисмлари, Дезинфекция станциялари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириб, уларнинг ягона тизимини ташкил этади ва аҳолининг санитария-эпидемиологик

осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боради, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолиятларини мувофиқлаштиради.

6. Бўлим ходимлари фаолиятини лавозим йўриқномалари, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тасдиқланган иш режалари асосида олиб боради.

7. Бўлимдаги (бўлим бошлиги, бош мутахассис ва етакчи мутахассис) лавозимларда тиббиёт олийгоҳларининг “Тиббий-профилактика иши” факультетини тамомлаган санитария-эпидемиология врач мутахассислигига эга бўлган врачлар фаолият юритади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

8. Бўлим фаолияти мазкур низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда ташкил этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмалари билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасида ўзаро ҳамкорликларни амалга оширади.

10. Бўлим фаолиятининг турли хил йўналишлари бўйича истиқболдаги иш режаларини ривожланишини ишлаб чиқади.

11. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича режалар ишлаб чиқади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан, Бош прокуратура “Ишонч телефони”дан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ишонч телефони”дан келиб тушаётган мурожаатларни тақсимлаш, мониторинг ва назоратини амалга оширади.

13. Соҳада мурожаатлар билан ишлашни такомиллаштириш вазифаларини амалга оширишни ташкил этади.

14. Санитария-эпидемиология хизматининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича масъул кадрлар малакасини оширишни ташкиллаштиради.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

15. Таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чоратадбирларини кўради.

16. Мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда раҳбар ва раҳбар ўринбосарларига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурат бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган қуйи тизим раҳбари, ташкилот ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар киритади.

17. Бўлим мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланишни жорий этиши мумкин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Ҳукумат портали орқали келиб тушган мурожаатлар электрон шаклда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар ёзма ва (ёки) электрон шаклда олиб борилади.

19. Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, мурожаатда кўрсатилган масалани кўриб чиқиш бир нечта давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатига кирса, бошқа давлат органлари ва ташкилотларига жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатини коллегиял эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилиши мумкин.

20. Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар киритади.

21. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий тадбирлар режасига асосан, санитария-эпидемиология кенгаши, ҳайъат ҳамда видеоселектор йиғилишларига виртуал тизим орқали келиб тушган мурожаатларни ҳолати юзасидан маълумот тайёрлайди.

22. Санитария-эпидемиология хизмати соҳасида фаолият юритувчи бошқа идоралар ва қуйи тизимнинг (худудий ташкилотлари) тегишли таркибий бўлинмалари фаолиятининг услубий бошқарувини мувофиқлаштирилишини таъминлаш ҳамда қуйи тизимининг (худудий бўлинмалари) ишига раҳбарлик қилиш.

23. Санитария-эпидемиология хизматида мурожаатлар билан ишлаш тизими фаолиятини такомиллаштириш, мурожаатларни ўз вақтида сифатли ўрганиб чиқилиши бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

24. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий бўлинмалари ва қуйи ташкилотлари раҳбарларига фаолият бўйича қонун бузилиш ҳолатлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига киритиш.

25. Санитария-эпидемиология хизматининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш.

26. Ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш.

4-боб. Бўлим ходимларининг ҳуқуқлари

27. Бўлимнинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуни ва меҳнат кодексида кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга.

28. Бўлим ўз фаолиятини яхшилаш мақсадида таклифлар киритиш.

29. Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий бўлинмаларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш.

30. Санитария-эпидемиология хизматининг барча мажлис, йигилиш ва бошқа тадбирларида қатнашиш.

31. Оператив масалаларни ҳал этишда бошқа бошқарма ва бўлим ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда ишни тўғри ташкил этиш.

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги” 12-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 12 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иш юритиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 234-сонли ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги “Ташкилий-бошқарув ҳужжатларини тузиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” 30-сонли буйруқларига мувофиқ Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларида бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Бўлим ходимларининг мажбуриятлари

33. Иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ҳамда юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажариш.

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, Санитария-эпидемиология хизмати таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш ва амалга оширилишини назорат қилиш.

6-боб. Бўлимнинг ваколатлари

35. Бўлим мудир тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ҳисобот бериб боради.

36. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибига кирувчи қуйи тизим бўлинмалари зиммаларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам назорат олиб боради, уларнинг фаолияти самарадорлиғига ҳолисона баҳо беради.

37. Назорат ва баҳолаш якунлари бўйича алоҳида ўрнак кўрсатган мансабдор шахслар ва ходимларни рағбатлантириш бўйича таклиф киритади

ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортиш юзасидан раҳбарга таклиф киритади.

7-боб. Якуний қоидалар

38. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

39. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларини
Мурожаатлар билан ишлаш бўлими тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларини (Кейинги ўринларда – Бошқарма) мурожаатлар билан ишлаш бўлимининг (Кейинги ўринларда – Бўлим) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини, жавобгарлигини, фаолият ва ҳисобот йўналишларини белгилайди.

3. Бўлим Бошқарманинг таркибий қисми ҳисобланиб, фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ташкиллаштиради. Бошқарма бошлиғига бўйсунди.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, фармойишлари, шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади. ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳудудий Бош давлат санитария врачининг тегишли қарорлари, соғлиқни сақлаш масалаларига оид халқаро шартномалар ва мазкур Низомга асосан фаолият юритади.

5. Бўлим ваколати доирасида туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириб, уларнинг ягона тизимини ташкил этади ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат сиёсатини олиб боради, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни амалга ошириш фаолиятларини мувофиқлаштиради.

6. Бўлим ходимлари фаолиятини лавозим йўриқномалари, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган иш режалари асосида олиб боради.

6. Бўлим мутахассислари лавозимларида тиббиёт олийгоҳларининг “Тиббий-профилактика иши” факультетини тамомлаган санитария-эпидемиология врач мутахассислигига эга бўлган врачлар фаолият юритади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

7. Бўлим фаолиятини “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тўғрисида”ги низомга, мазкур низомга ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларга амал қилган ҳолда ташкил этади.

8. Ҳудудий ҳокимликларининг тегишли бўлинмалари билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасида ўзаро ҳамкорликларни амалга оширади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан, Бош прокуратура “Ишонч телефони”дан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ишонч телефони”дан келиб тушаётган мурожаатларни ижросини таъминлаш учун ҳудудий бўлимларига юбориб, мониторинг ва назоратини амалга оширади.

10. Соҳада мурожаатлар билан ишлашни такомиллаштириш вазифаларини амалга оширишни ташкил этади.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

11. Таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чоратадбирларини олиб боради.

12. Мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда раҳбар ва раҳбар ўринбосарларига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурат бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган қуйи тизим раҳбари, ташкилоти ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар киритади ва ҳар чоракда мурожаатларнинг таҳлилини тайёрлаб, аниқланган камчиликлар юзасидан тавсия-топшириқлар юборади.

13. Бўлим мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланишни жорий этиши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Ҳукумат портали орқали келиб тушган мурожаатлар электрон шаклда, вилоят, шаҳар ва туман Халқ қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар ёзма ва (ёки) электрон шаклда юритилади.

15. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатида кўрсатилган масалаларини ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, мурожаатларда кўрсатилган масалаларни кўриб чиқиш (ҳал қилиш) бир нечта давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатига кирса, бошқа давлат органлари ва ташкилотларга жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатини коллегиял эшитишни ташкил қилади.

16. Бошқарма ва бўлимлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар киритади.

17. Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлигининг асосий тадбирлар режасига асосан, санитария-эпидемиология кенгаши, хайъат ҳамда видеоселектор йиғилишларига виртуал тизим орқали келиб тушган мурожаатлар юзасидан маълумотлар тайёрланиб, муҳокамага киритилади.

18. Санитария-эпидемиология хизмати соҳасида фаолият юритувчи бошқа идоралар ва қуйи тизимнинг (худудий ташкилотлари) тегишли таркибий бўлинмалари фаолиятининг услубий бошқарувини мувофиқлаштирилишини таъминлайди ҳамда қуйи тизимнинг (худудий бўлинмалари) ишига раҳбарлик қилади.

19. Санитария-эпидемиология хизматида мурожаатлар билан ишлаш тизим фаолиятини такомиллаштириш, мурожаатларни ўз вақтида сифатли ўрганиб чиқилиши бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

20. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий бўлинмалари ва қуйи ташкилотлари раҳбарларига фаолият бўйича қонун бузилиш ҳолатлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи муҳокамасига киритади.

21. Санитария-эпидемиология хизматининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этади.

22. Ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этади.

4-бoб. Бўлим ходимларининг ҳуқуқлари

23. Бўлим ходимлари “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиғи тўғрисида”ги қонуни ва меҳнат кодексида кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга.

24. Бўлим ўз фаолиятини яхшилаш мақсадида таклифлар киритади;

25. Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий бўлинмаларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олади;

26. Санитария-эпидемиология хизматининг йиғилиш ва бошқа тадбирларида қатнашади.

27. Оператив масалаларни ҳал этишда бошқа бошқарма ва бўлим ходимлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги” 12-сонли, Сogлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 12 апрелдаги “Сogлиқни сақлаш вазирлиғи тизимида иш юритиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 234-сонли ва Сogлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги “Ташкилий-бошқарув ҳужжатларини тузиш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” 30-сонли буйруқларига мувофиқ Бошқарма ва унинг таркибий муассасаларида

мурожаатларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Бўлим ходимларининг мажбуриятлари

29. Иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ҳамда юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажариш.

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, Санитария-эпидемиология хизмати таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3962-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш ва амалга оширилишини назорат қилиш.

6-боб. Бўлимнинг ваколатлари

31. Бўлим мудирининг тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ҳисобот беради.

32. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибига кирувчи қуйи тизим бўлинмалари зиммаларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам назорат олиб боради, уларнинг фаолияти самарадорлиғига ҳолисона баҳо беради ва ҳар чоракда ҳудудий санитария-эпидемиология кенгашига материал тайёрлаб киритади.

33. Назорат ва баҳолаш яқунлари бўйича алоҳида ўрнатилган мансабдор шахслар ва ходимларни рағбатлантириш бўйича таклиф киритади ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортиш юзасидан Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига таклиф киритади.

7-боб. Яқуний қоидалар

34. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

35. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Назоратларни
мувофиқлаштириш бўлими тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) Назоратларни мувофиқлаштириш бўлими (кейинги ўринларда - Бўлим) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг марказий ва ҳудудий таркибий бўлинмалари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

назоратларни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Прокуратура, Адлия вазирлиги ва тегишли вазирлик ҳамда ташкилотлар билан самарали ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

назоратларни мувофиқлаштириш бўйича марказий ва ҳудудий

таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли фармони ҳамда бошқа қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатларга асосан иш юритилишини назорат қилиш;

тадбиркорлик субъектларида ва бюджет ташкилотларида ўтказилган текширишларнинг ҳисоботи ва мониторингини олиб бориш;

тадбиркорлик субъектлари ва бюджет ташкилотлари томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваМ) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари мутахассислари томонидан текширишларни ўтказилиши устидан назорат олиб бориш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик билан қелишган ҳолда, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар ва ташкилотларнинг санитария-эпидемиология назорати соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва текширишларни ташкиллаштириш, тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш, хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш учун таклифлар киритади;

ўтказилган текширишларни самарадорлиги устидан назорат ўрнатади;

текшириш ўтказиш учун асос бўлувчи ҳужжатлар тўғри тақдим этилганлигини ўрганади ва текширишларни самарадорлигини ошириш бўйича Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарига таклифлар беради;

Санитария-эпидемиология хизмати, ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ўтказилган текширишлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тайёрлайди;

Санитария-эпидемиология хизмати, ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказилган санитария-эпидемиологик назорати тўғрисидаги ойлик, чораклик ва йиллик, шунингдек тезкор маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва белгиланган тартибда раҳбариятга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга тақдим этади;

Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларига амалий-услубий ёрдам кўрсатади;

маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланади;

амалдаги норматив-ҳукукий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказди ҳамда бир-бирини такрорловчи меъёрларни унификация қилиш бўйича асосланган таклифларни тайёрлайди;

Санитария-эпидемиология хизмати жамоаси иштирокидаги тадбирларни (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) ташкил этади ва ўтказди;

Бўлим ўз ваколатлари доирасида бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини Давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5490-сонли фармони ҳамда Низомда белгиланган ҳуқуқларга эга;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг назоратларни мувофиқлаштириш бўлимлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Бош давлат санитария врачлари топширигига кўра, бошқа вазирлик ва идоралар томонидан ташкил этилган республика ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда (халқаро конференциялар, семинарлар, учрашувлар ва ҳ.к.) бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Санитария-эпидемиология хизмати номидан иштирок этиш;

зарур бўлган ахборотларни Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа тузилмалари, вазирлик ва идоралардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун Санитария-эпидемиология хизматининг раҳбарияти билан келишган ҳолда, бошқармалар ва бўлимлар ходимларини жалб этиш, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ва малакали экспертларини жалб этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказилган санитария назорати давомида қонунчилик талабларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақда Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига маълум қилиш ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар киритиш.

9. Бўлим ўз ваколатлари доирасида бошқа ҳуқуқларга ҳам эгалик қилади.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Низом асосида ташкил этилади:

бўлим ходимларининг лавозим вазифалари Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг ўринбосари билан келишилади ва Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тасдиқланади.

Санитария-эпидемиология, соғлиқни сақлаш, юридик йўналишлар бўйича мутахассислик лавозимларига олий маълумот мутахассислар ишга қабул қилинади.

11. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлик раҳбарлик қилади:

бўлим мудирини бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги билан биргаликда бўлим ишларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

12. Бўлим мудирини қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Санитария-эпидемиология хизмати бошлигига таклифлар киритиш;

бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлигига таклифлар киритиш;

бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизоминини мустахкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

5-боб. Яқуний қондалар

13. Бўлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг ўта хавфли юкумли
касалликлар бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) структурасига кўра ўта хавфли юкумли касалликлар бўлими (Кейинги ўринларда - ЎХЮК бўлими деб юритилади) макomini, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. ЎХЮК бўлими карантин ва ўта хавфли юкумли касалликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан кириб келишини, шунингдек республиканинг табиий ўчоқли ҳудудларидан келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича эпидемияга қарши чора-тадбирларни Санитария-эпидемиология хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларини (Кейинги ўринларда - Бошқарма) ЎХЮК бўлимлари томонидан ўтказилишини мувофиқлаштирувчи бўлим ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. ЎХЮК бўлими Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига, Хизмат бошлигининг биринчи ўринбосари ва бошқарма бошлиғига бўйсунди.

5. ЎХЮК бўлими марказий аппаратнинг таркибий бўлимлари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва

паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг Л.М.Исаев номидаги филиали, Вирусология илмий-тадқиқот институти, Республика Ўлат профилактика маркази, Фукаро авиацияси объектларида Санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг, Давлат ветеринария Кўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. ЎХЮК бўлимига Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бўлим мудирлари врач эпидемиолог раҳбарлик қилади.

7. ЎХЮК бўлими ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

8. ЎХЮК бўлимининг штат бирликлари қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади.

2-боб. Бўлимнинг мақсад ва вазифалари

9. Республика ҳудудига карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларни (вабо, сарик иситма, куйдирги, бруцеллёз, манқа, мелиоидоз, кутуриш, орнитоз, тошмали тиф, Ку-иситмаси, лептоспироз, псевдотуберкулёз, маймун чечак, парранда гриппи ва вирусли гемorraгик иситмалар (КҚГИ, БСКГИ, Омск, Эбола, Ласса, Марбург), коронавирус инфекциясини четдан кириб келиши ва тарқалишини, шунингдек республиканинг табиий ўчоқли ҳудудларидан келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этишдан иборат.

10. ЎХЮК бўлимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоқларини бартараф этиш учун мажмуавий санитария-гигиена, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

ҳудудий бошкармаларнинг ЎХЮК бўлимлари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг Л.М.Исаев номидаги филиали, Вирусология илмий-тадқиқот институти, Республика Ўлат профилактика маркази мутахассислари билан ҳамкорликда илмий-амалий семинарлар ҳамда ўқув-циклларини ташкил қилиш;

аҳолининг ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича хабардорлигини ошириш;

ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўрсаткичларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

11. Санитария-эпидемиология хизматининг ЎХЮК бўлими ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаси ва даволаш-профилактика муассасаларига карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирлар бўйича ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича ҳудудий Санитария-эпидемиология хизмати бўлимлар фаолиятининг мувофиқлаштириш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-гигиена ва эпидемияга қарши талабларга риоя этилиши устидан санитария назоратни амалга ошириш;

ўта хавфли юқумли касалликларни келиб чиқиш сабаблари ва тарқалишининг шарт-шароитларини ўрганиб, уларни сабабларини аниқлаш;

ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Санитария қоида ва меъёрлар, буйруқлар, услубий, амалий тавсиялар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

бўлим ваколоти доирасида Республика эпидемияга қарши кураш комиссияси йиғилишига, Сogлиқни сақлаш вазирлигининг ҳайъат йиғилиши ва Санитария – эпидемиология кенгаши йиғилишларига ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича маълумотлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш;

ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида манфаатдор ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорликда миллий дастурлар ва истикболли режалар тузишда иштирок этиш;

ўта хавфли юқумли касалликлар мавзулари бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказиш;

ўта хавфли юқумли касалликларнинг ретроспектив ва тезкор таҳлил қилиш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек рўйхатга олиш ва ҳисобот ҳужжатлари устидан назорат олиб бориш;

ўта хавфли юқумли касалликлар устидан эпидемиологик назоратни такомиллаштириш бўйича халқаро ташкилотлар, соҳага алоқадор илмий текшириш институтлари, бошқа ташкилотлар, билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ўта хавфли юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини таҳлил қилиш (кутуриш ва бошқалар);

бошқармалар томонидан эмлаш ишларини ташкил этиш, эмлашни тўлақонли ва сифатли ўтказилиши устидан назорат олиб бориш;

ҳудудий Санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари томонидан ўта хавфли касалликлар ўчоқларида эпидемиологик текширув ишларини, эпидемияга қарши чора-тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши устидан назорат олиб бориш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш;

ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоқларида касаллик кўзгатувчиларининг аниқлаш мақсадида ўта хавфли юқумли касалликлар ва вирусология лабораториялари билан биоматериалларни текшириш масаласи бўйича ҳамкорликда фаолият юритиш;

ДПМларда I–II гуруҳ инфекцияларига қарши ўтказилаётган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар бўйича тайёргарлигини текшириш;

Санитария-карантин пунктларини фаолияти устидан назорат олиб бориш ва СКП ходимларига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

манфаатдор ташкилотлар, идоралар ва муассасалар билан ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоғини чегаралаш ва бартараф этиш бўйича ўқув-машгулотларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

I–II гуруҳ инфекциялари эпидемиологияси, ташхисоти ва профилактикаси бўйича илмий-амалий тадбирларда ҳамда режим комиссияси ишида иштирок этиш;

ўта хавфли юқумли касалликларни профилактикаси бўйича аҳоли ўртасида санитария тушунтириш ишларини олиб боради;

фаолиятида замонвий компьютер технологиялари ва интернет тизимидан самарали фойдаланиш.

12. ЎХЮК бўлими қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

13. ЎХЮК бўлими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган;

Бўлим фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимларидан ва қуйи Санитария-эпидемиология хизматилардан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

аҳолини юқумли касалликларни профилактикаси бўйича тушунчасини яхшилаш мақсадида тарғибот материалларни (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

14. ЎХЮК бўлими карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан кириб келишини, шунингдек республиканинг табиий ўчоқли ҳудудларидан келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

15. ЎХЮК бўлимининг мажбуриятлари:

давлат ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олинишини таъминланиши устидан ўрнатилган тартибда назорат олиб бориш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олишни таъминлаш борасида кўрилатган чоралар ҳақида Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ижроси ҳамда назоратини таъминлаш;

6-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Бўлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларини ўта хавфли юқумли
касалликлар бўлимлари тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда - Бошқарма) структурасига кўра ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими (кейинги ўринларда - ЎХЮК бўлими деб юритилади) мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. ЎХЮК бўлими карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан кириб келишини, шунингдек, табиий ўчоқли ҳудудлардан келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича санитария-эпидемиология назоратини таъминловчи ва маъмурий ҳудудда карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга оширувчи ҳудудий бошқарма таркибига кирувчи бўлим ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. ЎХЮК бўлимлари ўз фаолиятларини бошқарма бошлигига, бошлиқнинг биринчи ўринбосарига ва Санитария-эпидемиология хизматининг ЎХЮК бўлимига бўйсинув асосида олиб боради.

5. ЎХЮК бўлимлари ўз фаолиятида Бошқарманинг бошқа бўлимлари, Санитария-эпидемиология хизматининг ЎХЮК бўлими, Сogлиқни сақлаш

бошқармалари ва қуйи тизимдаги бошқа ташкилотлари, тиббиёт билим юртлари билан карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. ЎХЮК бўлимига врач эпидемиолог раҳбарлик қилади, бўлим мудир ҳудудий Бошқарма бошлиғи томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

7. ЎХЮК бўлими мудирлари иш фаолиятида бевосита Бошқарма бошлиғига бўйсунди. Бошқарма бошлиғи эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ЎХЮК бўлимлари иш фаолиятини бошқа бўлинмалар фаолияти билан мувофиқлаштириб бошқаради.

8. ЎХЮК бўлими режим талабларига жавоб берувчи иш жойлари, асбоб-ускуналар, зарурий жихозлар, сейф, махсус ҳимоя кийимлари билан таминланади, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоқларига ўз вақтида чиқиш учун тезкор хизмат кўрсатувчи автотранспорт ажратилади.

9. ЎХЮК бўлими врачлари белгиланган тартибда махсус тайёргарликдан ўтишлари шарт.

10. ЎХЮК бўлимининг штат нормативлари қонунчилик талаблари асосида тасдиқланади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

11. Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келишини, шунингдек, табиий ўчоқли ҳудудлардан келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш борасида ЎХЮК бўлимларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоқларини бартараф этиш учун мажмуавий санитария-гигиена, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимлари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ЎХЮК бўлими, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта тиббиёт билим юртлари мутахассислари билан ҳамкорликда карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича илмий-амалий ҳамда ўқув-семинарларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

аҳолининг карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси бўйича хабардорлигини ошириш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

12. ЎХЮК бўлимлар қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ЎХЮК бўлимлари вабо, сарик иситма, куйдирги, бруцеллёз, манка, мелиоидоз, қутуриш, орнитоз, тошмали тиф, Ку-иситмаси, вирусли геморрагик иситмалар (КҚГИ, БСКГИ, Омск, Эбола, Ласса, Марбург ва бошқалар), лептоспироз, псевдотуберкулёз, маймун чечак ва паранда гриппи, коронавирус инфекцияси каби ўта хавфли юқумли касалликларни четдан кириб келиши ва тарқалишини, шунингдек, республикада учрайдиган табиий ўчоқли касалликларни қайд этилишинининг олдини олиш юзасидан

ўтказилаётган тадбирлар устидан назорат олиб боради ва ташкилий-услубий раҳбарлик қилади ҳамда юқорида таъкидланган касалликлар рўйхатга олинганда, эпидемиологик ўчоқларни камраб олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларда иштирок этади;

ўлат ва туляремия касалликарининг олдини олиш чора-тадбирлари ўлат профилактика марказининг жойлардаги филиал ва бўлимлари томонидан Санитария-эпидемиология хизматининг ЎХЮК бўлимлари мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борлади;

ушбу Низомнинг карантин ва ўта хавfli юқумли касалликлар профилактикаси бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликда мажмуавий режалар, дастурлар, буйруқлар ишлаб чиқишда ҳамда ЭҚКФК, ССБ ҳайъат ва санитария-эпидемиологик кенгаш йиғилишлари маълумотларни тайёрлашда иштирок этади;

ушбу Низомнинг карантин ва ўта хавfli юқумли касалликлар профилактикаси ва ташхисоти бўйича туман (шаҳар) бўлимларига ташкилий-услубий, шунингдек, даволаш-профилактика муассасалари ва идоравий хизматларга профилактик ҳамда эпидемияга қарши тайёргарлик ишларида услубий ёрдам кўрсатади.

ўта хавfli юқумли касалликлар, жумладан, табиий ўчоқли касалликлар устидан эпидемиологик ва эпизоотологик мониторинг ташкил этади;

ўта хавfli юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини режалаштиради ва унинг бажарилиши устидан назорат қилади. Эмлашдан кейинги асоратлар рўйхатга олинса, иммунопрофилактика бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда назорат ишларини ўтказди;

ўта хавfli юқумли касалликлар ўчоғида амалдаги ҳужжатлар асосида лаборатория таҳлил ишларини ташкил этади;

ўта хавfli юқумли касалликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни маъмурий ҳудудлар бўйича таҳлил қилади;

ўта хавfli юқумли касалликлар бўйича ҳисобот юритишда иштирок этади;

Санитария-эпидемиология хизмати ва ДПМ тиббиёт ходимларини ўта хавfli юқумли касалликлар профилакаси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган махсус дастур асосида тайёргарликдан ўтказишни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади;

ДПМларда I–II гуруҳ инфекцияларига қарши ўтказилаётган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар бўйича тайёргарлигини текширади;

Санитария-карантин пунктларини (кейинги ўринларда - СКП) фаолияти устидан назорат олиб боради ва СКП ходимларига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

ўта хавfli юқумли касалликларни профилактикаси бўйича аҳоли ўртасида санитария – тарғибот ишларини олиб боришда иштирок этади;

манфаатдор ташкилотлар, идоралар ва муассасалар билан ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоғини чегаралаш ва бартараф этиш бўйича ўқув-машгулотларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади;

Ўлат профилактика маркази ва илмий тадқиқот институтлари билан I–II гуруҳ инфекциялари эпидемиологияси, ташхисоти ва профилактикаси бўйича илмий-амалий тадбирларда ҳамда режим комиссияси ишида иштирок этади.

13. ЎХЮК бўлими қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

14. ЎХЮК бўлими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳуқуқлар;

Бўлим фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш ҳуқуқи;

Бошқарманинг бошқа бўлимларидан ва қуйи ташкилотларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

Аҳолини юқумли касалликларни профилактикаси бўйича тушунчасини яхшилаш мақсадида тарғибот материалларини (эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

15. ЎХЮК бўлими карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан кириб келишини, шунингдек, табиий ўчоқли ҳудудлардан келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

16. ЎХЮК бўлими қуйидаги мажбуриятларга эга:

давлат ҳамда бошқа органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олинишини таъминланиши устидан ўрнатилган тартибда назорат олиб бориш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликларни тарқалишни олдини олиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олишни таъминлаш борасида кўрилатган чоралар ҳақида Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятини хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ижроси ҳамда назоратини таъминлаш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

17. ЎХЮК бўлимини тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати
Миллий референс лаборатория комплексининг
Токсикология лабораторияси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) Миллий референс лабораториясининг токсикология лабораториясини (Кейинги ўринларда - Лаборатория) фаолият асосларини, мақомини, вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

2. Лаборатория Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг Миллий референс лабораториясини таркибий қисми ҳисобланади.

3. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Лабораторияда иш олиб бориш жараёни Миллий референс лаборатория раҳбари назоратида бошқарилади ва маъмурий тартибда Хизмат бошлигининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

5. Лабораториянинг иш жараёни Миллий референс лабораториясининг бошқа бўлимлари, Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти, Тошкент Тиббиёт академиясининг гигиена кафедралари билан узвий ҳолда ҳамкорлик қилади.

6. Лабораториянинг штат меъёрлари амалдаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган штат жадвалига асосан белгиланади.

7. Лабораторияда тиббиёт олийгоҳининг тиббий-профилактика факултетини тамомлаган врач гигиенистлар фаолият юритади.

8. “Токсикология” лабораторияси фаолиятидаги асосий тушунчалар:

Захар – модданинг вазнга нисбатан маълум (нисбатан жуда ҳам кичик) миқдори таъсирида организмнинг ҳаёт фаолиятини бузилиши.

Захарлилик ёки токсиклик деб кимёвий моддаларнинг организм фаолиятини издан чиқариш кучига айтилади.

Захарланиш – бу кимёвий модда таъсир этганда организмдаги нормал ҳаёт фаолиятини бузилиши натижасида патологик ҳолатни келиб чиқишидир.

Доза – захарнинг маълум оғирлик бирлигида ифодаланган миқдоридир. Одатда у мг/кг билан белгиланади.

Концентрация – захарнинг турли (ҳаво, сув ва бошқа) шароитда суюлиш даражасидир ва у мг/м^3 ёки мг/л билан ифодаланади.

Захарли кимёвий моддаларнинг организмга бир йула бир маротаба ёки қайта-қайта кўп маротаба (сурункали равишда) киришидан қатъий назар, улар таъсири натижасида бусага, токсик, ўлдирадиган дозалари кузатилиши мумкин.

Токсик (захарли) доза ёки концентрация – бу миқдор таъсирида тажриба ҳайвонлари организмда физиологик, биохимик, баъзида яққол клиник ўзгаришлар билан ўтадиган захарланишдир.

Ўлдирадиган доза ёки концентрация – модданинг бу миқдори таъсирида захарланиш ходисаси ўлимга олиб келади.

Ўлдирадиган дозанинг ўзи 3 га бўлинади: мутлақо, ўртача ва энг кам.

Мутлақо ўлим чақирувчи доза – модданинг тажриба ҳайвонлари жисмига тушганда уларнинг барчасини ўлдирадиган энг кам миқдори.

Ўртача ўлим чақирувчи доза – бу тажриба ҳайвонлари жисмига тушганда уларнинг 50%ни ўлдирадиган миқдори (ЛД_{50}).

Энг кам ўлим чақирувчи доза – бу тажриба ҳайвонлари жисмига тушганда уларнинг энг камида, яъни биттасида ўлим чақирувчи миқдор.

Токсико-гигиеник хулоса – ҳайвонларда ўтказилган барча токсикологик текширувлар (ошқозон, тери, кўз, нафас йўлларига тушгандаги таъсири) натижаларини умумлаштириш, ўрганилган модданинг хавфлилик синфини аниқлаш, салбий таъсир кўрсатишини олдини олиш учун эҳтиёт чораларини тавсия қилиш.

9. Умумлаштирилган токсико-гигиеник хулосалар талаб қилинган ҳар қил бошқариш тизимларига белгиланган тартибда ва муддатда раҳбар имзосига биноан тақдим этилади.

2-боб. Лабораториянинг мақсад ва вазифалари

10. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги” тўғрисидаги Қонунига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан мурожат қилинган масалаларни кўриб чиқиш.

11. Юридик ва жисмоний шахсларни аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасидаги вазият ва шароитга мувофиқлаштириш чора тадбирлари ҳақида (тўғрисида) ахборот билан таъминлаш..

12. Аҳолини аниқланган хавф-хатарлар тўғрисида ахборот ва маълумотлар билан ўз вақтида (фурсатида) хабардор қилиш.

13. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш полимер ва материаллари, атир-упа маҳсулотлари, атроф-муҳит омиллари ва

бошқаларда қўлланмалар, усуллар, таҳлиллар, синовларнинг такомиллаштириш бўйича меъёрий лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашда иштирок этиш.

14. Лабораториянинг асосий мақсади – бу амалиётга жорий қилинаётган, кундалик ҳаётда қўлланиладиган кимёвий моддаларни инсон, жамоа ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини олдини олиш.

15. Лабораториянинг вазифалари:

- Модданинг тажриба ҳайвонлари ошқозонига юборилгандаги ўткир (ўртача ўлим чакирувчи доза – $DL_{50 \text{ per os}}$) заҳарлилигини аниқлаш ва хавфлилиқ синфини белгилаш;

- модданинг терига маҳаллий таъсирини ўрганиш ва баҳолаш;

- модданинг тери орқали организмга сўрилишини ўрганиш ва баҳолаш;

- модданинг кўзнинг шиллиқ қаватига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш;

- модданинг организмда йигилиш (кумуляция) хусусиятини ўрганиш ва баҳолаш;

- модданинг ташқи муҳит омилларидаги (ишчи муҳити ҳавоси, атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ва бошқалар) гигиеник меъёрлари (рухсат этилган меъёр - ПДК) ва гигиеник регламентларини ўрнатиш.

3-боб. Лабораториянинг функцияси

16. Худудий “Токсикология” бўлинмалари иш фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш.

17. Лабораториянинг иш фаолияти доирасида мамлакатимизда токсикологик хусусияти ўрганилмаган янги ва ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган, чет элдан олиб келинаётган янги кимёвий моддалар, биология воситалари ва материаллари, минерал ўғитлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган дори-дармонлар, ўсимликларни химоя қиладиган кимёвий ва биологик воситалар, полимер ва пластик массалар, атир-упа ва пардоз маҳсулотлари, дезинфекция, дезинсекция, дератизация воситалари, озик-овқат қўшимчалари, биологик фаол озуқа қўшимчалари ва бошқаларни тажриба ҳайвонларида синаб кўриш ва токсико-гигиеник ҳулоса бериш.

18. Моддаларнинг токсикологик хусусиятини ўрганишда янги, сезгирлиги юқори бўлган асбоб-ускуналар ва текширув усуллари жорий қилиш.

19. Лабораторияда моддага бирламчи токсико-гигиеник ҳулоса бериш ($DL_{50 \text{ per os}}$, терига маҳаллий таъсири, тери орқали сўрилиши, кўзга таъсири, кумулятив хусусияти) ва моддаларнинг гигиеник меъёр ва регламентлари ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ҳажмидаги текширувларни ўтказиш.

20. Токсикологик хусусияти ўрганилган моддалар бўйича маълумотларга алоқадор бўлган бўлим, бўлинмаларни хабардор қилиш.

21. Худудий “Токсикология” бўлинмалардан маълумот тўплаш, олинган статистик маълумотларга ишлов бериш, аҳоли саломатлиқ ва атроф муҳит кимёвий омиллари тўғрисида тушунтириш ишларида амалий ва услубий ёрдам бериш.

22. Худудий бошқармаларнинг Токсикология бўлинмаларидан келиб тушган маълумотлар тўлиқлиги, сифати, ҳаққонийлиги тўғрисида доимий равишда назорат ва таҳлил қилиш.

23. Мутахассисларни институтлар базасида ўқитиш, қайта тайёрлаш, бирламчи ихтисослашув жадвалларини тузиш, худудий бошқармалар тасарруфидаги лабораториялари мутахассисларини мунтазам равишда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг марказий аппарати Миллий референц лабораторияси базасида иш жойида амалиёт олиб бориш.

4-боб. Лабораториянинг ҳуқуқлари

24. Лаборатория ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

25. Лаборатория ходимлари Санитария-эпидемиология хизмати томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

26. Лаборатория ходимлари Санитария-эпидемиология хизмати буйруқлари асосида тайёрлов, қайта тайёрлов ҳамда бирламчи мутахассисликлари бўйича ўқиш ҳуқуқига эга.

27. Лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга.

28. Токсикология лабораториясининг иш фаолиятини янада такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

29. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги №393-сонли 26.08.2015 йилдаги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳақ ҳуқуқларга эга.

5-боб. Лабораториянинг мажбуриятлари

30. Жисмоний ва юридик шахсларнинг Санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш ва уларни бу ҳақда хабардор қилиш.

31. Аҳолини ўз вақтида мавжуд хавф тўғрисида хабардор қилиш.

32. Муассаса талаблари ва ички меҳнат интизомига риоя қилиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Лаборатория Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизмати Миллий референс лаборатория мажмуасининг
Бактериология лабораторияси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) бактериология лабораторияси мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Бактериология лабораторияси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг миллий референс лабораториясини таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бактериология лабораторияси Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига, бошлиқнинг биринчи ўринбосарига, Миллий референс лаборатория бошлиғига бўйсунди.

5. Бактериология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимлари, Республика эпидемиология, микробиология, юқумли, паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда - РЭМЮКИАТМ), Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Бактериология лабораториясига Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган лаборатория мудири врач бактериолог раҳбарлик қилади.

7. Бактериология лабораторияси ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

8. Бактериология лабораторияси штат бирликлари қонунчиликда белгиланган тартибда штат жадваллари асосида тасдиқланади.

2-боб. Бактериология лабораториясининг мақсад ва вазифалари

9. Республика ҳудудига юқумли касалликларни (III-IV гуруҳ патоген микроорганизмлар) четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш ва аҳолининг юқумли касалликлар билан касалланишининг олдини олиш мақсадида сув, тупроқ, ҳаво каби ташқи муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларида, Даволаш профилактика муассасаларида (ДПМ) бактериологик таҳлиллар ўтказиш.

10. Ҳудудий бошқармаларнинг бактериология лабораториялари, РЭМЮКИАТМ, ТГА ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кафедралари, бактериологик тадқиқотлар бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

11. Ҳудудий бошқармаларнинг бактериология лабораториялари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган таҳлиллар номенклатураси асосида ташқи муҳит ва одамларда ҳаққоний бактериологик текширувлар ўтказиш.

3-боб. Бактериология лабораториясининг функциялари

13. Бактериология лабораторияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ҳудудий бошқармалар ва даволаш-профилактика муассасаларига юқумли касалликлар диагностикаси ва санитария бактериологик таҳлиллар бўйича ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Санитария қоида ва меъёрлар, буйруқлар, амалий-услубий тавсиялар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

лаборатория ваколати доирасида Республика Эпидемияга қарши кураш Фавқулодда комиссияси йиғилишига, Сogлиқни сақлаш вазирлигининг Ҳайъат йиғилиши ва Санитария-эпидемиология Кенгаши йиғилишига маълумот ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш;

бактериология лабораторияларнинг моддий-техник таъминотини, жиҳозланишини, меъёрий ҳужжатлар, реактив, озуқа муҳитлар ва бошқа сарфловчи воситалар билан таъминотини яхшилаш бўйича назоратни амалга ошириш;

III-IV гуруҳ патоген инфекциялар бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказиш;

бактериология лабораторияларнинг жойлашиши бўйича янги махсус лойиҳаларни ўрганади;

арбитраж текширувларни ўтказиш, вилоятларда ажратилган культураларни идентификациялаш;

худудий бошқармалар мутахассислари томонидан ўтказилаётган таҳлиллар устидан назорат олиб бориш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш;

ДПМларда III-IV гуруҳ инфекцияларига қарши ўтказилаётган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар бўйича тайёргарлигини текшириш;

РЭМЮКИАТМ билан III-IV гуруҳ инфекциялари эпидемиологияси, ташхисоти ва профилактикаси бўйича илмий-амалий тадбирларда ҳамда режим комиссияси ишида иштирок этиш;

III-IV гуруҳ бактериал юқумли касалликларни профилактикаси бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боради;

фаолиятида замонвий компьютер технологиялари ва интернет тизимидан самарали фойдаланиш;

янги текширув усуллари, Давлат стандартлари, услубий қўлланма, йўриқномаларни амалиётга тадбиқ этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати базасида врач-бактериологлар тайёрлаш.

14. Бактериология лабораторияси қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бактериология лабораториясининг ҳуқуқлари

15. Бактериология лабораторияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар;

бўлим фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимларидан ва худудий бошқармаларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

аҳолини юқумли касалликларни профилактикаси бўйича тушунчасини яхшилаш мақсадида тарғибот материалларни (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

лаборатория ходимлари амалдаги низом асосида шаҳодатлашдан ўтиши ва тоифа олиши;

лабораториялар мутахассислари касбий малакасини ошириш учун ўқиши.

16. Бактериология лабораторияси III-IV гуруҳ бактериал юқумли касалликларга таҳлиллар ўтказиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бактериология лабораторияси мажбуриятлари

15. Бактериология лабораторияси мажбуриятлари:

юқумли касалликларнинг ёки юқумли касалликларга гумон қилинганларнинг, овқатдан заҳарланишларнинг келиб чиқиш сабабларини

аниқлаш мақсадида тасдиқланган замонавий усуллар билан тўғри ва сифатли бактериологик текширувлар олиб бориш;

аҳоли ўртасида юқумли касалликларни камайтириш ва ташқи муҳитни соғломлаштириш борасида санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

шикоятларни таҳлил этишда иштирок этиш;

ўтказилаётган таҳлиллар давомида аниқланган касаллик кўзгатувчилари ҳақида Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини хабардор қилиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Бактериология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизмати тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларини
Бактериология лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология хизмати бошқармалари (Кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) бактериология лабораториясининг (Кейинги ўринларда – Лаборатория) мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва улар фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бактериология лабораторияси мудир бевосита ҳудудий бошқармалар бошлиқларига бўйсунди.

4. Бактериология лабораторияси ўз фаолиятида ҳудудий бошқармаларнинг бошқа бўлимлари, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта тиббиёт билим юртлари билан юқумли касалликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилади.

5. Бактериология лабораториясига врач бактериолог раҳбарлик қилади, бўлим мудир ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

6. Бошқармалар бошлиқлари эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда бактериология лабораторияси иш фаолиятини ҳудудий бошқармаларнинг бошқа бўлимлари фаолияти билан мувофиқлаштириб боради.

7. Бактериология лабораторияси амалдаги режим талабларига жавоб берувчи иш жойлари, асбоб-ускуналар, зарурий жиҳозлар, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади.

8. Бактериология лабораторияси врачлари тиббий олийгоҳини тамомлаган бўлиши шарт.

9. Бактериология лабораторияси штат нормативлари конунчилик талаблари асосида тасдикланади.

2-боб. Бактериология лабораторияси вазифалари

10. Лабораториянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Республика ҳудудига юқумли касалликларни (III-IV гуруҳ патоген микроорганизмлар) четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш ва аҳолининг юқумли касалликлар билан касалланишининг олдини олиш мақсадида сув, тупроқ, ҳаво каби ташқи муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларида, Даволаш профилактика муассасаларида (ДПМ) бактериологик таҳлиллар ўтказиш;

туман ва шаҳар бўлимлари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ҳудудий бошқармалар бактериология лабораторияси, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта тиббиёт билим юртлири мутахассислари билан ҳамкорликда III-IV гуруҳ бактериал юқумли касалликлар профилактикаси бўйича илмий-амалий ҳамда ўқув-семинарларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

аҳолининг III-IV гуруҳ бактериал юқумли касалликлар профилактикаси бўйича хабардорлигини ошириш.

3-боб. Бактериология лабораторияси функциялари

11. Лаборатория қуйидаги функцияларни амалга оширади:

юқумли касалликларнинг ёки юқумли касалликларга гумон қилинганларни овқатдан заҳарланишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида, тасдиқланган замонавий усуллар билан тўғри ва сифатли бактериологик текширувлар олиб бориш;

аҳоли ўртасида юқумли касалликларни камайитириш ва ташқи муҳитни соғломлаштириш борасида эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

бактериологик лабораторияларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, меъёрий ҳужжатлар, кимёвий реактивлар, озуқа-муҳитлар ва бошқа препаратлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларини ташкиллаштириш;

санитария бактериологик текширувларни режалаштиришда иштирок этиш.

янги текширув усуллари, Давлат андозалари (ГОСТ), услубий қўлланма, йўриқномаларни амалда тадбиқ этиш;

даволаш-профилактик муассасалардаги клиник диагностик бактериологик лабораторияларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

туман (шаҳар) бўлимлари бактериологик лабораторияси устидан ташкилий услубий бошқарувни олиб бориш;

туман (шаҳар) бўлимлари бактериологик лабораторияси моддий-техник таъминотини, жиҳозланишини, меъёрий ҳужжатлар, реактив, муҳитлар ва бошқа воситалар билан таъминотини яхшилаш бўйича назоратни амалга ошириш;

йиллик ҳисоботлар якуни бўйича туман (шаҳар) бўлимларининг бактериологик лабораторияси фаолиятини таҳлил қилиб ахборот хати тайёрлаш; арбитраж текширувларни, туманларда ажратилган культураларни идентификациялашни амалга ошириш;

ҳудудий бошқармалар базасида врач-бактериологлар, лаборантларни касбий тайёргарликдан ўтказиш;

ҳудудий бошқармалар шаҳодатлаш комиссияси ишида иштирок этиш.

12. Бактериологик лабораторияси қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бактериология лабораторияси ҳуқуқлари

13. Бактериология лабораторияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг Санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар;

лаборатория фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш ҳуқуқи; бошқарманинг бошқа бўлимларидан ва қуйи бўлимдан иш фаолият учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

аҳолини юқумли касалликларни профилактикаси бўйича билим саводхонлигини юксалтириш мақсадида мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к. тайёрлашда иштирок этиш;

лаборатория ходимлари шаҳодатлаш тўғрисидаги низом асосида шаҳодатлашдан ўтишга ва тоифа олиш;

лабораториялар мутахассислари касбий малакасини ошириш учун ўқиш;

14. Бактериология лабораторияси III-IV гуруҳ бактериал юқумли касалликларга таҳлиллар ўтказиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бактериология лабораторияси мажбуриятлари

15. Бактериология лабораторияси мажбуриятлари:

жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳоли ўртасида III-IV гуруҳ юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

III-IV гуруҳ юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида III-IV гуруҳ юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олишни таъминлаш борасида ўтказилаётган таҳлиллар ҳақида ҳудудий бошқарма раҳбариятини хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ижроси ҳамда назоратини таъминлаш.

6-боб. Якунловчи қоидалар

16. Бактериология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг туман (шаҳар) бўлимларини Бактериология
лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Санитария-эпидемиология хизмати туман (шаҳар) бўлимлари (Кейинги ўринларда - Бўлим) бактериология лабораториясининг мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва улар фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Лаборатория ўз фаолиятида Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Лаборатория ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати туман (шаҳар) бўлими бошлиғига ва ҳудудий бошқармаларни бактериология лабораториясига бўйсинув асосида олиб боради.

4. Бактериология лабораториясига врач бактериолог раҳбарлик қилади, бўлим мудир Бўлим бошлиғи томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

5. Лаборатория мудир иш фаолиятида бевосита Бўлим бошлиғига бўйсунди. Бўлим бошлиғи эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, бактериология лабораторияси иш фаолиятини Бўлимнинг бошқа таркибий бўлинмалари фаолияти билан мувофиқлаштириб бошқаради.

6. Бактериология лабораторияси режим талабларига жавоб берувчи иш жойлари, асбоб-ускуналар, зарурий жиҳозлар, шахсий химоя воситалари билан таъминланади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруқларига асосан бактериология лабораторияси врачлари тиббиёт олийгоҳини тамомлаган бўлиши шарт.

8. Бактериология лабораторияси штат нормативлари қонунчилик талаблари асосида тасдиқланади.

2-боб. Бактериология лабораториясининг вазифалари

9. Лабораториянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Республика ҳудудига юқумли касалликларни (III-IV гуруҳ патоген микроорганизмлар) четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш ва аҳолининг юқумли касалликлар билан касалланишининг олдини олиш мақсадида сув, тупроқ, ҳаво каби ташқи муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларида, Даволаш-профилактика муассасаларида бактериологик таҳлиллар ўтказиш;

аҳолининг III-IV гуруҳ бактериал юқумли касалликлар профилактикаси бўйича хабардорлигини ошириш.

3-боб. Бактериология лабораториясининг функциялари

10. Лаборатория қуйидаги функцияларни амалга оширади:

юқумли касалликларнинг ёки юқумли касалликларга гумон қилинганларни, овқатдан заҳарланишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида, тасдиқланган замонавий усуллар билан тўғри ва сифатли бактериологик текширувлар олиб бориш;

аҳоли ўртасида юқумли касалликларни камайитириш ва ташқи муҳитни соғломлаштириш борасида санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

бактериологик лабораторияларнинг моддий-техник жиҳозланиш таъминотини яхшилаш, меъёрий техник ҳужжатлар, кимёвий реактивлар, озуқа-муҳитлар ва бошқа препаратлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ташкиллаштириш;

санитария бактериологик текширувларни режалаштиришда иштирок этиш;

даволаш-профилактик муассасалардаги клиник диагностик бактериологик лабораторияларга амалий услубий ёрдам бериш;

11. Бактериологик лабораторияси қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бактериология лабораториясининг ҳуқуқлари

12. Бактериология лабораторияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг Санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар;

лаборатория фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш ҳуқуқи;

бошқарманинг бошқа бўлимларидан ва қуйи бўлимдан иш фаолият учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

аҳолини юқумли касалликларни профилактикаси бўйича билим саводхонлигини юксалтириш мақсадида мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к. тайёрлашда иштирок этиш;

лаборатория ходимлари шаҳодатлаш тўғрисидаги низом асосида шаҳодатлашдан ўтишга ва тоифа олиш;

лабораториялар мутахассислари касбий малакасини ошириш учун ўқиш;

13. Бактериология лабораторияси III-IV гуруҳ бактериал юқумли касалликларга таҳлиллар ўтказиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бактериология лабораториясининг мажбуриятлари

14. Бактериология лабораторияси мажбуриятлари:

жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳоли ўртасида III-IV гуруҳ юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олиш масалалари бўйича муурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

III-IV гуруҳ юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида III-IV гуруҳ юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олишни таъминлаш борасида ўтказилаётган таҳлиллар ҳақида ҳудудий бошқарма раҳбариятини хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Бактериология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлими тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Паразитология
лабораторияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) Паразитология лабораториясининг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва улар фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Паразитология лабораторияси Миллий референс лабораториясининг таркибий қисми бўлиб, паразитар касалликларни четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича санитария-эпидемиология назоратини амалга оширади.

3. Паразитология лабораторияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Паразитология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги ва бошликнинг биринчи ўринбосарига ҳамда Миллий Референс лабораторияси раҳбарига бевосита бўйсунди.

5. Паразитология лабораторияси ўз фаолияти давомида хизматнинг бошқа бўлимлари, шунингдек, паразитология, дезинфекция бўлимлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйи тизим ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта тиббиёт билим юртлари билан паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Паразитология лабораторияси бўлим мудири Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

7. Паразитология лабораторияси мудири иш фаолияти давомида бевосита Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги ва бошлиқнинг биринчи ўринбосарига бўйсунди. Бошлиқнинг биринчи ўринбосари эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, паразитология лабораториясининг иш фаолиятини бошқа таркибий бўлинмалар фаолияти билан мувофиқлаштириб бошқаради.

8. Паразитология лаборатория врач лаборантлари ўрнатилган тартибда махсус тайёргарликдан ўтишлари шарт.

9. Паразитология лабораториясининг штат бирликлари штат меъёрлари асосида тасдиқланади.

2-боб. Паразитология лабораториясининг вазифалари

10. Лабораториянинг асосий вазифалари:

паразитар касалликлар бўйича аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширади;

халқаро тажрибаларга таянган ҳолда, паразитар касалликларни олдини олиш ва уларга қарши самарали чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этиб, паразитар касалликлар (безгак, КҚТ, лейшманиоз, гельминтоз ва ҳ.к.) лаборатория ташхисоти сифатини мунтазам такомиллаштириб боради;

ахборот-коммуникацион технологиялари асосида республикада паразитар касалликлар устидан эпидемиологик ва энтомологик назорат олиб боради;

республикада паразитар касалликларни тарқалиши, ўтказилган чора-тадбирлар ва ҳудудларнинг санитария-паразитологик ҳолати мониторингини назорат қилади;

паразитар касаллик ўчоқларида касалликнинг авж олиш хавфи мавжуд бўлиб, фавқулодда вазият юзага келганда, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

3-боб. Паразитология лабораториясининг функциялари

11. Паразитология лабораторияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликда мажмуавий режалар, дастурлар, буйруқлар ишлаб чиқишда ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хайъат ва Санитария-эпидемиология кенгаши йигилишлари учун материаллар тайёрлашда иштирок этади;

паразитар касалликлар профилактикаси ва лаборатория ташхисоти бўйича ҳудудий бошқармалар паразитология лабораторияси, даволаш-профилактик муассасалари клиник лабораторияси ва идоравий тиббий

хизматларига профилактик ҳамда эпидемияга қарши тайёргарлик ишларида ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

ҳудудий бошқармалардан келиб тушадиган маълумотлар тўлиқлиги, сифати ва ишончлилигини мунтазам равишда назорат қилади;

паразитар касаллик тарқатувчиларининг ўзига хос маҳаллий экологияси, уларнинг турлари, мавсумий-микдорий динамикаси ва ҳудудий тарқалишини ўрганиб боради;

республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан катъий назар, барча корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар республикада озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш технологиялари юзасидан аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи омиллар бўйича қуйидаги лаборатория таҳлилларни олиб боради;

Санитария-эпидемиология хизмати паразитология лабораторияси ҳудудий бошқармалар паразитология лабораториясида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг паразитар касалликлар лаборатория ташҳисоти бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув семинар ва амалий машғулотлар ташкил этади ҳамда уларнинг малака оширишларини доимий назорат қилади;

паразитар касалликлар лаборатория ташҳисоти бўйича услубий қўлланмалар, таҳлиллар ва синовларни такомиллаштириш бўйича меъёрий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этади;

атроф-муҳит омилларини инсон саломатлигига таъсири бўйича паразитологик текширувларни амалга оширади.

паразитологик текширувлар сифатини ички ва ташқи назоратини олиб боради;

паразитология лабораторияси фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиб, сақлайди ва таҳлил қилади;

Қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Паразитология лабораториясининг ҳуқуқлари

12. Қуйидаги ҳуқуқларга эга:

барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга;

Соглиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларидан фойдаланиш;

Соглиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари асосида тайёрлов, қайта тайёрлов ҳамда бирламчи мутахассисликлари бўйича ўқиш;

паразитология лабораторияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ҳудудий бошқармалар ва шаҳар/туман бўлимлари паразитология лабораториясидан лабораторияга тегишли маълумот ва ҳужжатларни сўраб олиш.

5-боб. Паразитология лабораториясининг мажбуриятлари

13. Қуйидагилар лабораториянинг мажбуриятлари ҳисобланади:

паразитология лабораторияси паразитар касалликлар лаборатория ташхисотини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириб боради;

аҳоли ўртасида паразитар касалликлар бўйича эпидемиологик осойишталикни таъминлаш мақсадида, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва атроф-муҳит омилларини санитария-паразитологик текширувларини амалга оширади;

лабораториянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб боради;

санитария-паразитологик текширувлар, беморлар биоматериаллари ташхисоти ва назорат текширувларини бюджет ҳамда тўлов асосида амалга оширади;

паразитологик текширувлар сифатини ички ва ташқи назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида эпидемиологик вазият кескинлашувига олиб келувчи (лаборатория текширув натижаларига кўра) омиллар тўғрисида Миллий Референс лабораторияси раҳбарини огоҳ қилади;

паразитар касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида паразитар касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида Бошлик ўринбосарини хабардор қилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Паразитология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизмати тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
бошқармаларининг паразитар касалликлар бўлими
ва лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” 2015 йил 26 августдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ - 6035 сонли Фармони ҳамда 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ – 4790 сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари)нинг паразитар касалликлар бўлими ва лабораториясининг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва улар фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Паразитар касалликлар бўлими ва лабораторияси Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармаларининг таркибий қисми бўлиб, паразитар касалликларни тарқалишининг олдини олиш бўйича санитария - эпидемиология назоратини амалга оширади.

3. Паразитар касалликлар бўлими ва лабораторияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария- эпидемиология хизматининг буйруқлари ва бошқа норматив - ҳукукий ҳужжатларига, шунингдек мазкур низомга амал қилади.

4. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораторияси Санитария - эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармаларининг бошлиги ва бошлиқнинг биринчи ўринбосарига ҳамда Санитария - эпидемиологик осойишталик ва

жамоат саломатлиги хизматининг юқумли ва паразитар касалликлари бўлимига бевосита бўйсунди.

5. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораторияси ўз фаолияти давомида Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари бошқа бўлимлари, шу жумладан, дезинфекция тадбирларини амалга ошириш бўлимлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг юқумли ва паразитар касалликлари бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда вазирликнинг қуйи тизимдаги бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта тиббиёт билим юртлари билан паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Паразитология бўлим ва лабораториясининг мудирин Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

7. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораторияси мудирлари иш фаолияти давомида бевосита Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари бошлиғи ва бошлиқнинг биринчи ўринбосарига бўйсунди. Санитария-эпидемиология хизматининг бошлиқлари эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, паразитар касалликлар бўлим ва лабораториясининг иш фаолиятини Хизматнинг бошқа бўлимлари фаолияти билан мувофиқлаштириб бошқаради.

8. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораториясининг врачлари ўрнатилган тартибда махсус тайёргарликдан ўтишлари шарт.

9. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораториясининг штат меъёрлари қонунчилик талаблари асосида тасдиқланади.

2-боб. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораториясининг вазифалари

10. Асосий вазифалари:

паразитар касалликларнинг табиий ўчоқларида санитария-гигиеник, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг шаҳар ва туман бўлимлари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

Санитария-эпидемиология хизмати юқумли ва паразитар касалликлари бўлими, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта тиббиёт билим юртлари мутахассислари билан ҳамкорликда паразитар касалликлар профилактикаси бўйича илмий-амалий ҳамда ўқув-семинарларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

паразитар касаллик кўрсаткичларини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

трансмиссив паразитар касалликлар ва ичак паразитозларини четдан кириб келиши ва республикада тарқалишининг олдини олиш тадбирларида иштирок этиш.

3- боб. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораториясининг функциялари

11. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораторияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ичак паразитозлари ва трансмиссив паразитар касалликларни четдан кириб келиши ва тарқалишини, шунингдек республикада учрайдиган табиий ўчоқли паразитар касалликларни қайд этилишининг олдини олиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар устидан назорат олиб боради ва ташкилий - услубий раҳбарлик қилади ҳамда юқорида таъкидланган касалликлар рўйхатга олинганда, эпидемиологик ўчоқларни камраб олиш ва бартараф этиш бўйича чора – тадбирларда иштирок этади;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликда мажмуавий режалар, дастурлар, буйруқлар ишлаб чиқишда ҳамда ЭҚКФК, соғлиқни сақлаш бошқармаларининг хайъат ва санэпидкенгаш йиғилишлари материалларини тайёрлашда иштирок этади;

паразитар касалликлар профилактикаси ва ташҳисоти бўйича санитария- эпидемиология хизматининг туман шаҳар бўлимларига ташкилий - услубий, шунингдек даволаш - профилактика муассасалари ва идоравий хизматларга профилактик ҳамда эпидемияга қарши тайёргарлик ишларида услубий ёрдам кўрсатади;

паразитар касалликлар, жумладан табиий ўчоқли касалликлар устидан эпидемиологик ва эпизоотологик мониторинг ташкил этади;

дезинфекция бўлими билан биргаликда паразитар касаллик тарқатувчиларининг ўзига хос маҳаллий экологияси, уларнинг турлари, мавсумий кўпайиш динамикаси ва ҳудудий тарқалишини ўрганади;

амалдаги услубий-методик ҳужжатлар асосида паразитар касалликлар лаборатория ташҳисоти ўтказилишини ташкиллаштиради;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган чора – тадбирларни шаҳар/туманлар кесимида таҳлил қилади;

паразитар касалликлар бўйича ҳисобот юритилишида иштирок этади ва касаллик ҳолатлари ва амалга оширилган чора-тадбирлар бўйича ўрнатилган тартибда юқори турувчи ташкилотга хабарнома тайёрлайди;

ССВнинг буйруғи билан тасдиқланган махсус дастур асосида Санитария-эпидемиология хизматининг бўлим мутахассислари ва ДПМ тиббиёт ходимларини паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тайёргарликдан ўтказиш ишларини ташкиллаштиришда иштирок этади;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини ташкиллаштириб, ўтказишда иштирок этади;

пуллик хизмат ва бюджет маблағлари ҳисобидан паразитар касалликлар лаборатория ташҳисоти ва назорат текшируви ҳамда санитария – гельминтологик текширувларни амалга оширади;

паразитологик текширувлар сифатини ички ва ташқи назоратини амалга оширади;

паразитология лабораторияси фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиб, сақлайди ва таҳлил қилади;

Санитария-эпидемиология хизматининг шаҳар/туман бўлимларига паразитологик лаборатория текширувларини ташкиллаштириш ва ўтказиш масаласида амалий-услубий ёрдам кўрсатади;

конунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Паразитар касалликлар бўлими ва лабораториясининг ҳуқуқлари

12.Паразитар касалликлар бўлими ва лабораторияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади;

иш фаолиятини яхшилаш юзасидан таклифлар бериш;

бошқарманинг бошқа бўлимлари ва Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича аҳоли билимдонлигини ошириш учун тарғибот материалларини (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

Паразитар касалликлар бўлим ва лабораторияси конунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

5-боб. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораториясининг мажбуриятлари

13.Бўлимнинг мажбуриятлари:

аҳоли ўртасида паразитар касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича давлат ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар устидан ўрнатилган тартибда назорат олиб бориш;

паразитар касалликлар профилактикаси масаласида юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари ва фармойишларининг ижросини назорат қилиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

14.Паразитар касалликлар бўлим ва лабораторияси Санитария-эпидемиология хизматинининг ҳудудий бошқармалари тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
туман (шаҳар) бўлимлари паразитар касалликлар бўлинмаси
ва лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” 2015 йил 26 августдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035 сонли Фармони ҳамда 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ - 4790 сонли қарори мувофиқ ишлаб чиқилган, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимининг паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва улар фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларининг (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимлари) таркибий қисми ҳисобланиб, паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш бўйича санитария - эпидемиология назоратини амалга оширади.

3. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиология хизматининг буйруқлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мазкур Низомга амал қилади .

4. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси ўз фаолиятларини Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи, бошлиқнинг биринчи ўринбосари ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармасининг

паразитар касалликлар бўлими ва лабораториясига бўйсунуви асосида олиб боради.

5. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси ўз фаолияти давомида Санитария-эпидемиология хизмати туман (шаҳар) бўлимларининг бошқа бўлимлари, шунингдек дезинфекция бўлими, ҳудудий бошқармаларнинг паразитология бўлинмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг юкумли ва паразитар касалликлари бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйи тизимдаги бошқа ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта тиббиёт билим юртлари билан паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора - тадбирларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораториясининг мудирини Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи томонидан ишга тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

7. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси мудирини ўз иш фаолияти давомида Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи ва унинг биринчи ўринбосарига бўйсунди. Эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси иш фаолиятини Хизматнинг бошқа бўлимлари фаолияти билан мувофиқлаштириб бошқаради.

8. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лаборатория врачларини ўрнатилган тартибда махсус тайёргарликдан ўтишлари шарт.

9. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораториясининг штат меъёрлари қонунчилик талаблари асосида тасдиқланади.

2-боб. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораториясининг асосий вазифалари

10. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораториясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

паразитар касаллик ўчоқларида санитария-гигиеник, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

даволаш-профилактик муассасалари тиббиёт ходимларига паразитар касалликлар профилактикаси бўйича ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаси паразитология бўлинмалари, илмий-текширув институтлари ва олий ва ўрта тиббиёт ўқув масканлари билан ҳамкорликда илмий-амалий ва ўқув семинарларини ташкиллаштириш ва ўтказиш;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

паразитар касаллик кўрсаткичларини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

3-боб. Паразитар касалликлар бўлимаси ва лабораториясининг функциялари

11. Бўлинма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ичак паразитозлари ва трансмиссив паразитар касалликларни четдан кириб келиши ва тарқалишини, шунингдек республикада учрайдиган табиий ўчоқли паразитар касалликларни қайд этилишини олдини олиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар устидан назорат олиб боради ва ташкилий - услубий раҳбарлик қилади ҳамда юқорида таъкидланган касалликлар рўйхатга олинганда, эпидемиологик ўчоқларни камраб олиш ва бартараф этиш бўйича чора – тадбирларда иштирок этади;

дезинфекция бўлими билан ҳамкорликда паразитар касалликлар манбаи ва тарқатувчилари устидан назорат ва энтомологик кўрсатмага асосан уларга қарши тадбирларни амалга оширади.

паразитар касалликлар профилактикаси ва ўчоқларда табиий ўчоқли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш чора-тадбирлари устидан ташкилий-услубий назорат ўрнатиб, касаллик ҳолатлари аниқланганда касаллик ўчоқларини бартараф қилинишида иштирок этади;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликда мажмуавий режалар, дастурлар, буйруқлар ишлаб чиқишда ҳамда ЭҚКФК, ССБ ҳайъат ва санэпидкенгаш йигилишлари материалларини тайёрлашда иштирок этади;

паразитар касалликлар профилактикаси ва ташхисоти бўйича Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимларига ташкилий -услубий, шунингдек даволаш-профилактика муассасалари ва идоравий хизматларга профилактик ҳамда эпидемияга қарши тайёргарлик ишларида услубий ёрдам кўрсатади;

паразитар касалликлар, жумладан, табиий ўчоқли юқумли паразитар касалликлар устидан эпидемиологик ва эпизоотологик назоратни ташкиллаштиради;

паразитар касаллик тарқатувчиларининг ўзига хос маҳаллий экологияси, уларнинг турлари, мавсумий кўпайиш динамикаси ва ҳудудий тарқалишини ўрганади;

амалдаги услубий-методик ҳужжатлар асосида паразитар касалликлар лаборатория ташхисоти ўтказилишини ташкиллаштиради;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган чора – тадбирларни туман (шаҳар) бўйича таҳлил қилади;

паразитар касалликлар бўйича ҳисобот юритилишида иштирок этади ва касаллик ҳолатлари ва амалга оширилган чора-тадбирлар бўйича ўрнатилган тартибда юқори турувчи ташкилотга хабарнома тайёрлайди;

ССВнинг буйруги билан тасдиқланган махсус дастур асосида Санитария-эпидемиология хизматининг бўлимлар, ДПМ, тегишли идора ва ташкилотлар тиббиёт ходимларини паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тайёргарликдан ўтказиш ишларини ташкиллаштиришда иштирок этади;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича аҳоли орасида тарғибот ишларини ташкиллаштириб ўтказишда иштирок этади;

пуллик хизмат ва бюджет ҳисобидан паразитар касалликлар лаборатория ташҳисоти ва назорат текшируви ҳамда санитария – гельминтологик текширувларни амалга оширади;

паразитологик текширувлар сифатининг ички ва ташқи назоратини амалга оширади;

паразитиология лабораторияси фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиб, сақлайди ва таҳлил қилади;

Паразитология бўлинмалари конунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораториясининг ҳуқуқлари

12. Бўлинма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолият йўналишлари давомида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади;

иш фаолиятини яхшилаш юзасидан таклифлар бериш;

Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимларининг бошқа бўлинмаларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

паразитар касалликлар профилактикаси бўйича аҳоли билимдонлигини ошириш учун тарғибот материалларини (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма varaқаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

Паразитар касалликлар бўлинмаси ва лабораторияси конунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

5-боб. Паразитар касалликлар бўлим ва лабораториясининг мажбуриятлари

13. Бўлинманинг мажбуриятлари:

аҳоли ўртасида паразитар касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича давлат ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар устидан ўрнатилган тартибда назорат олиб бориш;

паразитар касалликлар профилактикаси масаласида юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан таъминлаш ва ижросини назорат қилиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

14.Паразитар касалликлар бўлим ва лабораторияси Санитария-эпидемиология хизматини туман (шаҳар) бўлими тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Эпидемиология ва юқумли
касалликлар профилактикаси бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

3. Бошқарма хизматнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ўз фаолиятида хизмат бошлиғига ва унинг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

4. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бошқарма ваколати доирасида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Л.М.Исаев номидаги тиббий паразитология филиали, Вирусология, Санитария-гигиена ва касб касалликлари ИТИлари ҳамда ОИТСга қарши кураш марказлари, Республика Ўлат профилактика маркази, Фуқаро авиацияси объектларида Санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг тегишли таркибий қисмлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириб, уларнинг ягона тизимини ташкил этади ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштиради.

6. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат органлари, вазирликлар, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий, норматив-техник ҳужжатларни ўз ваколати доирасида инсон ҳаёти ва саломатлигига таъсир қилувчи хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича экспертизадан ўтказилишини таъминлайди.

7. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланган санитария-гигиена, профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича фаолият олиб боради ва эпидемиологик мониторингни ҳамда назорат текширувларини ўтказди.

8. Бошқармага бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

9. Бошқарма Эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бўйича бўлим мудирлари, бош мутахассис ва етакчи мутахассислардан иборат. Бошқарма мутахассислари хизматнинг биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан ишга қабул қилинади ва ишдан озод этилади.

10. Бошқарма хизматнинг эпидемияга қарши ва профилактика тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда бошқарувчи, назорат қилувчи, мувофиқлаштирувчи, консультатив ёрдам кўрсатувчи органи ҳисобланади.

2-боб. Бошқарма фаолиятининг мақсад ва вазифалари

11. Бошқарма фаолиятининг асосий мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, турмуш тарзи, меҳнат шароитлари, соғлом овқатланиши, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни шакллантириш ҳамда профилактик тиббиётни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатини таъминлаш, ноинфекцион ва инфекцияли касалликларнинг эпидемиологик мониторингини юритишдан иборат.

12. Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ваколати доирасида санитария-эпидемиология хизматини ривожлантириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожлантириш ва малакали ходимлар билан таъминлашга қаратилган чораларни амалга оширилишида иштирок этиш;

санитария-гигиена, профилактика ва эпидемиология йўналишидаги илмий-текшириш институтлари, илмий амалий тиббиёт марказлари, олий ўқув yurtлари томонидан амалга оширилаётган соҳага оид илмий изланишларда иштирок этиш;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Л.М.Исаев номидаги тиббий паразитология филиали, Вирусология,

Санитария-гигиена ва касб касалликлари ИТИлари ҳамда ОИТСга қарши кураш марказлари, Республика Ўлат профилактика маркази, Фуқаро авиацияси объектларида Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, Дезинфекция станцияларининг фаолиятини ўрганиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳамда мувофиқлаштириш;

аҳолини карантин, ўта хавфли, бошқа юқумли ва паразитар касалликлардан муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини ошириш ҳамда радиация хавфсизлигини таъминлаш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқилишида қатнашиш;

илмий-текшириш институтлари, илмий-амалий тиббиёт марказлари, марказлар, олий ўқув юртлири, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда илмий-амалий ҳамда ўқув-семинарларини ташкил этиш ва иштирок этиш.

3-боб. Бошқарманинг функциялари

13. Бошқарманинг функциялари унга юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидагилардан иборат:

соҳага оид илмий изланишлар натижалари, фан ва техника ютуқларини Санитария-эпидемиология хизмати амалиётига тадбиқ этиш;

аҳоли соғлигини сақлаш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни такомиллаштириш борасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ишлаб чиқилишида қатнашиш ва уларни тадбиқ этилиши устидан назорат олиб борилишини ташкил этиш;

даҳлдор вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳокимликлар, давлат, нодавлат, чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда республика ҳудудига карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларни четдан кириб келишини олдини олиш бўйича олиб борилиши зарур бўлган тадбирларни мувофиқлаштириш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда республикада аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича қисқа муддатли, яқин келажакдаги ва истикболдаги мақсадга йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

жойларда юқумли касалликларни олдини олиш, аҳолига профилактик тиббий ёрдам кўрсатилиши борасида олиб борилаётган тадбирларни мувофиқлаштириш;

юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш тадбирларини миллий эмлаш тақвими ҳамда эпидемик кўрсатма асосида ташкил этиш, уларни ўз вақтида, хавфсизликни таъминлаган ҳолда амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш;

аҳолини юқумли касалликларга қарши эмлашнинг стратегияси ва тактикасини белгилаш, профилактик эмлаш муддатлари, қамраб олиниши, эмлаш зарур бўлган аҳоли қатлами ва эмлаш усуллари тўғрисида кўрсатмалар тайёрлаб, жойларга юбориш, аҳоли ўртасида эмлаш тадбирларининг юқумли касалликларни олдини олишдаги аҳамияти тўғрисида оммавий тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

фавкулотда вазиятлар қайд этилган ҳолларда, уларни бартараф этиш, салбий оқибатларини камайтириш бўйича республика дастурларини ишлаб чиқиб амалга ошириш, зарур бўладиган дори-дармонлар, дезинфекцияловчи воситалар, иммунобиологик препаратлар, диагностик воситалар захиралари яратилиши юзасидан буюртмалар ишлаб чиқиш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини ишлаб чиқишда қатнашиш ва уларни тадбик қилиниши устидан назоратни ташкил этиш, идоравий мансублигидан қатъий назар, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахсларга мўлжалланган санитария-эпидемиология соҳасига оид меъёрий ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқилишида иштирок этиш ва қелишишга тайёрлаш;

юкумли, паразитар касалликлар билан боғлиқ касб касалликларини олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкиллаштириш;

эпидемиологик ҳамда эпизоотологик мониторингни ташкил этиш ва уни мувофиқлаштириш;

санитария-эпидемиология осойишталигига оид масалалар бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатларини ўрнатилган тартибда қўриб чиқиш;

ҳалқаро ҳамкорлик тадбирларида қатнашиш, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларидан қелиб чиққан ҳолда, ривожланган давлатлар тажрибаларини санитария-эпидемиология хизмати амалиётига тадбик этиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг кадрлар салоҳиятини юксалтириш, соҳа мутахассисларининг, белгиланган тартибда малака оширишларида иштирок этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш, қуйи тизимга кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

14. Бошқарма қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари

15. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида қайд этилган ҳуқуқлар;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан зарур бўлган ахборотларни, ваколат доирасида ўрнатилган тартибда талаб қилиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги билан боғлиқ масалаларни ўрнатилган тартибда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ҳайъати ва Республика Санитария-эпидемиология Кенгаши, Республика фавкулотда эпидемияга қарши қураш комиссияси йиғилиши муҳокамасига тайёрлаш;

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига санитария-эпидемиология тизимидаги муассасалар

рахбарлари ва мутахассисларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

5-боб. Бошқарманинг мажбуриятлари

16. Бошқарманинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
фаолият давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш;
бошқармага юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажариш;

Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ташкилий ҳамда меҳнат муҳофазаси масалалари юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлигига санитария-эпидемиология масалалари бўйича тақдим этилган ҳужжатлари, хатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг муրожаатларини ўрганиш ва натижаси юзасидан маълумотлар тақдим қилиш, шунингдек вазирликнинг йигилишларига тегишли маълумотлар, ахборотлар тайёрлаб, ўрнатилган тартибда киритиш, иштирок этиш;

қабул қилинадиган қарорлар учун ўз ваколати доирасида таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ижроси ҳамда назоратини ваколат доирасида таъминлаш.

6-боб. Бошқарманинг ваколатлари

17. Бошқарма қуйидаги ваколатларга эга:

санитария-эпидемиология осойишталиги масалалари бўйича республика миқёсидаги, халқаро конференция, симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ва уларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан иштирок этиш;

меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш жараёнида тегишли муассасалар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳларни шакллантириш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

санитария-эпидемиология осойишталиги масалалари бўйича республикада тадқиқ этиладиган дастурларнинг сифати ва самарадорлигига баҳо бериш мақсадида, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар вакиллари билан биргаликда тадқиқотларни амалга оширишда иштирок этиш.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг маркетинг ва
логистика бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Маркетинг ва логистика бўлими (кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ва унинг ўринбосарига бўйсунди.

3. Бўлим фаолиятини бўлим бошлиғи бошқаради.

4. Бўлим ўз иши фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимлари ҳамда таркибий ташкилотлар вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар (СДС, ЖССТ, ЮНИСЕФ ва б.) Республика Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, Дори воситалари агентлиги “Авиаюклар”, “Ўзмедимпекс”, “Арк-булок” ва “Тошкент-Товарная” божхона постлари, “Ўзбекистон Ҳаво-йўллари” МАК, “Ўзбекэкспертиза” ОАЖ, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, “Темир йўллар” ОАЖ ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорликда олиб боради.

5. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Бўлим фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ олиб борилади.

7. Бўлим ишчилари ўз вазифасини лавозим йўриқномаси асосида бажарадилар.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари

8. Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча лабораториялар ҳамда бўлимлар, илмий-текшириш институтлар ва Хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияларининг иш фаолиятида зарур бўладиган дезинфекция моддалари, диагностикаумлар, озука муҳитлар, реактивлар, препаратлар, тиббий жиҳозлар, иммунобиологик препаратлар (вакциналар, зардоблар, фаглар ва бошқалар) сотиб олинганидан кейин мазкур товар моддий бойликларини божхонада расмийлаштириш ва ташкилот омборхонасига топшириш жарёини ташкил этиш.

9. Сотиб олинган диагностикаумлар, озука муҳитлар, тиббий жиҳозлар, иммунобиологик препаратларни сертификатлаштириб, божхонадан расмийлаштириб Санитария-эпидемиология хизмати омборхонасига олиб келиб топширилиши жараёини амалга ошириш.

3-боб. Бўлим ҳуқуқлари

10. Маркетинг ва логистика бўлими барча ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” қонунига мувофиқ фаолият юритиш ҳуқуқларига эга.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнат муҳофазасига ҳақли.

12. Белгиланган функция ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимлари ва ҳудудий ташкилотлардан фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш.

13. Бўлим ишини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар киритишга.

4-боб. Бўлим мажбуриятлари

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиш, фармон ва қарорларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлайди.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил қилиш

15. Бўлим гуманитар, молия, экономист, ҳуқуқшунос, ахборот коммуникациялар бўйича ва тиббий маълумотга эга мутахассислар билан таъминланади.

6-боб. Яқиний қоидалар

16. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

17. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

18. Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини бўлим фаолияти тўғрисида доимий равишда хабардор қилади.

19. Рахбарият томонидан бўлимга юклатилган кўрсатмалар ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизматининг Халқаро ҳамкорлик шўъбаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини (кейинги ўринларда —Санитария-эпидемиология хизмати) Халқаро ҳамкорлик шўъбасининг умумий фаолият тартиби, вазифалари, функциялари, ҳуқуқларини белгилайди (кейинчалик - Шўъба)

3. Шўъба ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Шўъба Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини таркибий бирикмасига киради ва тўғридан-тўғри Санитария-эпидемиология хизмати бошлигига бўйсунди.

5. Шўъбани Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг буйруғи билан тайинланган шўъба мудирини бошқаради.

6. Шўъба ходимлари Шўъба мудирини тавсиясига кўра, Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини буйруғи билан лавозимларига тайинланади ва лавозимларидан озод этилади.

7. Шўъба Санитария-эпидемиология хизматининг барча бўлимлари, ташкилий тузулмалари билан, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча бошқармалари, бошқа вазирликлар, идоралар ва тегишли ташкилотлар билан иш юритади.

8. Санитария-эпидемиология хизматини ташкилий тузилмаларининг Халқаро алоқалар масалалари бўйича мутахассислари, Халқаро ҳамкорлик бўлимлари Санитария-эпидемиология хизматининг Халқаро ҳамкорлик шўъбасига ҳисобдор ва ушбу бўлим назорати остида ҳисобланади.

2-боб. Шўъбанинг мақсад ва вазифалари

9. Шўъбанинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро, ҳукуматлараро, ташкилотлараро шартномалари ва битимларидан келиб чиққан ҳолда, санитария-эпидемиологик осойишталик тизимидаги халқаро алоқаларининг мувофиқлаштирилиши ва бошқаруви;

Санитария-эпидемиология хизмати ва унга тегишли идоралар билан халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида алоқалар ўрнатилиши, кенгайтирилиши ва мувофиқлаштирилиши;

Санитария-эпидемиология хизматига хорижий грантлар ва гуманитар ёрдамни жалб этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати тизимидаги мутахассисларнинг хорижий давлатларга хизмат сафарларини белгиланган тартибда ташкил этиш ва назорат қилиш;

Санитария-эпидемиология хизматига ва қуйи ташкилотларнинг хорижий давлатлардан келган делегациялари ва мутахассислари билан белгиланган тартибда учрашувлар ҳамда музокаралар ўтказиш ва назорат қилиш;

Санитария-эпидемиология хизмати тизимида олиб борилаётган ислохотлар туғрисида Ўзбекистон Республикасида ва халқаро ташкилотларда аккредитациядан ўтган чет эл элчихоналарини хабардор қилиш;

Санитария-эпидемиология хизмати халқаро фаолиятини таҳлил қилиш; халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган расмий музокаралар, учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасида халқаро ташкилотлар вакиллари ва Хорижий давлатларнинг фуқаролари таърифини ташкил этиш, уларнинг мувофиқлаштирилиши ва мониторингини олиб бориш. Тегишли ҳужжатларни тайёрлаш: визаларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, вақтинча рўйхатдан ўтказиш;

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятининг хорижий сафарларини ўрнатилган тартибда ташкиллаштириш, шу жумладан дипломатик паспортлар, хорижий мамлакат визаларини расмийлаштириш ва бошқалар;

халқаро шартномалар, меморандумлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, музокаралар олиб бориш ва ушбу ҳужжатлар имзоланишини ташкил этиш;

хорижий мамлакатлар билан халқаро муносабатларни ўрнатиш, қўллаб-қувватлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ушбу мақсадлар учун тегишли тадбирларни ташкил этишга қаратилган таклифларни бошқариш;

Шўъбага келаётган ёзишмаларни ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Халқаро бўлими, республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари, халқаро ташкилотлари, Хорижий шериклари билан алоқаларни амалга оширилишини таъминлаш;

Вазирлик ва идоралар томонидан ўтказиладиган турли даражадаги учрашувлар, кенгашларда ва анжуманларда иштирок этиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли идоралари билан чет эл делегацияларини қабул қилиш имкониятларини, Ўзбекистон Республикасида бўлиш истиқболларини кўриб чиқиш;

Шўъба ходимларининг малакаларини ошириш, шўъба фаолиятини ташкил этишнинг янги шакл ва усуллари ўрганиш, шунингдек, ходимларнинг Хорижий тил билиш маҳоратини ошириш бўйича доимий ишларни олиб бориш.

3-боб. Шўъбанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. Белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун Шўъба қуйидаги ҳуқуқларга эга:

соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги халқаро илмий тадбирларда Санитария-эпидемиология хизмати вакили бўлиш;

белгиланган тартибда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларнинг тизимли бўлимлари ва идораларидан зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг тизимли бўлинмалари халқаро бўлинмаларининг раҳбарларини уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг халқаро ҳамкорлик бўйича таклифларини қабул қилиш ва уларни янада кенгайтириш;

Топшириқларни бажариш учун зарур бўлган иш юритиш ва офис ускуналарини олиш;

Шўъба тақдим этилган таҳлилий ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва объективлиги учун ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли бажарилишига жавобгардир.

4-боб. Халқаро ҳамкорлик шўъбаси фаолиятини ташкил этиш

11. Шўъба олий гуманитар ва тиббий таълимга эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилади.

12. Шўъба тўғридан-тўғри Санитария-эпидемиология хизмати бошлигига бўйсунди.

13. Шўъба мудир:

Шўъба фаолиятини бошқаради, шўъба фаолиятини ташкил қилади ва назорат қилади;

тақдим этилган таҳлилий ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳолислиги учун шўбага юклатилган вазифалар ва функцияларни самарали амалга ошириш учун шахсан жавобгар бўлади;

Шўъба фаолиятини мувофиқлаштиради, шўъба ходимлари томонидан аниқ кўрсатмаларни бажариш учун жавобгарлик даражасини белгилайди;

Санитария-эпидемиология хизмати бошлигига лавозимни тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, шунингдек, ходимлар томонидан интизомий чоралар кўриш учун таклифлар тақдим этади;

Шўъба фаолиятини ва бошқарувни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини халқаро алоқалар бўйича доимий равишда хабардор қилади;

раҳбарият томонидан шўъбага юклатилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

Халқаро ҳамкорлик шўъбаси ходимлари ўз фаолиятларини Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган функционал мажбуриятларга мувофиқ амалга оширадилар.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Шўъбани тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизмати Эпидемиология ва юқумли касалликлар
профилактикаси бошқармасининг Юқумли ва паразитар
касалликлар бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Юқумли ва паразитар касалликлар бўлими (кейинги ўринларда – бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармасининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва ушбу низом унинг мақомини, вазифаларини, функциялари, мажбуриятлари, ваколатлари, ҳисобот бериш тартиби ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда тўғридан-тўғри ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари орқали амалга оширади.

4. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат хавфсизлиги хизматининг, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва бошқа вазирлик, идора, ташкилотларнинг юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида фаолият юритаётган таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириб боради ва улар устидан услубий раҳбарликни амалга оширади.

2-боб. Асосий вазифалар

5. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор ташкилот ва муассасалар билан бирга республика ҳудудида юқумли ва паразитар касалликлар бўйича санитария-эпидемиология осойишталикни таъминлаш ва уларнинг тарқатилишининг олдини олиш борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан юқумли ва паразитар касалликларни профилактикаси борасидаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваМлар) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда ўрганиш ва текширишлар ўтказиш ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича жавобгарлик чораларини белгилаш тўғрисидаги тақлифларни тайёрлаш;

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юқумли ва паразитар касалликлар ва уларнинг тарқалишига таъсир этувчи омилларни, потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнини тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усуллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган таҳлил қилишнинг янги шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш фаолиятини амалга ошириш;

ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, ОИВ ва ҳамроҳ касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона тизимнинг амал қилишини таъминлаш;

Эпидемиология, паразитология, микробиология ва вирусологиянинг долзарб масалалари бўйича истикболли йўналишларни белгилаш ҳамда шу йўналишларда илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда махсус тадқиқотлар олиб бориш;

бўлим юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

юкумли ва паразитар касалликлар соҳасидаги фаолиятни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш;

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни белгиланган тартибда келишувини ташкил этиш;

инсон саломатлиги учун хавф-хатарлар омилларини бошқариш, мониторинг олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш фаолиятини амалга ошириш;

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий ва ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан қабул қилинган қарорларга, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларига (ҳаракатсизликларига) нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш;

тарқатилишининг олдини олиш борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этади;

ветеринария хизмати билан бирга касаллик келтириб чиқарувчи манбаларни йўқ қилишга, антропоноз ва зооантропоноз инфекцияли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш;

белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан, санитария-эпидемиология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан белгиланган тартибда давлат санитария-эпидемиология назоратини лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларини қўллаган ҳолда амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига кўра ходимлари тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ташкилотлар, аҳолига диагностика, даволаш-профилактика хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганишда иштирок этиш;

назоратдаги объектлар ишчи-ходимларини юкумли ва паразитар касалликларга мажбурий, дастлабки ва даврий тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби ва даврийлигини ҳамда тиббий ташкилотлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилишининг тўлиқлигини назорат қилиш;

назорат объектларида юкумли ва паразитар касалликларини келиб чиқиши ҳолатлари устидан назорат олиб бориш;

юкумли ва паразитар касалликлар манбаи бўлган, шунингдек, тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтмаган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш тўғрисида иш берувчиларга тақдимнома киритиш;

ҳудудларни юкумли ва паразитар касалликларнинг олиб қилиниши, олиб ўтилиши ва тарқалишидан санитария жихатидан ҳимоя қилиш бўйича

санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш;

аҳолига юқумли ва паразитар касалликларга қарши профилактик эмлашлар ўтказиш сифати ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида эпидемиологик суриштирув ишларини ташкил этади, эпидемик ўчоқларда эпидемияга қарши чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларни камайтиришга, улар юқиш йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ бўлган эпидемиологик асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида истикболли йўналишларни белгилаш ва долзарб масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда иштирок этиш;

юқумли ва паразитар касалликларга қарши курашишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар танловларига тақдим қилинган лойиҳаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

юқумли ва паразитар касалликлар эпидемиологияси масалалари бўйича илмий, ўқув ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамғармалар, шу жумладан хорижий иштирокчилар билан ҳамкорликни амалга ошириш, халқаро илмий форумлар ва анжуманларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

юқумли ва паразитар касалликларнинг тарқалишига таъсир килувчи тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш;

тегишли ихтисосликдаги илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотлари билан бирга юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида дарсликлар, монографиялар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

бўлим юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа функциялар ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси ва эпидемиясига қарши масалалар бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида аниқланган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитлар, уларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар лойиҳасини тайёрлаб, хизмат раҳбариятига киритиш;

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларга огоҳлантириш, кўрсатма ва тавсия хатларини тайёрлаб, имзолатиш учун хизмат раҳбариятига киритиш;

юкумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, ҳўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган тиббий-санитария чора-тадбирларини амалга ошириш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф тугдирувчи юкумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда текширишлар ўтказиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар хавфи юзага келганда ва гуруҳли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси масалалари бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва мансабдор шахслардан Санитария-эпидемиология хизматида юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун раҳбарият билан келишилган ҳолда вазирликлар ва идоралар, шунингдек, бошқа ташкилотлар вакиллари чакорида ва жалб этиш;

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга ошириш;

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида конференциялар, семинарлар, симпозиумларни ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси масалаларини кўриб чиқишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хайъати йиғилишларида иштирок этиш;

бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бўлим:

юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида унга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

юқумли ва паразитар касалликлар билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича ишларининг ташкил этилиши;

юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича дастурлар, иш режалари, тадбирлар, йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

9. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган бўлим бошлиғи бошчилик қилади.

10. Бўлим бошлиғи лавозимида Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда, Эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармасининг бошлиғи томонидан юқори малакали мутахассис – врач эпидемиолог тавсия қилинади.

6-боб. Бўлимнинг ҳисобдорлиги

11. Бўлим бошлиғи тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича бевосита бошқарма бошлиғига ҳисобот беради. Шунингдек, ўрнатилган тартиб асосида, бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда, хизматнинг тегишли бўлимларига ва юқори турувчи ташкилотларга бўлим фаолияти ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар кўрсаткичлари бўйича ҳисоботлар тақдим этади.

12. Бўлим бошлиғи бўлимдаги барча ходимларга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг олиб боради, уларнинг фаолият самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

13. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича бўлим бошлиғининг тавсиясига кўра алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Бўлимни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлганлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг
Эпидемиология бўлими тўғрисида намунавий
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Эпидемиология бўлими (Кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва ушбу низом унинг макomini, вазифаларини, функциялари, мажбуриятлари, ваколатлари, ҳисобот бериш тартиби ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради;

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар билан ўзарo ҳамкорликда ва бошқармаларнинг туман (шаҳар) бўлимлари орқали амалга оширади.

4. Бўлим ўз ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилот, муассасаларнинг юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида фаолият юритаётган таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириб боради ва улар устидан услубий раҳбарликни амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари

5. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юқумли касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, давлат дастурларига таклифлар тайёрлаш ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор ташкилот ва муассасалар билан бирга ҳудудда юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ва уларнинг тарқалишининг олдини олиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини ташкил этиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан юқумли касалликларни профилактикаси борасидаги амалдаги меъёрий ва директив ҳужжатлар, шу билан бирга санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваМ) риоя қилинишини белгиланган тартибда ўрганиш ва текширишлар ўтказиш, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича жавобгарлик чораларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш;

фаолият кўрсатаётган ҳудудда юқумли касалликлар ва уларнинг тарқалишига таъсир этувчи омилларни, потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда самарали профилактик чора-тадбирларни ташкиллаштириш;

юқумли касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик, эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

юқумли касалликлар бўйича оператив ва ретроспектив эпидемиологик таҳлиллар ўтказиш, ўтказилган эпидемиологик таҳлиллар натижасида юқумли ва паразитар касалликларни олдини олиш юзасидан самарали тадбирлар ишлаб чиқиш, тадбирларни мувофиқлаштириш ва назорат ўрнатиш;

юқумли касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган таҳлил қилишнинг янги шакллари ва усуллари амалиётга жорий этиш фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли бўлимлари билан ҳамкорликда ўз ҳудудда юқумли касалликларнинг долзарб масалалари бўйича истикболли йўналишларни белгилаш ҳамда шу йўналишларда махсус тадқиқотлар олиб бориш;

бўлим юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

юқумли касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқишда асосланган таклифлар бериш ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

юқумли касалликлар профилактикаси бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларига таклифларни тайёрлаш ва қиритиш;

юқумли касалликлар профилактикаси бўйича Санитария-эпидемиология хизматининг туман бўлимлари томонидан қабул қилинган

карорларга, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларига нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш;

худудида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

манфаатдор хизматлар билан бирга юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи манбаларни йўқ қилишга, антропоноз ва зооантропоноз инфекцияли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш;

белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан, санитария-эпидемиология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан белгиланган тартибда давлат санитария-эпидемиология назоратини лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари кўллаган ҳолда амалга ошириш;

конун ҳужжатларига кўра аҳолига диагностика, даволаш-профилактика хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганишда иштирок этиш;

назоратдаги объектлар ишчи-ходимларини юқумли ва паразитар касалликларга мажбурий, дастлабки ва даврий тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби ва даврийлигини ҳамда тиббий ташкилотлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилишининг тўлиқлигини, ҳаққонийлигини назорат қилиш;

назорат объектларида юқумли касалликларини келиб чиқиши ҳолатлари устидан назорат олиб бориш;

юқумли, паразитар касалликлар манбаи бўлган, шунингдек, тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтмаган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш тўғрисида иш берувчиларга таклиф киритиш;

худудларни, юқумли касалликларнинг олиб кирилиши, олиб ўтилиши ва тарқалишидан санитария-эпидемиологик жиҳатидан ҳимоя қилиш бўйича санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш;

аҳолига юқумли касалликларга қарши профилактик эмлашлар ўтказишни ташкил этиш, ўтказилган эмлашлар сифати ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

юқумли касалликлар ўчоқларида эпидемиологик суриштирув ишларини амалга ошириш, эпидемик ўчоқларда эпидемияга қарши чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

юқумли касалликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларни камайтиришга, улар юқиш йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боглиқ бўлган эпидемиологик асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

юқумли касалликлар тарқалиши устидан оператив ва ретроспектив эпидемиологик назоратни амалга ошириш;

худудида юқумли касалликларнинг тарқалишига таъсир қилувчи тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш;

жамоа, турли давлат ва нодавлат ташкилотлар ишчи хизматчилари, ходимлари ва бошқалар ўртасида аҳолини санитария ҳамда эпидемиологик саводхонлигини ошириш мақсадида юқумли касалликлар профилактикаси бўйича санитар тарғибот ишларини ўтказди.

Бўлим юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа функциялар ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

худудда юқумли касалликлар профилактикаси ва эпидемиясига қарши масалалар бўйича мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида юқумли касалликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси соҳасида аниқланган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитлар, уларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар лойиҳасини тайёрлаш;

юқумли касалликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларга огохлантириш, кўрсатма ва тавсия хатларини тайёрлаш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф тугдирувчи юқумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда текширишлар ўтказиш;

фавқулотда вазиятларда, эпидемиялар хавфи юзага келганда ва гуруҳли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

давлат органлари ва мансабдор шахслардан бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун раҳбарият билан келишилган ҳолда ҳокимликлар ва идоралар, шунингдек, бошқа ташкилотлар вакиллари чакорида ва жалб этиш;

юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида конференциялар, семинарлар, симпозиумларни ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

юқумли касалликлар профилактикаси масалаларини кўриб чиқишда эпидемияга қарши кураш комиссияси йиғилишлари, Соғлиқни сақлаш бошқармаларининг Ҳайъати йиғилишлари, Санитария-эпидемиология кенгашларига маълумотнома тайёрлаш ва йиғилишда иштирок этиш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бўлим:

юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида унга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

юқумли касалликлар билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича ишларининг ташкил этилиши;

юқумли касалликлар профилактикаси бўйича ҳудудий дастурлар, иш режалари, тадбирлар, йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

9. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармаларининг бошлиғи томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган бўлим бошлиғи бошчилик қилади.

10. Бўлим бошлиғи лавозимига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармалари бошлигининг биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда, юқори малакали мутахассис – врач эпидемиолог тавсия қилинади.

6-боб. Бўлимнинг ҳисобдорлиги

11. Бўлим бошлиғи тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича бевосита бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосарига ҳисобот беради. Шунингдек, ўрнатилган тартиб асосида, бошқарманинг тегишли бўлимларига ва юқори турувчи ташкилотларга бўлим фаолияти ҳамда юқумли касалликлар кўрсаткичлари бўйича ҳисоботлар тақдим этади.

12. Бўлим бошлиғи бўлимдаги барча ходимларга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг олиб боради, уларнинг фаолият самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

13. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича бўлим бошлигининг тавсиясига кўра алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш учун тақлифлар беради.

7-боб. Якунловчи қоидалар

14. Бўлимни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларини Эпидемиология
ва иммунопрофилактика бўлимлари тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Эпидемиология ва иммунопрофилактика бўлими (Кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармаларининг туман (шаҳар) бўлимлари таркибий тузилмаси ҳисобланади ва ушбу низом унинг мақомини, вазифаларини, функциялари, мажбуриятлари, ваколатлари, ҳисобот бериш тартиби ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бўлим ўз ҳудудидаги ташкилот, муассасаларнинг юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида фаолият юритаётган таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириб боради ва улар устидан услубий раҳбарликни амалга оширади.

5. Бўлим фаолияти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиги томонидан тасдиқланган чорақлик, йиллик иш режасига асосан ташкил этилади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юкумли касалликлар тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш - юкумли касалликлар ва уларнинг тарқалишига таъсир этувчи омилларни, потенциал хавф-хатарларни аниклаш, баҳолаш;

худудда юкумли касалликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларни камайитиришга, улар юқиш йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боглиқ бўлган эпидемиологик асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар белгилаш ва ўтказилишини ташкил этиш;

хизмат кўрсатаётган худудда эпидемияга қарши ва юкумли касалликларни олдини олишда мулкчилик шаклидан қатъий назар туман ва шаҳар ДПМларига ташкилий-услубий ёрдам ташкил этиш;

эпидемиологик вазият кескинлашганда, ҳамда эпидемиологик мавсум олдидан юкумли касалликлар бўйича нохуш микрохудудларда санитария-гигиеник, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар режалаштириш ва уни ўтказилишида тиббиёт муассасаларига амалий ва консултатив ёрдам кўрсатиш;

аҳолига юкумли касалликларга қарши профилактик эмлашлар режасини тузиш, уларни ташкил этилиши, ўтказилиши сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш;

бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

юкумли касалликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва худудий дастурларда белгиланган тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

худудда юкумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

манфаатдор хизматлар билан бирга юкумли касалликларни келтириб чиқарувчи манбаларни йўқ қилишга, антропоноз ва зооантропоноз инфекцияли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш;

белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан, санитария-эпидемиология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан белгиланган тартибда давлат санитария-эпидемиология назоратини лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари қўллаган ҳолда амалга ошириш;

ДПМ лар томонидан юкумли касалликлар ўчогида эпидемияга қарши ишларни сифатли ва вақтида ўтказилишинини назорат қилиш;

назорат объектларида юкумли касалликларини келиб чиқиши ҳолатлари устидан назорат олиб бориш;

худудга юкумли касалликларнинг олиб кирилиши, олиб ўтилиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг ижросини назорат қилиш;

аҳолининг юкумли касалликларга қарши профилактик эмлаш режаси асосида вакциналарга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқиш ва вилоят бошқармасига тегишли талабномаларни тақдим этиш;

аҳолининг юкумли касалликларга қарши профилактик эмлаш учун режаги мувофиқ вакциналарни олиб келиниши, зарур шароитларда сакланиши ва ДПМларга етказилишини таъминлаш;

юкумли касалликлар ўчоқларида эпидемиологик суриштирув ишларини амалга ошириш;

эмлашдан сўнгги асоратларни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва натижалари бўйича ДПМларга тегишли тавсиялар бериш;

бўлим юкумли касалликлар профилактикаси соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа функциялар ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

худудда юкумли касалликлар профилактикаси ва эпидемиясига қарши масалалар бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида юкумли касалликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юкумли касалликлар профилактикаси соҳасида аниқланган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитлар, уларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар лойиҳасини тайёрлаш;

юкумли касалликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларга огоҳлантириш, кўрсатма ва тавсия хатларини тайёрлаш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф тугдирувчи юкумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда текширишлар ўтказиш;

фавкулодда вазиятларда, эпидемиялар хавфи юзага келганда ва гуруҳли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

давлат органлари ва мансабдор шахслардан бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

ўз ваколатига кировчи масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун раҳбарият билан келишилган ҳолда ҳокимликлар ва идоралар, шунингдек, бошқа ташкилотлар вакиллари чакориш ва жалб этиш;

юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида конференциялар, семинарлар ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

ҳудудда юқумли касалликлар профилактикаси соҳасини ривожлантиришга оид долзарб ва истикболдаги муаммолар ечимини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳларини тузиш;

юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

юқумли касалликлар профилактикаси масалаларини кўриб чиқишда туман тиббиёт бирлашмаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаларининг Ҳайъати йигилишлари, санитария-эпидемиология кенгашларига маълумотнома тайёрлаш ва йигилишда иштирок этиш;

бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим:

юқумли касалликлар профилактикаси соҳасида унга юқланган вазибалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

туманда (шаҳар) юқумли касалликлар билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича ишларининг ташкил этилиши;

юқумли касалликлар профилактикаси бўйича ҳудудий дастурлар, иш режалари, тадбирлар, йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобдорлиги

10. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармалари бошлигининг биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бўлим бошлиғи бошчилик қилади.

11. Бўлим бошлиғи бўлимдаги барча ходимларга юқланган вазибалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг олиб боради уларнинг фаолият самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

12. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича бўлим бошлигининг тавсиясига кўра алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларни рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш бўйича туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари бошлиқларига таклиф киритади.

13. Бўлим, туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари бошлиқлари билан ва уларнинг биринчи ўринбосарлари билан келишилган ҳолда фаолият бўйича белгиланган

муддатларда, ойлик, чораклик йиллик ҳисоботларни тайёрлайди ва юкори ташкилотларга тақдим этади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Бўлимни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
Радиология лабораторияси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) Радиология лабораторияси (кейинги ўринларда - лаборатория) фаолиятининг иш юритиш тартибларини белгилайди.

2. Лаборатория Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг таркибий қисми ҳисобланади.

3. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Лаборатория иш фаолияти маъмурий тартибда хизмат раҳбарининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

5. Лаборатория иш фаолияти жараёнини Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат хавфсизлиги Давлат қўмитасининг атом назорати тармоқ лабораторияси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, “Ўзатом” агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, тиббиёт олийгоҳларининг гигиена кафедралари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институти билан узвий боғлаган ҳолда амалга оширади.

6. Лабораториянинг кадрлар билан таъминланиш штат меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруғига мувофиқ тартибга солинади.

2-боб. Лабораториянинг мақсад ва вазифалари

7. Лабораториянинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб аҳоли, шу жумладан, ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсирини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ташкил этиш, радиациявий хавфсизликнинг асосий тамойилларига риоя этиш ҳамда радиациявий хавфсизлик меъёрларига амал қилган ҳолда, халқ ҳўжалиги, саноат, тиббиёт ва илм-фан соҳалари фаолиятида ионлаштирувчи нурланиш амалиётда қўлланилганда, асоссиз чеклашларга йўл қўймаслик.

8. Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари ва бошқа муассасаларнинг радиология лабораторияларига аттестация, аккредитация ва радиация хавфсизлигига тегишли масалалари бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

9. Огоҳлантирувчи санитария назорати.

– амалдаги санитария қоида ва меъёрлар асосида белгиланган тартибда ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан (кейинги ўринларда-ИНМ) фойдаланиш билан боғлиқ бўлган объектлар қурилиши учун ажратилаётган ер майдонини танлашда, қурилиш ишларида, ИНМ ускуналарини ўрнатишда иштирок этиш;

– ИНМ ва радиоактив моддалар (кейинги ўринларда-РМ) билан фойдаланувчи объектларнинг қурилиш ҳамда бошқа муассасаларнинг қайта қурилиши, ихтисослигини ўзгартирилиши ёки технологик жараёнларнинг ўзгариши, қурилмаларнинг жойлашуви бўйича лойиҳа ҳужжатларини кўриш ва уларга ҳулосалар тайёрлаш;

– ИНМ билан фойдаланувчи объектлар қурилиши ва қайта қурилиши, қурилмалар жойлаштируви бўйича назорат вазифаларини олиб бориш;

– фаолияти ИНМлардан фойдаланиш ҳамда РМ сақлаш учун мўлжалланган ташкилотлар, объектлар, хоналар ҳамда қурилмаларни эксплуатацияга (ишга туширишда) қабул қилишда иштирок этиш;

– корхона ёки ташкилот маъмурияти томонидан, амалдаги санитария қоида ва меъёрлари асосида, ишлаб чиқилган радиациявий хавфсизлик бўйича ҳужжатларни бирламчи ўрганиш ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

– корхона, ташкилот шу жумладан транспортга, ИНМдан фаолияти давомида фойдаланиш ҳукукини берувчи санитария-эпидемиологик ҳулосаларни белгиланган тартибда расмийлаштириш;

– корхона ҳудудида ИНМларни, шу жумладан дала шароитларига мўлжалланган гамма-дефектоскопик ускуналарни вақтинча сақлаш омборхоналари ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

- амалдаги конунчилик ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатларда, курилма, ускуна, жиҳоз ва бошқа радиациявий техникаларнинг техник ҳужжатларини ўрганиш ва улар асосида хулоса лойиҳасини тайёрлаш;

- ташкилот ва бошқа муассасаларда РМ ва ИНМ билан ишлаш учун шарт-шароитларнинг яратилганлигини аниқлаш мақсадида, санитария-гигиена ўрганишларни олиб бориш;

- амалдаги радиациявий хавфсизлик қоида ва меъёрлари асосида фаолияти давомида РМ ва ИНМларни ишлаб чиқарувчи, фойдаланувчи корхона ва бошқа муассасаларни, ҳамда уларда ишловчи “А” тоифага киритилган ходимларни рўйхатга олиш;

- ҳудудларга хизмат кўрсатаётган Бошқармалар томонидан муайян ҳудудларда РМ ва ИНМлардан фойдаланиш мақсадли ишлатилиши бўйича режаларни кўриб чиқиш.

10. Жорий санитария назорати:

- ИНМларни сақловчи ва фойдаланувчи корхона ва ташкилотларни фаол аниқлаш, мавжуд ИНМларни ҳамда улар билан ишловчи ходимларни (персонал) ҳисобга олиш;

- РМ ва ИНМлар билан боглиқ бўлган барча турдаги иш фаолияти, уларни ишлаб чиқариш ва қўллаш, сақлаш, транспортировка қилиш, табиий радиоактивлик юқори бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларни ҳўжалик ва ижтимоий соҳа фаолиятида ишлатиш, радиоактив чиқиндилардан тозалаш (дезактивация) қилиш жараёни билан шугулланувчи ташкилот, корхона раҳбариятлари томонидан амалдаги радиациявий хавфсизлик қоида ва меъёрлари талабларига риоя этаётганликлари устидан назорат ўтказиш.

11. Назорат ишлари:

- корхона ва ташкилотларда амалдаги радиациявий хавфсизлик санитария қоида ва меъёрлари асосида ҳужжатларни юритиш ва мувофиқлаштириш;

- санитария-эпидемиологик хулосани белгиланган муддатларда қайта расмийлаштириш ва муддатларни узайтириш;

- корхона ва ташкилот маъмуриятлари томонидан назорат босқичларини ишлаб чиқилганлиги ва уларга амал қилиниши;

- ИНМларни корхона ва ташкилот ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш, ҳамда улардан корхона ҳудудига тегишли бўлмаган жойларда фойдаланиши устидан;

- РМ билан таъминланиш учун бурютмани ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганлиги;

- бир корхонадан бошқа ташкилотга ИНМларини, шу жумладан реакторда ёки тезлатгичда нурланган, минимал аҳамиятли активлиги (МАО) юқори бўлган намуналарни топшириш устидан;

- фойдаланиш муддатлари тугаётган ёки тугаган, яроқсиз радионуклид манбааларини ўрнатилган тартибда ва муддатларда ҳисобдан чиқариш

ҳамда белгиланган тартибда кўмишга топширилиши (белгиланган муддати тугаган ҳолда);

- идоравий ва объект радиация хавфсизлиги хизматлари, радиация хавфсизлиги, радиацион назорат бўйича масъул жавобгар шахслар фаолияти;

- “А” тоифага киритилган ходимларнинг шахсий дозиметрия назорат ишлари олиб борилиши;

- корхона, ташкилот маъмурияти томонидан амалдаги радиациявий хавфсизлик қоида ва меъёрлари асосида “А” тоифадаги ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказилиши ва тиббий комиссия хулосаларни муассаса маъмурияти томонида ижрога қаратилиши;

- радионуклид манбаалари ишлатилган хоналарни, ҳудудларни, корхоналарни фойдаланишга бериш билан боғлиқ ҳолатлар;

- атмосфера хавосига вентилицион хавонинг, радиоактив чиқинди сувларнинг сув хавзаларига чиқарилиши, каттик ва суюқ радиоактив чиқиндиларни олиб ташлаш ҳамда зарарсизлантириш;

- авариявий ҳолатларни ўрганиш, авариявий ҳолатларни бартараф этишда олиб борилаётган иш жараёнида радиациявий хавфсизликни таъминлаш, ўтказилган чора-тадбирлар самарадорлиги ва сифати устидан назорат қилиш.

13. Атроф-муҳит объектлари устидан назорат:

Маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, юқори ташкилотнинг радиология лабораторияси билан келишилган ҳолда назорат участкалари аниқлаш.

Хизмат кўрсатилаётган ҳудудда гамма-тасвирларни (гамма-съемка) олиб бориш.

Тизимли радиацион назоратни олиб бориш:

- ичимлик суви манбааларидан;
- очик сув хавзалари сувларидан;
- атмосфера хавосидан (седиментацион ва аспирацион намуналар);
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ва импорт озиқ-овқат маҳсулотларидан;

- тупроқда, ўсимликларда ва минерал ўғитларда РМни таркибида аниқлашда;

- қурилиш хом ва тайёр ашёларида;
- яшаш ва жамоат биноларида радон концентрациясини (миқдорини) аниқлашда.

–

14. Ташкилий-ўқувий ишлар:

Радиология масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари, Қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва фармойишлари лойиҳасини тайёрлаш;

ИНМлари ва РМлар билан ишловчи ходимларга яратилган иш шароитлари, уларнинг соғлиқларини ҳамда атроф-муҳит радиацион омилларининг аҳолига таъсири кузатув натижаларини таҳлил этиш. Таҳлил натижалари асосида юқори ташкилотга маълумотномалар тайёрлаш;

назорат остидаги ҳудудларнинг янада санитария ҳолати ва радиацион хавфсизлиги яхшилаш мақсадида режа-топшириқларни расмийлаштириш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

радиология йўналиши бўйича янги ташкилий шакл ва услубларни эгаллаш, янги дозиметрик ҳамда бошқа текшириш услубларни Санитария-эпидемиология хизмати амалиётида тadbик этиш;

РМ ва ИНМлар билан касбий таалуқли ишловчи ходимлар ва аҳоли орасида санитария-тарғибот тушинтириш ишларини олиб бориш.

тинчлик ва уруш даврида Радиология йўналиши бўйича ФМТХ тизими асосида машгулотлар ташкил этиш ва ўтказиш;

15. Режалаштириш, ҳисобга олиш, ҳисобот бериш:

лабораториянинг иш фаолияти лабораториянинг йиллик иш режасига асосан ташкил этилади, унинг лойиҳаси иш режасининг барча ижрочилар билан келишилади ва лаборатория қошида йиғилишда муҳокама этилади;

лабораториянинг йиллик иш режаси муассаса раҳбари томонидан тасдикланади;

лаборатория белгиланган ҳисоб шаклларга Радиология йўналиши бўйича олиб борилган ишларни қайд этиб боради;

лаборатория Санитария-эпидемиология хизматининг Радиология йўналиши бўйича ташқи муҳит омилларини радиоактивлиги устидан олиб борилган назорат ишлари ва йиллик ҳисоботини тайёрлайди.

16. Лабораториянинг жойлашуви ва жиҳозланиши

Лаборатория Санитария-эпидемиология хизмати таркибида ёки ундан алоҳида жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Лаборатория раҳбари ва лаборатория ходимлари учун телефон тармоғи мавжуд алоҳида хона ажратилиши лозим;

лабораторияда ўлчов жиҳозларининг сони, ҳолати ҳамда ташқи муҳит омилларидан олинган намуналар услубий тўғри ва ҳаққоний, тезкор лаборатория текширувлар ўтказиш учун бўлинма эгалланган услубий мажмуалар, назоратдаги ҳудудларда самарали текширишлар олиб бориш имконини бериш керак.

3-боб. Лабораториянинг ваколатлари

17. Лаборатория қуйидаги ваколатларга эга:

радиацион хавфсизлик масалалари бўйича республика миқёсидаги, халқаро конференция, симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ва уларда Санитария-эпидемиология хизмати номидан иштирок этиш;

меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш жараёнида тегишли муассасалар мутахассисларидан иборат ишчи ғуруҳларни шакллантириш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

санитария-эпидемиология осойишталиги масалалари буйича республикада тадбиқ этиладиган дастурларнинг сифати ва самарадорлигига баҳо бериш мақсадида, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар вакиллари билан биргаликда тадқиқотларни амалга оширишда иштирок этиш.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Лабораторияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
бошқармаларини Радиология лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармаларининг (кейинги ўринларда - Бошқарма) Радиацион гигиена бўлими ва лабораторияси (кейинги ўринларда - Лаборатория) иш фаолияти тартибларини белгилайди.

2. Лаборатория Бошқарманинг таркибий бўлими ҳисобланади.

3. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Лаборатория иш фаолияти маъмурий тартибда бошлиқнинг ўринбосарига бўйсунди.

5. Лаборатория иш фаолияти жараёнини Санитария-эпидемиология хизмати таркибий бўлинмалари, СЭХнинг марказий радиология лабораторияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат хавфсизлиги Давлат қўмитасининг атом назорати тармоқ лабораториялари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий бўлимлари, “Узатом” агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари билан узвий боғлаган ҳолда амалга оширади.

6. Лабораториянинг кадрлар билан таъминланиш штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган штат меъёрларига мувофиқ тартибга солинади.

2-боб. Лабораториянинг мақсади ва вазифалари

7. Лабораториянинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб, аҳоли, шу жумладан, тоифали ходимларнинг саломатлиги сақлаш, ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсирини олдини олишга қаратилган чоратадбирлар мажмуасини ташкил этишдан, радиациявий хавфсизликнинг асосий тамойилларига риоя ҳамда радиациявий хавфсизлик меъёрларига амал қилган ҳолда, халқ ҳўжалиги, саноат, тиббиёт ва фан соҳа фаолиятларида ионлаштирувчи нурланиш амалиётда қўлланилганда, асоссиз чеклашларга йўл қўймаслик.

8. Огоҳлантирувчи санитария назорати.

– амалдаги санитария қоида ва меъёрлари асосида белгиланган тартибда ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан (кейинги ўринларда-ИНМ) фойдаланиш билан боғлиқ бўлган объектлар қурилиши учун ажратилаётган ер майдонини танлашда, қурилиш ишларида, ИНМ ускуналарини ўрнатишда иштирок этиш;

– ИНМ ва радиоактив моддалар (кейинги ўринларда-РМ) билан фойдаланувчи объектларнинг қурилиш ҳамда бошқа муассасаларнинг қайта қуриш, ихтисослигини ўзгартирилиши ёки технологик жараёнларнинг ўзгариши, қурилмаларнинг жойлашуви бўйича лойиҳа ҳужжатларини қўриш ва уларга ҳулосалар тайёрлаш;

– ИНМ билан фойдаланувчи объектлар қурилиши ва қайта қурилиши, қурилмалар жойлаштируви бўйича назорат вазифаларини олиб бориш;

– фаолияти ИНМлардан фойдаланиш ҳамда РМ сақлаш учун мўлжалланган ташкилотлар, объектлар, хоналар ҳамда қурилмаларни эксплуатацияга (ишга туширишда) қабул қилишда иштирок этиш;

– корхона ёки ташкилот маъмурияти томонидан, амалдаги санитария қоида ва меъёрлари асосида, ишлаб чиқилган радиациявий хавфсизлик бўйича ҳужжатларни бирламчи ўрганиш ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

– корхона, ташкилот шу жумладан транспортга, ИНМдан фаолияти давомида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи санитария-эпидемиологик ҳулосаларни белгиланган тартибда расмийлаштириш;

– корхона ҳудуди ташқарисида ИНМларни, шу жумладан дала шароитларига мўлжалланган гамма-дефектоскопик ускуналарни вақтинча сақлаш омборхоналари ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

– амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қўрсатилган ҳолатларда, қурилма, ускуна, жиҳоз ва бошқа радиациявий техникаларнинг техник ҳужжатларини ўрганиш ва улар асосида ҳулоса лойиҳасини тайёрлаш;

– ташкилот ва бошқа муассасаларда РМ ва ИНМ билан ишлаш учун шарт-шароитларнинг яратилганлигини аниклаш мақсадида, санитария-гигиена ўрганишларни олиб бориш;

– амалдаги радиациявий хавфсизлик коида ва меъёрлари асосида фаолияти давомида РМ ва ИНМларни ишлаб чиқарувчи, фойдаланувчи корхона ва бошқа муассасаларни, ҳамда уларда ишловчи “А” тоифага киритилган ходимларни рўйхатга олиш;

– ҳудудларга хизмат кўрсатаётган Санитария-эпидемиология хизмати томонидан муайян ҳудудларида РМ ва ИНМлардан фойдаланиш перспектив (келажакда) ишлатилиши бўйича режаларни кўриб чиқиш.

9. Жорий санитария назорати:

– ИНМларни сакловчи ва фойдаланувчи корхона ва ташкилотларни фаол аниклаш, мавжуд ИНМларни ҳамда улар билан ишловчи ходимларни (персонал) ҳисобга олиш;

– РМ ва ИНМлар билан боғлиқ бўлган барча турдаги иш фаолияти, уларни ишлаб чиқариш ва қўллаш, саклаш, транспортировка қилиш, табиий радиоактивлик юқори бўлган фойдали казилмаларни казиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларни ҳўжалик ва ижтимоий соҳа фаолиятида ишлатиш, радиоактив чиқиндилардан тозалаш (дезактивация) қилиш жараёни билан шугулланувчи ташкилот, корхона раҳбариятлари томонидан амалдаги радиациявий хавфсизлик коида ва меъёрлари талабларига риоя этаётганликлари устидан назорат ўтказиш.

10. Назорат ишлари:

– Корхона ва ташкилотларда амалдаги радиациявий хавфсизлик санитария коида ва меъёрлари асосида ҳужжатларни юритиш ва мувофиқлаштириш;

– санитария-эпидемиологик ҳулосани белгиланган муддатларда қайта расмийлаштириш ва муддатларни узайтириш;

– корхона ва ташкилот маъмуриятлари томонидан назорат босқичларини ишлаб чиқилганлиги ва уларга амал қилиниши;

– ИНМларни корхона ва ташкилот ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш, ҳамда улардан корхона ҳудудига тегишли бўлмаган жойларда фойдаланиши устидан;

– РМ билан таъминланиш учун бурютмани ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганлиги;

– бир корхонадан бошқа ташкилотга ИНМларини, шу жумладан реакторда ёки тезлатгичда нурланган, минимал аҳамиятли активлиги (МАО) юқори бўлган намуналарни топшириш устидан;

– фойдаланиш муддатлари тугаётган ёки тугаган, яроқсиз радионуклид манбааларини ўрнатилган тартибда ва муддатларда ҳисобдан чиқариш ҳамда белгиланган тартибда қўмишга топширилиши (белгиланган муддати тугаган ҳолда);

– идоравий ва объект радиация хавфсизлиги хизматлари, радиация хавфсизлиги, радиацион назорат бўйича масъул жавобгар шахслар фаолияти;

– “А” тоифага киритилган ходимларнинг шахсий дозиметрия назорат ишлари олиб борилиши;

– корхона, ташкилот маъмурияти томонидан амалдаги радиациявий хавфсизлик қоида ва меъёрлари асосида “А” тоифадаги ходимларни дастлабки ва даврий тиббий куриклардан ўтказилиши ва тиббий комиссия хулосаларни муассаса маъмурияти томонидан ижрога қаратилиши;

– радионуклид манбаалари ишлатилган хоналарни, ҳудудларни, корхоналарни фойдаланишга бериш билан боғлиқ ҳолатлар;

– атмосфера хавосига вентилиацион хавонинг, радиоактив чиқинди сувларнинг сув хавзаларига чиқарилиши, каттик ва суюқ радиоактив чиқиндиларни олиб ташлаш ҳамда зарарсизлантириш;

– авариявий ҳолатларни ўрганиш, авариявий ҳолатларни бартараф этишда олиб борилаётган иш жараёнида радиациявий хавфсизликни таъминлаш, ўтказилган чора-тадбирлар ҳисобот шаклда тегишли юқори ташкилотларга юбориш.

11. Атроф-муҳит объектлари устидан назорат:

Маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, юқори ташкилотнинг лабораторияси билан келишилган ҳолда назорат участкалари аниқланади.

Хизмат кўрсатилаётган ҳудудда гамма-тасвирларни (гамма-съемка) олиб бориш.

Тизимли радиацион назоратни олиб бориш:

– ичимлик суви манбааларидан;
– очик сув хавзалари сувларидан;
– атмосфера хавосидан (седиментацион ва аспирацион намуналар);
– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ва импорт озиқ-овқат маҳсулотларидан;

– тупрокда, ўсимликларда ва минерал ўғитларда РМни таркибида аниқлашда;

– қурилиш хом ва тайёр ашёларида;

– яшаш ва жамоат биноларида радон концентрациясини аниқлашда.

12. Ташкилий-ўслубий ишлар:

радиология масалалари бўйича Санитария-эпидемиология хизматининг буйруқ ва фармойишлари лойиҳасини тайёрлаш жараёнида иштирок этиш;

ИНМлари ва РМлар билан ишловчи ходимларга яратилган иш шароитлари, уларнинг соғлиқларини ҳамда атроф-муҳит радиацион омилларининг аҳолига таъсири кузатув натижаларини таҳлил қилиш. Таҳлил натижалари асосида юқори ташкилотга маълумотнома тайёрлаш;

назорат остидаги ҳудудларнинг санитария ҳолати ва радиацион хавфсизлиги яхшилаш мақсадида режа-топшириқларни расмийлаштириш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

радиология йўналиши бўйича янги ташкилий шакл ва услубларни эгаллаш, янги дозиметрик ҳамда бошқа текшириш услубларни Санитария-эпидемиология хизмати амалиётида тадбиқ этиш;

аҳолининг саломатлигини сақлаш ва аҳолига ионлаштирувчи нурланишларнинг салбий таъсири олдини олишга қаратилган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажмуавий дастурларини ижросида иштирок этиш;

тинчлик ва уруш даврида радиология йўналиши бўйича ФМТХ тизими асосида машгулотлар ташкил этиш ва ўтказиш;

лаборатория радиология йўналиши бўйича ташки муҳит омилларининг радиоактивлиги устидан олиб борилган назорат ишлари ва чорак, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботини тайёрлаш ҳамда тегишли юқори ташкилотларга тақдим этиш. Ҳисоботларни белгиланган шакллар асосида тузиш.

13. Лабораториянинг жиҳозланиши:

лаборатория учун ажратилган хоналар таркиби жиҳатидан, амалдаги санитария ва техника талаблари асосида, қуйидаги тузилмаларни: санитария, физик ва лаборатория таҳлиллари йўналишлари бўйича ташкил этилиши лозим. Лаборатория раҳбари ва лаборатория ходимлари учун телефон тармоғи мавжуд алоҳида хона ажратилиши лозим;

лабораторияда ўлчов жиҳозларининг сони, ҳолати ҳамда ташки муҳит омилларидан олинган намуналар услубий тўғри ва ҳаққоний, тезкор лаборатория текширувлар ўтказиш учун бўлинма эгалланган услубий мажмуалар, назоратдаги ҳудудларда самарали текширишлар олиб бориш имконини бериш керак.

3-боб. Лабораториянинг ваколатлари

14. Лаборатория қуйидаги ваколатларга эга:

радиацион хавфсизлик масалалари бўйича республика миқёсидаги, халқаро конференция, симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ва уларда иштирок этиш;

меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш жараёнида тегишли муассасалар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳларни шакллантириш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

санитария-эпидемиология осойишталиги масалалари бўйича маъмурий ҳудудда тадбиқ этиладиган дастурларнинг сифати ва самарадорлигига баҳо бериш мақсадида, мутасадди идоралар ва ташкилотлар вакиллари билан биргаликда ҳамкорликни амалга оширишда иштирок этиш.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Лабораторияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Вакциналар ва
иммунопрофилактика бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Вакциналар ва иммунопрофилактика бўлими (Кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий бўлими ҳисобланади.

2. Бўлим Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги, унинг биринчи ўринбосари ва тегишли бошқарма бошлигига бўйсунди.

3. Бўлим фаолиятини бўлим мудирини бошқаради.

4. Бўлим ишини Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимлари ҳамда вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар (СДС, ЖССТ, ЮНИСЕФ ва б.) Республика Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш бошқармаси, “Авиаюклар”, “Ўзмедимпекс”, “Арк-булок” ва “Тошкент-Товарная” божхона постлари, “Ўзбекистон Ҳаво-йўллари” МАК, “Ўзбекэкспертиза” ОАЖ ҳамда бошқа идоралар билан олиб боради.

5. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига, шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Бўлим ходимлари ўз вазифасини лавозим йўриқномаси асосида бажаради.

7. Бўлимни фаолияти бошлик томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ олиб борилади.

8. Бўлимнинг моддий-техник базаси вакциналарни сақлаш учун совуткич жихозлари “Совуқлик занжири” бўйича халқаро талабларга жавоб бериши керак.

2-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари ва вазифалари

9. Бўлимни вазифалари қуйидагилардан иборат:

бошқарилувчи юқумли касалликларнинг эпидемиологик назоратини фаол олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудларида дифтерия ва кокшолни рўйхатга олиниши ва тарқалишини олдини олади;

гепатит В, гемофил инфекциянинг (*Haemophilus influenzae* b типи), ротавирус, пневмококк ва ВПЧ-одам папиллома вируси инфекциялари камайиши ва улардан нобуд бўлишни олдини олади;

вакциналарга бўлган эҳтиёжни ЮНИСЕФ, Молия вазирлиги билан биргаликда тайёрлаш ва сифатли эмлаш воситаларини республикага олиб келинишини ташкил этади;

вакцинациянинг сифатли ва хавфсиз ўтказилишини таминлайди;

барча маъмурий ҳудудларда хавфсиз эмлашни ва профилактик эмлаш камровининг миллий эмлаш календари асосида 97-98%га ўтказилишини ташкил этади.

10. Бўлимнинг мажбуриятлари:

маъмурий ҳудудлар иммунопрофилактика масалалари бўйича ишини координация қилиб, бошқаради, даволаш-профилактика муассасаларининг бошқарилувчи юқумли касалликларнинг олдини олишда ўтказётган тадбирларини, эмлашдан сўнгги ноҳўя ҳолатларни назорат қилади;

иммунизация ва бошқарилувчи юқумли касалликларнинг эпидемиологик назорати бўйича янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

республикада халқаро ташкилотлар билан миллий эмлаш дастурини амалиётга тадбиқ қилишда қатнашади;

режали профилактик эмлашларни такомиллаштириш ва миллий профилактик эмлаш жадвалига янги вакциналарни киритишда иштирок этади;

тутилган чакалоқларни рўйхатга олиш, уларни профилактик эмлашни режалашириш, вакциналарни рўйхатга олиш, сақлаш ва ташишни хавфсиз ва сифатли олиб борилиши устидан назоратни олиб боради;

республика аҳолиси орасида бошқарилувчи юқумли касалликларнинг эпидемиологик барқарорлигини таъминлашда касалланиш кўрсаткичлари таҳлилини олиб боради ва профилактик ҳамда эпидемияга қарши тадбирларни ташкиллаштиради;

қизамиқ ва тугма қизилча синдромининг верификация ва элиминациясини сақлаб қолиш учун эпидемиологик назорат тадбирларини олиб боради;

республикага олиб келинаётган вакцина ва эмлаш воситаларини сертификат хужжатларини рўйхатга олади;

барча боскичда вакциналарни самарали ишлатилишида амалдаги мезонлар бўйича ҳисоботларни олиб боради;

эмланадиган бола сонига нисбатан маъмурий ҳудудлар кесимида вакцина ва эмлаш воситаларини тақсимлайди;

хар ойда, чоракда, йил якунида вакцина ва эмлаш воситаларини ишлатилиши ҳисоботини тузади;

маъмурий ҳудудлар кесимида вакциналар ва эмлаш воситаларига бўлган йиллик эҳтиёжни тайёрлайди;

вакцина ва эмлаш воситаларини олингани тахлилини олиб боради;

республика даволаш-профилактика муассасаларининг вакцина ва эмлаш воситаларига бўлган йиллик эҳтиёжини ҳисоблайди;

профилактик эмлашлар йилик режасини қабул қилади ва вакцина ҳамда эмлаш воситаларига бўлган буюртмани тайёрлайди;

аҳолининг дифтерия, қоқшол, полиомиелит, қизамиқ ва қизилчага қарши эмланганини таҳлил этади;

тугилган чақалоқлар ва болаларни ўз вақтида ва тўлиқ профилактик эмлаш билан қамраб олиш ҳисоботини тузади;

6-шакл профилактик эмлашлар тўғрисидаги компьютер дастурини тадбиқ қилади;

барча боскичларда вакциналарни сақланиши ва ташилишида “Совуклик занжири”га риоя этилишини назоратини олиб боради;

вакцина сақланадиган омборхоналарда совуткич жиҳозларни харид қилиб олиш, ўрнатиш тадбирларида қатнашади;

вакциналарни ишлатилиши ва меъёрга ҳароратда сақланиши ҳароратини кузатади;

янги вакциналар киритилиши муносабати билан вакцина сақланадиган совуткичларни ҳажмини ҳисоблайди;

вакциналарни сақлаш ва ташиш ишларига маъсул ходимлар малакасини оширишда иштирок этади;

врачлар ва вакцинаторларни иммунопрофилактика масалалари бўйича билимини оширишда қатнашади (бошқарилувчи юқумли касалликларни эпидемиологик кузатув, эмлашдан сўнгги нохуш ҳолатларни олдини олиш масалалари бўйича, эмлашнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича, янги вакциналарни амалиётга киритиш бўйича, вакциналарни бошқариш бўйича);

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан илмий-тадқиқот институтлари орасида бошқарилувчи юқумли касалликларни эпидемиологик назоратини олиб бориш, вакцина препаратларни ишлатилиши бўйича ҳамкорликни олиб боради;

ЖССТ, ЮНИСЕФ ва ГАВИ халқаро ташкилотига иммунизация соҳасида ҳисоботларни тайёрлайди.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

11. Ўзбекистон Республикасини “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни асосида барча ходимлари зиммасига юкланган вазифаларни бажарадилар.

12. Бўлимнинг иш фаолиятини ривожлантириш бўйича ўз тақлифларини беради.

4-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

13. Жисмоний ва юридик шахсларни санитария-эпидемиологик барқарорлик бўйича мурожаатларини кўриб чиқиб, тегишли тадбирларни кўллайди.

14. Жисмоний ва юридик шахсларга санитария-эпидемиологик вазият ва осойишталикни таъминлаш тадбирлари тўғрисида маълумот беради.

15. Аҳолини ўз вақтида кутилаётган хавфдан огоҳлантиради.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқларида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлайди.

5-боб. Бошқарманинг ваколатлари

17. Бўлим қуйидаги ваколатларга эга:

Иммунопрофилактика йўналиши бўйича республика миқёсидаги, халқаро конференция, симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ва уларда Хизмат номидан иштирок этиш;

меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш жараёнида тегишли муассасалар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳларни шакллантириш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

республикада тадбик этиладиган дастурларнинг сифати ва самарадорлигига баҳо бериш мақсадида, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар вакиллари билан биргаликда тадқиқотларни амалга оширишда иштирок этиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
бошқармаларини Иммунопрофилактика бўлими тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Иммунопрофилактика бўлими Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари таркибида мустақил бўлим сифатида ташкил этилган бўлиб, тўғридан-тўғри Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқарма Бошлиғига бўйсунди.

3. Иммунопрофилактика бўлими ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Олий Мажлис қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари, услубий қўлланмалари, ҳудудий Бош давлат санитария врачининг кўрсатмалари ва Бошқарма буйруқлари асосида ташкил этади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

4. Бўлим Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлими иммунопрофилактика масалалари ва иммунобиологик препаратлар билан таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириб боради.

5. Маъмурий ҳудуд аҳолиси орасида бошқарилувчи юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлашда профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил қилади.

6. Бошқарилувчи юқумли касалликларнинг эпидемиологик назоратини кучайтиради.

7. Хавфсиз ва сифатли вакцинацияни таъминлайди.

8. Вирусли гепатитнинг В тури, ХИБ инфекция, ротавирус, пневмококк инфекциялари билан касалланиш ва ушбу касалликлардан нобуд бўлишнинг олдини олиш тадбирларини ташкил қилиб, ўтказди.

9. Режали профилактик эмлаш тадбирларини жахон андозасига асосланиб, такомиллаштиради ва янги вакциналарни амалиётга киритади.
10. Шаҳар ва туманларда хавфсиз ва сифатли иммунизацияни ташкил қилиб, 97-98% фоизга эмлаш камровини ташкил қилади.
11. “Совуқлик занжири” тизимини мустаҳкамлайди ва босқичма-босқич совуткич ускуналар таъминоти янгиланишини ташкиллаштиради.
12. Худудий даволаш-профилактик муассасаларини вакциналар билан таъминлаш учун буюртмалар тузади.

3-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

13. Касалликларни таҳлил қилишда, профилактик эмлаш режасини тузишда туман (шаҳар) бўлимларига амалий ва услубий ёрдам беради.
14. туман (шаҳар)лардан профилактик эмлаш режасини қабул қилади, жамлаб вилоят бўйича профилактик эмлаш режасини тайёрлайди ва график асосида юқори ташкилотга етказилади.
15. даволаш-профилактика муассасалари билан ҳамкорликда юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш ўтказишни ташкиллаштириш, хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари бўйича профилактик тадбирларини олиб боради.
16. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳисобот шакллари бўйича ҳисоботларни кўрсатилган муддатда топшириб боради ҳамда натижаларига қараб туман (шаҳар)ларга маълумотлар тайёрлайди.
17. Профилактик эмлаш ишлари бўйича ҳисоботларни таҳлил қилади, ўрганади, жамлайди, ойма-ой бакпрепаратлар ҳаракатини таҳлил қилади, хизматнинг туман (шаҳар) бўлимларига эмлаш ишлари бўйича зарур кўрсатмалар беради.
18. худудий даволаш-профилактик муассасаларининг кундалик ва келажакдаги бакпрепаратларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, вакциналарни сақлаш, совуқлик занжирларига риоя қилишни таъминлайди.
19. Эмлашдан кейинги асоратлар ва гайритабiiй реакцияларни ҳисобга олади, эпидемиологик суриштирув ўтказилади, олдини олиш чораларини белгилайди.
20. Ўқув семинарларни ташкил қилади, туман иммунологларининг малакасини ошириш билан шуғулланади.
21. Профилактик эмлаш ишларининг ахволи ҳақида юқори ташкилотларга маълумотлар тайёрлайди, муҳокамада қатнашади.
22. Ўтқир бўшашган шолнинг барча ҳолатларини аниқлаш, хабар бериш ва эпидемиологик назорат олиб бориш ҳамда икки намуна олиб, Республика Миллий вирусология лабораториясига юборилишини таъминлайди.
23. Қизамиқ элиминацияси ва тугма қизилча касаллигини олдини олиш бўйича дастур ижросини назорат қилади.

24. Ҳар йили вакцина сақланадиган ва ташиладиган совуткич ускуналарнинг инвентаризациясини ўтказди.

25. Вакциналарни самарали бошқариш бўйича амлдаги критерий бўйича вакцина сақлаш омборхоналарида баҳолаш ишларини олиб боради.

26. Совуқлик занжирини мустаҳкамлаш:

вакцина сақланадиган совуткичлар ҳароратини кузатишни ҳамда вакциналар заҳирасини компьютер дастурига киритиш;

янги вакциналар киритилиши туфайли Бошқарма, ДПМларда вакцина сақланадиган совуткич жиҳозларнинг сигимини ҳисоблаш;

вакцинани олиш, ташиш, сақлаш учун жавобгар шахсларнинг тайёргарлигини ошириш.

27. Дифтерия, қизамиқ, коқшол ва полиомиелит касалликларига қарши иммунитет таранглигини туман (шаҳар)ларда ўрганади, лаборатория таҳлили асосида зарур профилактик эмлаш ишларини ташкиллаштиради.

28. Жисмоний ҳамда юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқади.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

29. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуни билан белгиланган барча ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланади.

30. Иш шароитини яхшилаш бўйича маъмуриятга таклифлар киритади, ходимларни рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритади.

31. Маъмуриятдан иш шароитини яхшилаш, моддий-техника базани мустаҳкамлашни сўраш ҳуқуқига эга.

5-боб. Бўлимнинг ваколатлари

32. Бўлим қуйидаги ваколатларга эга:

иммунопрофилактика йўналиши бўйича вилоят миқёсидаги семинар анжуманлар ўтказиш ва уларда Бошқарма номидан иштирок этиш;

маъмурий ҳудудда тадбиқ этиладиган дастурларнинг сифати ва самарадорлигига баҳо бериш мақсадида, манфаатдор идора ва ташкилотлар вакиллари билан биргаликда ҳамкорлик алоқаларини олиб боришда иштирок этиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизмати Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий
педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими (Кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг марказий ва ҳудудий таркибий бўлинмалари, илмий, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикасига оид санитария, гигиена, эпидемиология, паразитология, микробиология, вирусологиянинг долзарб масалалари бўйича истикболли йўналишларни белгилаш ҳамда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар танловларига тақдим қилинган илмий лойиҳаларни қўриб чиқиш, саралаш, таклиф киритиш.

Гигиена ва эпидемиология масалалари бўйича илмий, ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамғармалар, шу жумладан хорижий иштирокчилар билан ҳамкорликни амалга оширади, илмий, илмий-амалий республика анжуманларни, халқаро илмий форумлар ва анжуманларни ташкил этиш.

5. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

юқумли, паразитар ва оммавий юқумли бўлмаган, заҳарланиш ва касбий касалликларнинг лаборатория диагностикаси, даволаш ва уларга қарши курашишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқишларини мувофиқлаштиради;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни бошқариш, тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усуллари ишлаб чиқишда илмий ва илмий-педагогик муассасаларни фаолиятини мувофиқлаштиради;

олиб борилаётган илмий ишларни назорат қилади ва халқаро тажрибалар билан таққослайди;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга қўмаклашади;

аҳолининг хавфсиз овқатланиш концепцияси, халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ миллий стандартларнинг ишлаб чиқишларини назорат қилади;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқишларини назорат қилади.

Санитария-эпидемиология хизматининг илмий-тадқиқот тиббиёт статистикасини юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилади;

Тармоқнинг жорий ва истiqболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор усуллари тизимли асосда жорий этади.

Санитария-эпидемиология хизмати мутахассисларини тайёрлаш учун дарсликлар, монографиялар, ўқув тавсиялари ва қўлланмаларини ишлаб чиқиш режасини тузади;

таҳлиллар асосида инновацион ривожланишни прогнозлаштириш фаолиятини йўлга қўйиш ва инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этади;

илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иктидорли ёшларни жалб этиш натижадорлигини ошириш бўйича ишларни амалга оширади;

Санитария-эпидемиология хизматининг илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини ошириш ва илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт соҳасидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилишини назорат қилади.

Санитария-эпидемиология хизмати санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Санитария-эпидемиология хизматининг илмий-тадқиқот муассасаларидан ҳисоботлар, маълумотларни олиш ва йигма-ахборот маълумотларининг таркиби ва тузилиши бошлиғига таклифлар бериш;

бўлимга тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

йигма статистик ва таҳлилий кўрсаткичларни тайёрлаш ва чиқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

бўлим ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати низоми, буйруқлари, хайътининг қарорлари, фармойишлари ва йўриқномалари, шунингдек мазкур низомга амал қилади;

бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

7. Бўлим фаолияти “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тўғрисида”ги Низом асосида ташкил этилади.

8. Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошлиқ ўринбосари билан келишилади ва Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланади.

9. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

10. Бўлим бошлиғи бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради.

11. Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради, бошлиқ билан биргаликда бўлим ишларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

12. Ходимлар томонидан бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

5-боб. Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш; ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига таклифлар киритиш;

бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига таклифлар киритиш;

бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизоминини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

6-боб. Яқуний қоидалар

14. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

15. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
Миллий референс лабораторияси тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) Миллий референс лабораторияси мақомини, вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. Миллий референс лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Миллий референс лабораторияси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига, функционал вазифалари бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

6. Миллий референс лабораториясининг молиялаштириш манбалари Санитария-эпидемиология хизматига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Миллий референс лабораториясининг штатлар жадвали ва таркиби штат нормативларига асосан тасдиқланади.

8. Миллий референс лабораторияси ўзининг фаолиятини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармалари, ҳудудий бошқарма ва бўлимлар, илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт билим юртлири ҳамда Ўзстандарт агентлиги ҳамда соҳага тегишли идоравий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

9. Миллий референс лабораториясида қуйидаги мутахассислар ишлаши мумкин мутахассислиги – “Тиббий профилактика иши” -5510300 бўйича ҳамда “Лаборатория иши” -код 3.03.03 бўйича.

10. Лаборатория ходимлари ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланган лавозим йўриқномалари асосида амалга оширади.

11. Миллий референс лабораторияси шартнома асосида барча хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг аризаларига асосан, зарарли моддалар ва физикавий омиллардан, очик сув хавзаларидан, озиқ-овқат, тупроқ, радиация хавфсизлиги юзасидан таҳлиллар ўтказди, шунингдек янги кимёвий моддалар, полимер материаллар ва улардан таёрланган маҳсулотлар, қурилиш ва бошқа материалларнинг намуналарини лаборатория текширувидан ўтказиб, хулоса берувчи ихтисослашган лабораториялар ишини мувофиқлаштиради.

2-боб. Лабораториянинг асосий вазифалари ва функционал мажбуриятлари

12. Миллий референс лабораторияси асосий вазифаси аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширади.

Миллий референс лабораторияси санитария гигиена, бактериология йўналиши ҳамда аҳоли саломатлиги масалаларида қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

Республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар республикада озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш технологиялари юзасидан аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи омиллар бўйича лаборатория таҳлиллар олиб боради.

- озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, атроф-муҳит омиллари ва бошқаларда санитария-гигиеник (кимёвий, физикавий, физик-кимёвий) таҳлиллар, синовлар олиб бориш усулларини такомиллаштириб бориш;

- лабораториянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб бориш;

13. Лабораторияда қўлланиладиган меъёрий-техник ҳужжатларни такомиллаштириб бориш.

14. Атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини (санитария-гигиеник, бактериологик, вирусологик, паразитологик, радиологик, токсикологик, ЎХЮК) текширув таҳлилларини олиб боради.

15. Республикадаги барча ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматлари қошидаги лаборатория мажмуаларини ички аудит ва аттестациядан ўтказиш, аккредитацияга тайёрлаш борасида ҳамда сифат менеджментини, метрология ва стандартизация йўналишларида амалий ёрдам кўрсатади.

16. Чет эллардан келтирилаётган ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва ишлаб чиқариш технологиялари, шунингдек, асбоб-ускуналарга санитария-эпидемиологик хулоса бериш билан шугулланувчи ҳудудий санитария-

эпидемиологик осойишталик марказлари лаборатория мажмуаларининг фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради.

17. Худудий бошқармалар лаборатория мажмуасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув семинарлар ташкил этади ва малака оширишларини доимий назорат қилади.

18. Миллий референс лабораторияси ташкилий услубий марказ ҳисобланиб, худудий бошқармалар ҳамда бошқа тармоқ санитария-эпидемиология муассасаларининг умумий фаолияти бўйича амалий-услубий йўл-йўриқ кўрсатади, мувофиқлаштиради, шунингдек раҳбарлик ва назорат қилади.

19. Санитария-эпидемиология осойишталиги ҳамда назорати хизматининг аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омилларни ўрганишда лаборатория таҳлилларини ўтказди.

20. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш полимер ва материаллари, атир-упа маҳсулотлари, атроф-муҳит омиллари ва бошқаларда қўлланмалар, усуллар, таҳлиллар, синовларни такомиллаштириш бўйича меъёрий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этади.

21. Амалдаги барча норматив ҳужжатларни (услубий йўриқнома, қўлланма ва бошқалар, стандартлаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар, техник нормативларни) актуализациядан ўтказди ҳамда илгор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, самарасиз эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бартараф этадиган тегишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, қабул қилади ва уларнинг жаҳон интернет ахборот тармогидаги расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминлайди.

22. Сифат менежменти тизимини яратиш:

ўз фаолият соҳасига мувофиқ ҳолда, менежмент тизимини ўрнатиш, жорий этиш ва қўллаб қувватлаш;

тизимлари, дастурлари, процедуралари ва йўриқномаларини синовлар ёки калибрлашлар натижаларининг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда ҳужжатлар асосида расмийлаштириш;

тизим ҳужжатлари тегишли ходимларга маълум қилиниши, уларга тушунарли бўлиши ва улар томонидан бажарилиши.

23. Паразитология лабараторияси йўналишида паразитар касаллик ўчоқларида санитария-гигиеник, профилактик ва эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

24. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий- амалий тиббиёт маркази ва унинг Л.М.Исаев номидаги филиали билан ҳамкорликда илмий-амалий ҳамда ўқув-семинарларини ташкил қилиш ва ўтказиш.

25. Худудий бошқармалар ва даволаш-профилактика муассасаларига паразитар касалликлар профилактикаси ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирлар бўйича ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

- аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-гигиена ва эпидемияга қарши талабларга риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш;

- паразитар касалликларнинг олдини олиш, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Санитария қоида ва меъёрлари, буйруқлар, услубий, амалий тавсиялар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

26. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмолат моллари, қурилиш ашёлари, атроф-муҳит ва бошқаларни санитария-гигиеник таҳлил (кимёвий, физик ва физика-кимёвий) усулларини (синовлар/ўлчовлар) ўз вақтида амалга ошириш ва такомиллаштириб бориш.

27. Огоҳлантирувчи санитария назоратининг зарарли физик омилларга ўлчовлар олиб бориш ва баҳолашдаги барча этапларида, жумладан ер майдони ажратишда, лойиҳалаштиришда, қурилиш ва реконструкция ишларида, бундан ташқари саноат ва ишлаб чиқариш объектларини қабул қилишда қатнашиш ҳамда ўлчов натижалари бўйича тегишли санитария-эпидемиологик ҳулоса тақдим этиш.

28. Хизмат ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари лабораторияларида таҳлиллар ўтказишда Ўзстандарт агентлигининг услубий тавсиялари, стандартлари, технологик шартлари, услубий қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этиб бориш.

29. Атроф-муҳит объектлари, озиқ-овқат, парфюмерия ва пардоз буюмлари, полимер ва қурилиш материаллари ва бошқаларда таҳлил (синов/ўлчов) ишлари олиб бориш усул/услубларини такомиллаштириш бўйича меъёрий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этиш.

30. Халқаро ташкилотлар, алоқадор вазирликлар ва идоралар иштирокида лабораториялар фаолиятида фойдаланиладиган тегишли таҳлиллар (ўлчовлар/синовлар) бўйича ўқув семинарлари, учрашувлар, конференциялар, давра суҳбатларида иштирок этиш.

31. Бактериология соҳасида нормалар ва стандартлар тизимини яратиш.

32. Вирусология лабораторияси йўналишида Ўзбекистон Республикасига полиомиелит касаллигини кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этиш.

33. Ўткир бўшашган шол (ЎБШ) устидан эпидемиологик назоратни олиб бориш доирасида ЎБШ беморларидан олинган намуналарини полиомиелит касаллигига лаборатория усулида таҳлил ўтказиш.

34. Ёз-куз мавсумида республикада тозалаш иншоотлардан олинган оқава сув намуналарини полиомиелит вирусига лаборатория текширувлари ўтказиш.

35. Ўткир бўшашган шол касаллиги қайд этилган беморлардан ахлат намуналарини ва тозалаш иншоотларидан оқава сув намуналарини олиш, сақлаш ва ташиш қоидалари бўйича ҳудудий бошқармаларга ва даволаш-

профилактик муассасаларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш ва услубий раҳбарлик қилиш.

36. Грипп устидан лаборатория назорат дастури доирасида ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ) билан оғриган беморлардан бурун-томоқ суртмаси намуналарини грипп ва бошқа респиратор вирусларга лаборатория текширувлари ўтказиш.

37. ЖССТнинг “Қизамиқ ва қизилча элиминацияси” дастури доирасида қизамиқ ва қизилча касалликларига гумон қилинган беморлардан қон зардобини шу инфекцияларга лаборатория текширувларини ўтказиш.

38. Вирус (вирусли гепатит ва бошқа) билан зарарланганларни эрта аниқлаш мақсадида, юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳга қирадиган шахслар орасида энг кўп маълумотли ва фойдаланиш мумкин бўлган усулларида шу инфекцияларга текширувлар ўтказиш.

39. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган текширувлар номенклатурасига асосан инсон ва ташқи муҳит объектларидан олинган биологик моддаларни текширишда, асбоб-ускуналар ва сарфланувчи воситалар билан таъминлашда СЭОваЖСХнинг ҳудудий бошқармаларнинг вирусология лабораторияларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

40. Токсикология лабораторияси йўналишида модданинг тажриба ҳайвонлари ошқозонига юборилгандаги ўткир (ўртача ўлим чақирувчи доза – $DL_{50 \text{ per os}}$) заҳарлилигини аниқлаш ва хавфлилиқ синфини белгилаш; модданинг терига маҳаллий таъсирини ўрганиш ва баҳолаш; Тери орқали организмга сўрилишини ўрганиш ва баҳолаш; кўзнинг шиллиқ қаватига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш; организмда йигилиш (кумуляция) хусусиятини ўрганиш ва баҳолаш; ташқи муҳит омилларидаги (ишчи муҳити ҳавоси, атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ва бошқалар) гигиеник меъёрлари (рухсат этилган меъёр - ПДК) ва гигиеник регламентларини ўрнатиш.

41. Токсикологик хусусияти ўрганилмаган янги ва ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган, чет элдан олиб келинаётган янги кимёвий моддалар, биология воситалари ва материаллари, минерал ўғитлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган дори-дармонлар, ўсимликларни химоя қиладиган кимёвий ва биологик воситалар, полимер ва пластик массалар, атир-упа ва пардоз маҳсулотлари, дезинфекция, дезинсекция, дератизация воситалари, озиқ-овқат қўшимчалари, биологик фаол озуқа қўшимчалари ва бошқаларни тажриба ҳайвонларида синаб кўриш ва токсикогигиеник хулоса бериш. Токсикологик хусусиятини ўрганишда янги, сезгирлиги юқори бўлган асбоб-ускуналар ва текширув усулларини жорий қилиш;

42. Бирламчи токсикогигиеник хулоса бериш ($DL_{50 \text{ per os}}$, терига маҳаллий таъсири, тери орқали сўрилиши, кўзга таъсири, кумулятив хусусияти) ва моддаларнинг гигиеник меъёр ва регламентлари ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ҳажмидаги текширувларни ўтказиш.

43. Ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияси йўналишида вазият мураккаблашган ҳолатларда эпидемияга қарши назоратни янада такомиллаштиришда иштирок этади;

44. ЎХЮК лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича устивор йўналишларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади;

45. Ўта хавфли юқумли касалликлар лаборатория ташхисоти масалалари бўйича янги буйруқ лойиҳалари, услубий қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқарув ҳужжатлари лойиҳасини яратиш жараёнида иштирок этади;

46. Ўта хавфли юқумли касалликлар лаборатория ташхисотини жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, доимий равишда ўрганиш, умумийлаштириш, мониторинг олиб бориш ва тадбиқ қилиш;

47. “Радиацион гигиена ва лабораторияси” йўналишида санитария-эпидемиологик ва бошқа муассасаларининг лабораторияларига аттестация, аккредитация ва радиация хавфсизлигига тегишли масалалари бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

48. Санитария меъёр ва қоидалари асосида белгиланган тартибда ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан (кейинги ўринларда-ИНМ) фойдаланиш билан боғлиқ бўлган объектлар қурилиши учун ажратилаётган ер майдонини танлашда, қурилиш ишларида, ИНМ ускуналарини ўрнатишда иштирок этиш;

49. ИНМ ва радиоактив моддалар (кейинги ўринларда - РМ) билан фойдаланувчи объектларнинг қурилиш ҳамда бошқа муассасаларнинг қайта қуриш, ихтисослигини ўзгартирилиши ёки технологик жараёнларнинг ўзгариши, қурилмаларнинг жойлашуви бўйича лойиҳа ҳужжатларини кўриш ва уларга ҳулосалар тайёрлаш;

50. ИНМ билан фойдаланувчи объектлар қурилиши ва қайта қурилиши, қурилмалар жойлаштируви бўйича назорат вазифаларини олиб бориш, фаолияти ИНМлардан фойдаланиш ҳамда РМ сақлаш учун мўлжалланган ташкилотлар, объектлар, хоналар ҳамда қурилмаларни эксплуатацияга (ишга туширишда) қабул қилишда иштирок этиш;

51. Корхона ёки ташкилот маъмурият томонидан, амалдаги санитария қоида ва меъёрлари асосида, ишлаб чиқилган радиациявий хавфсизлик бўйича ҳужжатларни бирламчи ўрганиш ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириш. ИНМдан фаолияти давомида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи санитария-эпидемиологик ҳулосаларни белгиланган тартибда расмийлаштириш; дала шароитларига мўлжалланган гамма-дефектоскопик ускуналарни вақтинча сақлаш омборхоналари ўрнатилган тартибда расмийлаштириш; қурилма, ускуна, жиҳоз ва бошқа радиациявий техникаларнинг техник ҳужжатларини ўрганиш ва улар асосида ҳулоса лойиҳасини тайёрлаш. РМ ва ИНМ билан ишлаш учун шарт-шароитларнинг яратилганлигини аниқлаш мақсадида, санитария-гигиена ўрганишларни олиб бориш. РМ ва ИНМларни ишлаб чиқарувчи, фойдаланувчи корхона ва бошқа муассасаларни, ҳамда уларда ишловчи “А” тоифага киритилган ходимларни рўйхатга олиш; ҳудудларида

РМ ва ИНМлардан фойдаланиш перспектив (келажакда) ишлатилиши бўйича режаларни кўриб чиқиш.

52. ИНМларни сақловчи ва фойдаланувчи корхона ва ташкилотларни фаол аниқлаш, мавжуд ИНМларни ҳамда улар билан ишловчи ходимларни (персонал) ҳисобга олиш; РМ ва ИНМлар билан боглиқ бўлган барча турдаги иш фаолияти, уларни ишлаб чиқариш ва қўллаш, сақлаш, транспортировка қилиш, табиий радиоактивлик юқори бўлган фойдали казилмаларни казиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларни хўжалик ва ижтимоий соҳа фаолиятида ишлатиш, радиоактив чиқиндилардан тозалаш (дезактивация) қилиш жараёни билан шугулланувчи ташкилот, корхона раҳбариятлари томонидан амалдаги радиациявий хавфсизлик қоида ва меъёрлари талабларига риоя этаётганликлари устидан назорат ўтказиш.

53. Корхона ва ташкилотларда амалдаги радиациявий хавфсизлик санитария қоида ва меъёрлари асосида ҳужжатларни юритиш ва мувофиқлаштириш; Корхона ва ташкилот маъмуриятлари томонидан назорат босқичларини ишлаб чиқилганлиги ва уларга амал қилиниши; ИНМларни корхона ва ташкилот ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш ҳамда улардан корхона ҳудудига тегишли бўлмаган жойларда фойдаланиши устидан; РМ билан таъминланиш учун буюртмани ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганлиги; Реакторда ёки тезлатгичда нурланган, минимал аҳамиятли активлиги (МАО) юқори бўлган намуналарни топшириш устидан; “А” тоифага киритилган ходимларнинг шахсий дозиметрия назорат ишлари олиб борилиши; “А” тоифадаги ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказилиши ва тиббий комиссия ҳулосаларни муассаса маъмурияти томонидан ижрога қаратилиши; атмосфера ҳавосига вентилицион ҳавонинг радиоактив чиқинди сувларнинг сув ҳавзаларига чиқарилиши, каттик ва суюқ радиоактив чиқиндиларни олиб ташлаш ҳамда зарарсизлантириш; авариявий ҳолатларни ўрганиш, авариявий ҳолатларни бартараф этишда олиб борилаётган иш жараёнида радиациявий хавфсизликни таъминлаш, ўтказилган чора-тадбирлар самарадорлиги ва сифати устидан назорат қилиш.

54. Хизмат кўрсатилаётган ҳудудда гамма-тасвирларни (гамма-съемка) олиб бориш.

55. Радиацион назорат олиб бориш: ичимлик суви манбааларидан; очик сув ҳавзалари сувларидан; атмосфера ҳавосидан (седиментацион ва аспирацион намуналар); маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ва импорт озиқ-овқат маҳсулотларидан; тупроқда, ўсимликларда ва минерал ўғитларда РМни таркибида аниқлаш; қурилиш хом ва тайёр ашёлари; яшаш ва жамоат биноларида радон концентрациясини (микдор) аниқлаш.

3-боб. Лабораториянинг ҳуқуқлари

56. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга;

57. Лаборатория ходимлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

58. Лаборатория ходимлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати буйруқлари асосида тайёрлов, қайта тайёрлов ҳамда бирламчи мутахассисликлари бўйича ўқиш ҳуқуқига эга;

59. Санитария-гигиена лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга;

60. Қонунда белгиланган тартибда ташки иқтисодий фаолият кўрсатиш яъни қонунчиликка зид бўлмаган ташкилий ҳуқуқий шаклда фаолият кўрсатишни ташкил этиш.

61. Миллий референс лабораториясининг меҳнат самарадорлигини юксалтириш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадида, бюджетдан ташқари тушган маблағлардан фойдаланиш.

62. Миллий референс лабораториясига таалукли муаммоларни ечимини топиш мақсадида илмий ходимлар ва бошқа етакчи мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб этиш.

63. Миллий референс лаборатория хўжалик юритувчи субъектлар (юримдик ва жисмоний шахслар) билан шартнома асосида қонунда четланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

64. Худудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказларидан, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа муассаса ва ташкилотлардан Миллий референс лабораториясига доир маълумотлар ва ҳужжатларни сўраб олиш.

65. Ўз ваколати доирасида халқаро ва маҳаллий ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан мақсадли ҳамкорликни амалга ошириш.

66. Паразитар касалликларни Ўзбекистон Республикаси худудига четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш, шунингдек табиий ўчоқли паразитар касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида, эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишда қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

67. Аҳоли ўртасида паразитар касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида давлат ҳамда бошқа органлар, юримдик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар устидан назорат олиб бориш, паразитар касалликлар профилактикаси масалалари бўйича жисмоний ва юримдик шахслар томонидан бўладиган мурожаатларни кўриб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қилади.

68. Лаборатория мажмуаларида сифат-самарадорлик ҳамда таҳлиллар ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича халқаро ва маҳаллий тажрибадан келиб чиқиб, орбитражлар ўтказди.

69. Санитария-гигиена лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Юқлатилган топшириқ ва вазибаларни ўз вақтида бажариш юзасидан ўрнатилган тартибда, СЭОваЖСХ

таркибий бўлимлари ҳамда ҳудудий СЭОваЖСХ марказларидан зарур бўлган ҳисоботлар ва маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

70. 3-4-гурӯх патоген касаллик кўзгатувчилари билан ишлаш тартиби, хавфсизлик коидалари ва шахсий гигиена коидаларига катъий риоя қилиш, тизимли равишда хавфсизлик бўйича машғулотлардан ўтиш.

71. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида кўрсатилган ҳақ ҳуқуқларга эга.

4-боб. Лаборатория фаолиятини ташкил этиш

72. Миллий референс лабораторияси раҳбари муассасага юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

73. Миллий референс лабораторияси раҳбарини Бош Давлат санитария врачлари томонидан лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод қилинади.

74. Миллий референс лабораторияси раҳбари муассасанинг ташкилий, бошқарув, материал-техник базаси таъминоти асосларини белгилайди ҳамда маъмурий эга сифатида назорат қилади.

75. Миллий референс лабораторияси раҳбари, бўлим ва лаборатория мудирлари ҳамда мутахассисларини қонуний муҳофаза қилади, лавозим вазифаларининг бажарилишини санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган йиллик иш режаси асосида ташкил этади, мавжуд вазиятлар бўйича мувофиқлаштиради, ижросини назорат қилади.

76. Миллий референс лабораторияси раҳбари низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қўрилишини таъминлайди.

77. Миллий референс лабораторияси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг таркибий бўлинмалари, идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

5-боб. Лаборатория фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

78. Миллий референс лабораторияси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳолаб борилади.

79. Миллий референс лабораторияси раҳбари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (муқофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари қўрилади.

80. Миллий референс лабораторияси фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари қўрилади.

**6-боб. Лабораторияни молиялаштириш ва моддий техник таъминлаш,
ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш
ва ижтимоий ҳимоя қилиш**

81. Миллий референс лабораторияси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш давлат бюджети, жамгарма (бюджетдан ташқари) маблағлари ва қонун ҳужжатларида тасдиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

82. Миллий референс лабораторияси ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, кўп йил хизмат қилганлиги учун устама ҳақлардан, дам олиш ва байрам кунлари учун тўлов, устама, кўшимча ҳақлар ва қонунда назар тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади. Узоқ муддатли узлуксиз хизмати учун ойлик устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

7-боб. Лабораториянинг ҳисобдорлиги

83. Миллий референс лабораторияси раҳбари тизимли равишда санитария эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматига ҳисобот беради.

84. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар ҳисобидан ҳисобдор бўлган ходимлар рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчилликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

85. Миллий референс лабораториясини қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

86. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Санитария-гигиена
лабораторияси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳузуридаги лаборатория мажмуаси санитария-гигиена лабораториясининг (Кейинги ўринларда - Лаборатория) вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Лаборатория Миллий референц лабораториясининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

4. Лаборатория ходимлари штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги томонидан молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган штат жадвал асосида белгиланади.

5. Санитария-гигиена лабораторияси таркибига қуйидагилар киради:

- озиқ-овқат лабораторияси бўлими;
- коммунал гигиена лабораторияси бўлими;
- меҳнат гигиенаси лабораторияси бўлими;
- пестицид қолдиқ микдорларни аниқлаш лабораторияси бўлими;
- физик-кимёвий текшириш усуллари лабораторияси бўлими;
- физик омилларни назорат қилиш бўлими.

6. Лаборатория фаолияти бўйича лаборатория мудирининг умумий раҳбарлик қилади.

7. Лаборатория мудирининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва Миллий референц лабораториясининг бошлиқларига бўйсунди.

8. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлигининг, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва

кўрсатмаларига шунингдек мазкур низомга ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилади.

9. Лаборатория Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати таркибий бошқа бўлимлари, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

10. Лабораторияга олий тиббий маълумотига эга “Тиббий-профилактика иши” (5510300), ўрта тиббий маълумотга эга “Лаборатория иши” (03.03.03), шунингдек тиббий маълумотга эга бўлмаган “Кимё” (5140500) йўналиши бўйича мутахассислар ишга қабул қилинади.

11. Лаборатория ходимлари ўз иш фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб борадилар.

2-боб. Лабораториянинг вазифалари

12. Лабораториянинг асосий вазифалари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш. Лаборатория санитария, гигиена ва аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича қуйидаги вазифаларни бажаради:

- озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш ашёлари, атроф-муҳит ва бошқаларни санитария-гигиеник таҳлил (кимёвий, физик ва физика-кимёвий) усуллари (синовлар/ўлчовлар) ўз вақтида амалга ошириш ва такомиллаштириб бориш;

- лаборатория моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- лабораторияда қўлланиладиган меъёрий-техник ҳужжатларни такомиллаштириш.

3-боб. Лабораториянинг иш мазмун моҳияти

13. Огоҳлантирувчи санитария назоратининг зарарли физик омилларга ўлчовлар олиб бориш ва баҳолашдаги барча босқичларида, жумладан ер майдони ажратишда, лойиҳалаштиришда, қурилиш ва реконструкция ишларида, бундан ташқари саноат ва ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топиширишда катнашиш ҳамда ўлчов натижалари бўйича тегишли санитария-эпидемиологик хулоса тақдим этиш.

14. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Миллий референц лабораториясини санитария-гигиена лабораторияларини ишини ташкил қилишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

15. Лаборатория фаолиятида замонавий таҳлил усуллари (синовлар/ўлчовлар) жорий этишда Миллий референц лабораториясининг метрология ва стандартлаштириш бўлими, ҳудудий Бошқармаларнинг лаборатория мажмуалари ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

16. Миллий референц лабораториясини санитария-гигиена лабораторияларини аттестация ва аккредитацияга тайёрлашда ва ўтказишда иштирок этиш.

17. Миллий референц лабораторияси ҳамда ҳудудий санитария-гигиена лабораторияларида таҳлиллар (синовлар/ўлчовлар) ўтказишда Ўзстандарт агентлигининг услубий тавсиялар, стандартлар, технологик шартлар, услубий қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этиб бориш.

18. Лаборатория таҳлил (синов/ўлчов) ишларини олиб борилишида ички ва ташқи назоратни ташкил этиш.

19. Атроф-муҳит объектлари, озиқ-овқат, парфюмерия ва пардоз буюмлари, полимер ва қурилиш материаллари ва бошқаларда таҳлил (синов/ўлчов) ишлари олиб бориш усуллариини такомиллаштириш бўйича меъёрий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этиш.

20. Ходимларни қайта тайёрлаш, бирламчи ихтисосликдан ўтишини ва иш жойида стажировка амалиётини ташкиллаштириш.

21. Санитария-гигиена лабораторияларининг фаолияти бўйича таҳлил маълумотлар тайёрлаш.

22. Лабораторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар киритиш.

23. Миллий референц лабораториясини санитария-гигиена лабораторияси тарикибий бўлимларини иш режаси асосида лаборатория иш режасини тузиш.

24. Меъёрий ҳужжатлар (стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар, техник регламентлар йўриқномалар, кўрсатмалар ва бошқалар)ни актуаллаштириш, шунингдек, етакчи хорижий давлатлар замонавий усуллари ва амалиётини ўрганиш баробарида янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва расмий равишда ахборот тизимининг веб-сайтларга жойлаштириш, уларни доимий янгилаб бориш.

25. Санитария-гигиена лабораториясида сифат менежменти тизимини ташкил этиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек синов процедуралари, калибрлаш натижалари дастурининг бажарилишини назорат қилиш.

26. Халқаро ташкилотлар, алоқадор вазирликлар ва идоралар иштирокида лабораториялар фаолиятида фойдаланиладиган тегишли таҳлиллар (ўлчовлар/синовлар) бўйича ўқув семинарлари, учрашувлар, конференциялар ва давра суҳбатларида иштирок этиш.

27. Лаборатория томонидан юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар мурожаатлари асосида лаборатория мажмуасининг аккредитация доирасида бюджет ҳамда шартнома бўйича лаборатория хизматларини кўрсатиш.

4-боб. Лабораториянинг ҳуқуқлари

28. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикаси “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси белгиланган ҳуқуқларга эга.

29. Лаборатория ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

30. Лаборатория ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўйруқларига мувофиқ тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ихтисослаштириш курсларида ўқишга ҳақли.

31. Лаборатория мутахассислари Миллий референс лабораториясини санитария-гигиена лабораторияси ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг санитария-гигиена лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

32. Лабораторияга юклатилган вазифалар ва топшириқларни ўз вақтида бажариш юзасидан Миллий референс лабораториясини санитария-гигиена лабораторияси таркибий бўлимлари ҳамда ҳудудий бошқармалардан зарур маълумотларни сўраш ҳуқуқига эга.

5-боб. Лабораториянинг мажбуриятлари

33. Жисмоний ва юридик шахсларнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш ва уларни бу ҳақда хабардор қилиш.

34. Аҳолини ўз вақтида мавжуд хавф тўғрисида хабардор қилиш.

35. Муассаса талаблари ва ички меҳнат интизомига риоя қилиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

36. Лаборатория Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларини Санитария-гигиена
лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг (Кейинги ўринларда - Бошқарма) санитария-гигиена лабораториясининг (Кейинги ўринларда - Лаборатория) вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва қўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Лаборатория Бошқарма бошлиги ҳамда бошлиқнинг санитария масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунади.

5. Лаборатория фаолиятининг умумий назорати лаборатория мудирини томонидан олиб борилади.

6. Лаборатория фаолиятини оператив бўлимлар, Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртлари, “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда соҳага тегишли ташкилот ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

7. Лабораторияга олий тиббий маълумотига эга “Тиббий-профилактика иши” (5510300), ўрта тиббий маълумотга эга “Лаборатория иши” (03.03.03), шунингдек тиббий маълумотга эга бўлмаган “Кимё” (5140500) йўналиши бўйича мутахассислар ишга қабул қилинади.

8. Лаборатория ходимлари ўз иш фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб борадилар.

2-боб. Лабораториянинг вазифалари

9. Лабораторияни аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдаги асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

озик-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш моллари, атроф-муҳит омиллари ва бошқаларда санитария-гигиеник (кимёвий, физикавий, физик-кимёвий) таҳлиллар (синовлар) олиб бориш ва таҳлил усулларини такомиллаштириб бориш;

лабораториянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб бориш;

лабораторияда қўлланиладиган меъёрий-техник хужжатларни такомиллаштириб бориш.

3-боб. Лабораториянинг иш мазмун моҳияти

10. Туман (шаҳар) санитария-гигиена лабораторияларида таҳлиллар (синовлар), ўлчовлар олиб борилишида амалий-услубий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш.

11. Таҳлиллар (синовлар), ўлчов усуллари хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича меъёрий лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш.

12. Лаборатория фаолияти ва унинг моддий-техник базасини таҳлил қилиб бориш, иш фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

13. Лаборатория фаолиятидаги таҳлиллар (синовлар), ўлчовларнинг замонавий усуллари тадбиқ этишда “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг санитария-гигиена лабораторияси ҳамда метрология ва стандартлаштириш бўлинмаси билан ҳамкорликда фаолият юритиш.

14. Ҳудудий санитария-гигиена лабораторияларни аттестация ва аккредитациядан ўтказишда иштирок этиш.

15. Санитария-гигиена лабораториясида таҳлиллар (синовлар), ўлчовлар ўтказилишида ташқи ва ички назоратни олиб бориш.

16. Санитария-гигиена лаборатория фаолиятидаги замонавий таҳлиллар (синовлар), ўлчовларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

17. Ўз вақтида санитария-гигиена бўлими ва бўлинмаларини сифатли, ишончли таҳлил (синовлар), ўлчов натижалари маълумотлари билан таъминлаш.

18. Озик-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш полимер ва моддийлари, атир-упа маҳсулотлари, атроф-муҳит омиллари ва бошқаларда қўлланмалар, усуллар, таҳлилларни (синовлар) такомиллаштириш бўйича меъёрий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

19. Лаборатория мутахассисларини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда бошқарманинг санитария-гигиена лабораторияси базасида иш жойида стажировка ўташи ҳамда тиббиёт институтлари базасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш, мутахассисликка ўқишларини ташкиллаштириш.

20. Санитария-гигиена лабораторияси фаолияти тўғрисида таҳлилий-маълумотлар тайёрлаш.

21. Бошқарманинг санитария-гигиена лабораторияси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ва режалар ишлаб чиқиш.

22. Лаборатория фаолиятидаги таҳлиллар (синовлар), ўлчовлар ўтказилиши бўйича долзарб мавзуларда соҳага оид манфаатдор ташкилот ва идоралар иштирокида семинарлар, йигилишлар, конференциялар ташкил этиш.

23. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари асосида санитария-гигиена лабораториясида ўтказиладиган таҳлиллар (синовлар), ўлчовлар пуллик хизматни ташкил этиш ва бажариш.

4-боб. Лабораториянинг ҳуқуқлари

24. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

25. Лаборатория ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларидан фойдаланиш.

26. Санитария-гигиена лабораторияларини фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

27. Лабораторияга юклатилган вазифалар ва топшириқларни бажариш учун қуйи бўлимнинг санитария-гигиена лабораторияси ҳамда бошқа таркибий бўлинмалардан маълумотларни сўраш ва олиш.

5-боб. Лабораториянинг мажбуриятлари

28. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгилаш.

29. Аҳолини ўз вақтида мавжуд хавф тўғрисида хабардор қилиш.

30. Бошқарма талаблари ва ички меҳнат интизомига риоя қилиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

31. Лаборатория бошқарма тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларини
Санитария-гигиена лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларини (Кейинги ўринларда – Бўлим) таркибий бўлинмаси ҳисобланадиган Санитария-гигиена лабораториясининг (Кейинги ўринларда – Лаборатория) фаолият йўналишлари, вазифалари ва иш юритиш тартибларини тартибга солади ва белгилайди.

3. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Лаборатория мудири Бўлим бошлиғи ҳамда санитария бўлими мудирига бўйсунди.

5. Лаборатория фаолиятининг умумий назорати лаборатория мудири томонидан олиб борилади.

6. Лаборатория фаолиятини Бўлимнинг оператив таркибий бўлинмалари, Хизматнинг марказий аппарати, Бошқарма, Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртлари, “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда соҳага тегишли идоравий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

7. Лаборатория ходимлари штат бирликлари Сogлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган штат меъёрлари асосида тасдиқланади.

8. Лабораторияга олий тиббий маълумотига эга “Тиббий-профилактика иши” (5510300), ўрта тиббий маълумотга эга “Лаборатория

иши” (03.03.03), шунингдек тиббий маълумотга эга бўлмаган “Кимё” (5140500) йўналиши бўйича мутахассислар ишга қабул қилинади.

9. Лаборатория ходимлари ўз иш фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб борадилар.

2-боб. Лабораториянинг вазифалари

10. Лабораторияни аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдаги асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

озик-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш моллари, атроф-муҳит омиллари ва бошқаларда санитария-гигиеник (кимёвий, физикавий, физик-кимёвий) таҳлиллар (синовлар) олиб бориш ва таҳлил усулларини такомиллаштириб бориш;

лабораториянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб бориш;

лабораторияда қўлланиладиган меъёрий-техник хужжатларни такомиллаштириб бориш.

3-боб. Лаборатория иш мазмун-моҳияти

11. Таҳлиллар (синовлар), ўлчов усуллари хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича меъёрий лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш.

12. Лаборатория фаолияти ва моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиб бориш.

13. Лаборатория фаолияти ва унинг моддий-техник базасини таҳлил қилиб бориш, иш фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

14. Лаборатория фаолиятидаги таҳлиллар (синовлар), ўлчовларнинг замонавий усуллари тадбиқ этишда “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлими ҳамда Бошқарманинг санитария-гигиена лабораторияси ҳамда метрология ва стандартлаштириш бўлими билан ҳамкорликда фаолият юритиш.

15. Лабораторияни аттестация ва аккредитациядан ўтказишда иштирок этиш.

16. Санитария-гигиена лабораториясида таҳлиллар (синовлар), ўлчовлар ўтказилишида ташқи ва ички назоратни олиб бориш.

17. Санитария-гигиена лаборатория фаолиятидаги замонавий таҳлиллар (синовлар), ўлчовларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

18. Ўз вақтида санитария-гигиена бўлими ва бўлинмаларини сифатли, ишончли таҳлил (синовлар), ўлчов натижалари маълумотлари билан таъминлаш.

19. Озик-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, қурилиш полимер ва моддийлари, атир-упа маҳсулотлари, атроф-муҳит омиллари ва бошқаларда қўлланмалар, усуллар, таҳлилларни такомиллаштириш бўйича меъёрий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

20. Лаборатория мутахассисларини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда бошқарманинг

санитария-гигиена лабораторияси базасида иш жойида стажировка ўташи ҳамда тиббиёт институтлари базасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш, мутахассисликка ўқишларини ташкиллаштириш.

21. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари асосида санитария-гигиена лабораториясида ўтказиладиган таҳлиллар (синовлар), ўлчовлар пуллик хизматни ташкил этиш ва бажариш.

4-боб. Лабораториянинг ҳуқуқлари

22. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

23. Лаборатория ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларидан фойдаланиш.

24. Санитария-гигиена лабораторияларини фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

25. Лабораторияга юклатилган вазифалар ва топшириқларни бажариш учун қуйи бўлимнинг санитария-гигиена лабораторияси ҳамда бошқа таркибий бўлинмалардан маълумотларни сўраш ва олиш.

5-боб. Лабораториянинг мажбуриятлари

26. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгилаш.

27. Аҳолини ўз вақтида мавжуд хавф тўғрисида хабардор қилиш.

28. Бўлим талаблари ва ички меҳнат интизомига риоя қилиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Лаборатория бўлим тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизматининг Ахборот ресурс бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг **ахборот ресурс бўлими** (кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) марказий аппаратининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ -4790-сонли қарорига мувофиқ фаолият юритади;

2. Бўлим ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ССВлиги буйруқлари, фармойишлари ва методик йўриқномалари, ҳайъати қарорлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати низоми, буйруқлари, фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади;

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигининг марказий ва ҳудудий таркибий бўлинмалари, Врачлар малакасини ошириш маркази, тиббиёт олийгохлари, ўрта тиббий таълим муассасалари, Санитария-эпидемиологик хизмати таркибидаги барча ташкилотлар, Марказлар, илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий тадқиқот институтлари, ҳамда бошқа тегишлик вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бўлим Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигига ва йўналиш бўйича бошлиқнинг ўринбосарига бўйсинади;

5. Бўлимнинг низоми ва лавозим йўриқномаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги томонидан тасдиқланади ва ушбу низомга мувофиқ фаолият олиб борилади.

6. Бўлим ходимлари ўз вазифаларини ушбу низом асосида тайёрланган лавозим йўриқномалари асосида бажарадилар;

7.Бўлим штат бирлигига мувофиқ жихозланиши, замонавий алоқа воситалари билан таъминланади.

2-боб.Бўлимнинг асосий вазифалари

Куйидагилар Ахборот ресурс бўлимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

8.Замонавий юқори самарали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда санитария эпидемиология хизмати ходимларининг, айниқса ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар ва кенг ахборот ресурслари базасини яратиш;

9.Санитария эпидемиология хизматининг тикланиши ва янада ривожланишига ҳамда санитария эпидемиология хизмати ходимларининг касбий маҳоратини ошириш;

10.Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг кадрларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор услубларини замонавий ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланган ҳолда жорий этиш;

11.Хизмати кўрсатиш даражасини доимий такомиллаштириш ва оширишни ҳисобга олган ҳолда санитария эпидемиология хизмати муассасаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

12. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати муассасаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишларига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, уларни мувофиқлаштириш, шу жумладан, ахборот ресурсларини алмашиш ва ўзаро фойдаланиш борасида улар билан самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

13. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати муассасаларининг хизмат кўрсатиш шарт-шароитларини, шакл ва методларини такомиллаштириш, махсус дастурий комплексларни жорий этиш, электрон ахборот-маълумот хизматларини яратиш, замонавий компьютер воситаларидан ва маълумотлар узатиш технологияларидан фойдаланган ҳолда кадрлар ахборот ресурс бўлими фаолиятини автоматлаштирилишини таъминлаш;

14. Юқори малакали мутахассисларни танлов асосида танлаб олиш, санитария эпидемиология хизмати муассасалари кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш асосида кадрлар салоҳиятини доимий такомиллаштириш;

15. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, ва унинг ҳудудий бошқармалари, бўлимларининг мутахассислар билан таъминланганлиги, малакасини ошириб боришини ўрганиб, натижаси бўйича тавсиялар тайёрлаш;

16..Жорий ва истикболдаги эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, бошқармалар, бўлимларининг мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича халқаро ҳамкорликдан фойдаланиш;

17.Мутахассисларни малакасини ошириш бўйича ташкил этиладиган ўқув цикллари, семинарларни информация-коммуникация технологиялар қўлланган ва халқаро экспертларни таклиф қилган ҳолда ташкил этиш.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

18. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг кадрларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор услубларини тизимли асосда **замонавий ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган тизимлардан** фойдаланган ҳолда **жорий этиш**;

19.Ҳудудий бошқармалардан бошқарма ва унинг бўлимларини кадрлар билан таъминоти бўйича маълумотларни олиш ва маълумотларни автоматлаштирилган тизимини назоратини олиб бориш. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таклифлар киритиш;

20. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати кадрлар малакасини ошириш борасида, шунингдек бўлим ваколатига боғлиқ бўлган ҳисобот ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

21.Бўлим фаолиятига боғлиқ бўлган ҳисоботларни ва маълумотлар асосида таҳлилий кўрсаткичларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

22.Ваколати доирасида конференция, семинар, симпозиум ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш.

23.Бўлимга тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш.

4-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

24.Ахборот ресурс бўлими Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, кадрлар малакасини ошириш сиёсатини ва Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўлими фаолиятига оид турли ҳисоботларини юритилишини электрон тизимини таъминлайди;

25.Бўлим ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат

қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси, бошқарма раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомига амал қилади;

26.Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

27.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиш, фармон ва қарорларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқларида белгиланган тадбирларни ижро этади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Юридик бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда Санитария-эпидемиология хизмати деб аталади) Юридик бўлими вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Юридик бўлим Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Юридик бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг буйруқлари ва мазкур Низомга амал қилади.

2-боб. Юридик бўлимнинг вазифалари ва функциялари

4. Юридик бўлимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Санитария-эпидемиология хизматининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

Санитария-эпидемиология хизматининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-

хукукий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

шартномавий-хукукий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Санитария-эпидемиология хизматининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

5. Юридик бўлим ўз вазифаларини бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Санитария-эпидемиология хизматининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) Санитария-эпидемиология хизматида, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

б) Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди.

Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ҳодимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари юзасидан ҳулосалар беради;

г) мустакил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда Санитария-эпидемиология хизматининг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) Санитария-эпидемиология хизматида, шунингдек тегишли тузилмаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа тузилмалари билан биргаликда давлат органи, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишда иштирок этади;

ж) Санитария-эпидемиология хизматида бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат органи тизимига қирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

з) Санитария-эпидемиология хизматида меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳукукий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқишда иштирок этади, ушбу ҳужжатлар

лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий ҳулоса беради;

и) раҳбариятга Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этади;

к) Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

2) Санитария-эпидемиология хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек Санитария-эпидемиология хизматиининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида:

а) Санитария-эпидемиология хизматининг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади;

б) Санитария-эпидемиология хизмати ваколатига қирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда иштирок этади;

в) Санитария-эпидемиология хизматининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд уларни ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш учун юборишда иштирок этади;

г) экспертизадан ўтказиш ёки қилишиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан ҳуқуқий ҳулосалар тайёрлайди;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва тақлифлар бўлмаса, уларга виза қўяди.

Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) тизимли равишда Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказади;

ж) Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

з) Санитария-эпидемиология хизматига келиб тушган ва ўзи томонидан чиқарилган ҳужжатлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;

и) Санитария-эпидемиология хизматининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, раҳбариятга ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

к) Санитария-эпидемиология хизмати ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

л) Санитария-эпидемиология хизмати тизимига кирадиган тузилмаларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради, келишилган ҳамкорликни таъминлайди;

м) Санитария-эпидемиология хизмати тизимига кирадиган тузилмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

3) Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

а) Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

б) Санитария-эпидемиология хизмати, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

в) Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

г) зудлик билан Санитария-эпидемиология хизматининг веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

д) Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

е) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини Санитария-эпидемиология хизмати тизимига кирадиган тузилмаларга етказиш;

4) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Санитария-эпидемиология хизматининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

а) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

б) бошқа тузилмалар билан биргаликда Санитария-эпидемиология хизмати томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди.

Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) Санитария-эпидемиология хизмати томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

д) Санитария-эпидемиология хизматининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва Санитария-эпидемиология хизматига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда иштирок этади, талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

е) тегишли тузилмалар билан биргаликда Санитария-эпидемиология хизматининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) Санитария-эпидемиология хизматининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

и) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқӣ тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

к) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда Санитария-эпидемиология хизматида мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

л) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқӣ ҳулосалар беради.

Санитария-эпидемиология хизматининг юридик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

6. Юридик бўлимга ва унинг ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Юридик бўлимнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

7. Юридик бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Санитария-эпидемиология хизматида келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

Санитария-эпидемиология хизмати, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

рахбарият томонидан чакириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

рахбарият топширигига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топширигига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа тузилмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишланишида иштирок этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати тизимига кирадиган тузилмаларда Хизмат ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

Санитария-эпидемиология хизмати, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизматида, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда ёки Санитария-эпидемиология хизмати томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш;

талабнома-даъво тартибида Санитария-эпидемиология хизмати фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Юридик бўлим:

қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

Санитария-эпидемиология хизматида, шунингдек унинг тизимида кирадиган тузилмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи органга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Юридик хизмат ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган ҳулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

Юридик хизмат ходими ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4-боб. Юридик бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Юридик бўлим олий юридик маълумотга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан шаклланади ҳамда бўлим бошлиғи, бош юрисконсульт ҳамда етакчи юрисконсульт лавозимларидан иборат бўлади.

Юридик бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинади.

Юридик бўлим бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар белгиланган тартибда адлия органларида стажировкадан ўтадилар.

11. Юридик бўлимнинг мавжуд штат бирликларини қисқартиришга ва уларни Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий тузилмаларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди.

12. Юридик бўлим бевосита Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига бўйсунди.

Юридик бўлимга Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Юридик бўлим бошлиғи бўлмаган тақдирда унинг функциясини бош юрисконсульт бажаради.

13. Юридик бўлим бошлиғи:

Юридик бўлимга умумий раҳбарликни амалга оширади, бўлим ишларини ташкил этади ва назорат қилади;

бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, тақдим этиладиган таҳлилий материаллар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги учун шахсан жавоб беради;

ходимлар ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди;

ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек рағбатлантириш ёки уларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Юридик бўлим фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини Юридик бўлим фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилади.

14. Юридик бўлим ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ҳамда ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтадилар.

15. Ҳар йили Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликка риоя этилиши аҳволи тўғрисидаги юридик хизматнинг ҳисоботи эшитилади.

16. Юридик бўлим ходимлари мансабдор шахс ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Даволаш-профилактика
муассасаларини назорат қилиш бўлимлари тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларини (Кейинги ўринларда - Бошқарма) Даволаш-профилактика муассасаларини назорат қилиш бўлимини (кейинги ўринларда - Бўлим) фаолият йўналишлари, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. Даволаш-профилактика муассасаларини назорат қилиш бўлими ташкил этилмаган санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимларида улар назорати остидаги ДПМларда шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича Давлат санитария назорати санитария-гигиена, эпидемиология, паразитология ва дезинфекция бўлимларининг мутахассислари томонидан ҳамкорликда амалга оширилади.

4. Бўлимнинг таркиби ва штат бирлиги тасдиқланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган штат жадвали асосида шакллантирилади.

5. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи ўринбосарига, туман Бўлими бошлиғига бўйсунди.

6. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Бўлим ўз фаолиятини йиллик ва чорак иш режалари асосида таркибий бўлинмалар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар Согликни сақлаш бошқармалари, туман тиббиёт бирлашмалари, ОИТСга қарши кураш марказлари билан ҳамкорликда олиб боради.

2-боб. Бўлимнинг мақсад ва вазифалари

8. Бўлим, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ДПМда шифохона ичи инфекцияси профилактикаси бўйича санитария-гигиена ва эпидемияга қарши чора-тадбирлари, дезинфекция ва стерилизация қоидаларига риоя этилиши устидан, ўрнатилган тартибда, Давлат санитария назорати олиб боради ва бу борада уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

9. *Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг даволаш-профилактика муассасаларини назорат қилиш бўлими вазифалари қуйидагилар:*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ДПМда шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича санитария-гигиена ва эпидемияга қарши чора-тадбирлари, дезинфекция ва стерилизация қоидаларига риоя этилиши устидан, ўрнатилган тартибда, Давлат санитария назоратини олиб бориш, Согликни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва меъёрий ҳужжатларини ҳудудий бўлимлар орқали амалиётга тадбиқ қилиб, ижросини назорат қилиш;

республика бўйича шифохона ичи инфекциялари билан касалланиш кўрсаткичларини таҳлил қилади, жойларда амалга оширилаётган эпидемияга қарши чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, керак бўлганда кўшимча чора-тадбирларни белгилаш ҳамда уларни ижроси устидан назорат олиб бориш;

ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларини назорат қилиш бўлими мутахассисларига тизимли амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ва долзарб мавзуларда республика семинарларини ташкил этиш;

Согликни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш ва аккредитациялаш бошқармасига нодавлат тиббиёт муассасалари бўйича, ўрнатилган тартибда, санитария ҳулосалари тайёрлаш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиб чиқиш;

шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича халқаро ташкилотлар ва илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш;

даволаш-профилактика муассасаларида эпидемиологик кўрсатмаларга асосан ўрганиш ва текширувлар ўтказиш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш.

10. *Бошқармаларнинг даволаш-профилактика муассасаларини назорат қилиш бўлимлари вазифалари:*

туман (шаҳар) бўлимларининг шифохона ичи инфекцияларини олдини олиш бўйича фаолиятини назорат қилиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

шифохона ичи инфекциялари билан касалланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, эпидемияга қарши чора-тадбирларни белгилаш ва назоратни ташкил этиш;

тегишли маъмурий ҳудудда мулкчилик шаклидан қатъий назар, ДПМда шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича санитария-гигиена,

эпидемияга карши чора-тадбирлар, дезинфекция ва стерилизация коидаларига риоя этилиши устидан, ўрнатилган тартибда, Давлат санитария назоратини олиб бориш ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари мутахассисларига мазкур йўналишда амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

даволаш-профилактика муассасаларига шифохона ичи инфекцияларини олдини олиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ва долзарб мавзуларда ҳудудий семинарлар ташкил этиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, даволаш-профилактика муассасаларини куриш, қайта куриш ва мукамал таъмирлаш жараёнида, ўрнатилган тартибда, огоҳлантирувчи Давлат санитария назоратини олиб бориш;

Соглиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш ва аккредитациялаш бошқармасининг сўровига кўра, нодавлат тиббиёт муассасалари бўйича, ўрнатилган тартибда, санитария ҳулосалари тайёрлаш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиб чиқиш.

3-боб. Туман (шаҳар) бўлимларнинг шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича вазифалари

11. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, идоравий хизматлар, Фуқаро авиацияси объектларида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида Давлат санитария назорати олиб боради.

12. Туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекциялари аниқланганда, ўрнатилган тартибда, эпидемиологик текширув ўтказиб, эпидемияга карши чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини назорат қилади.

13. Даволаш-профилактика муассасалари иш шароитларини ўрганиш, касб касалликларини олдини олиш ҳамда уларни вақтида аниқлаш мақсадида тиббиёт ходимларини ишга киришдан олдин, дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтишларини, ўрнатилган тартибда, назорат қилади.

14. Даволаш-профилактика муассасаларида касб касалликлари аниқланган ҳар бир ҳолатни келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, таҳлил қилади ва келгусида бундай ҳолатларни олдини олиш борасида тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгилайди, ижроси устидан назорат олиб боради.

15. Нодавлат тиббиёт муассасасиларида шифохона ичи инфекциялари бўйича эпидемик вазият мураккаблашган ҳолларда, текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимидан рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида навбатдан ташқари, қисқа муддатли, текшириш ўтказиш учун, ўрнатилган тартибда буюртма беради.

16. Ҳар бир даволаш-профилактика муассасалари бўйича ўтказилган бактериологик ва кимёвий лаборатория текширувлари натижаларини таҳлил қилиб, зарур ҳолатларда эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритади ва ижросини назорат қилади.

17. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппарати томонидан тасдиқланган ҳисобот шакллар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этади.

18. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиб чиқади.

19. Даволаш-профилактика муассасаларида юқумли касалликларни назорат қилиш комиссиялари фаолиятини ўрганиб, уларнинг самарадорлигини ошириш борасида талабномалар киритади.

20. Даволаш-профилактика муассасаларида Давлат санитария назоратини ўтказиш давомида шифохона ичи инфекцияларини яшириш ҳолатлари аниқланган ҳолатларда, ўрнатилган тартибда, тегишли чоралар кўради.

21. Даволаш-профилактика муассасаларида марказий стерилизация бўлимлари (пунктлари) фаолиятини ҳамда зарарсизлантириш ишларини ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади.

22. Даволаш-профилактика муассасаларида бир маротаба ишлатиладиган тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни тўғри ишлатилиши ҳамда тиббий чиқиндиларни, ўрнатилган тартибда, утилизация қилиниши устидан назорат олиб боради.

23. Даволаш-профилактика муассасаларида ёрдамчи бўлимлари (бўлинмалари) (ички дорихона, клиник-диагностик лаборатория, ошхона, кирхона, патолого-анатомик хизмат ва б.) фаолиятини назорат қилади.

24. Даволаш-профилактика муассасаларининг ичимлик суви, иситиш, оқава сув ва вентилляция тизимлари фаолияти, ҳудуднинг ободонлаштирилганлиги ва кўкаламзорлаштирилганлиги, санитария ҳолати, маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилиши устидан назорат олиб боради.

25. Даволаш-профилактика муассасалари томонидан талаб даражасида дезинфекция тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги, дезинсекция ва дератизация учун дезинфекция станциялари билан шартнома тузилганлиги ва уларнинг ўтказилиши устидан назорат олиб боради.

26. Даволаш-профилактика муассасаларининг госпитал эпидемиологлари фаолиятини назорат қилиб, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

4-боб. Бўлимларнинг ҳуқуқлари

27. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунини 12-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятини Давлат томонидан назорат тўғрисида”ги Қонуни 17-моддаси ва бошқа норматив ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади.

28. Бўлим врачлари ва ўрта тиббий ходимлари, ўрнатилган тартибда, малакаларини оширади.

29. Даволаш-профилактика муассасаларида Давлат санитария назоратини амалга оширишда эпидемиология, дезинфекция, паразитология, иммунопрофилактика, ўта хавфли юқумли касалликлар бўлимлари мутахассислари ҳамда санитария-гигиена, бактериология, радиология, токсикология ва вирусология лабораторияларини жалб қилиши мумкин.

5-боб. Бўлимнинг ўзаро ҳамкорлиги

30. Амалдаги директив ва меъёрий ҳужжатларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари, Санитария қоида, меъёрлари, гигиеник нормативлар ва ҳ.к) бажарилиши бўйича назорати қуйидаги бўлимлар билан ҳамкорликда олиб борилади:

- амбулатория-поликлиника хизмати тизимларида, травматология, орал регидратация пунктлари, диспансерларда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ушбу инфекцияларни назорат қилиш бўлими мутахассислари томонидан;

- эмлаш хоналари, жумладан тугруқ комплекслари (бўлимлари) эмлаш хоналари, травматологик ёрдам кўрсатиш ва хирургик стационарлардаги (бўлимлар) қокшолга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар иммунопрофилактика бўлими мутахассислари ва қутуриш касаллигига қарши олиб борилаётган чора-тадбирларнинг бажарилиш назорати ўта хавфли юқумли касалликлар бўлимлари мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

6-боб. Бўлимнинг масъулияти ва жавобгарлиги

31. Бўлим ходимлари қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

ушбу Низомда кўрсатилган бўлимга юклатилган вазифаларни бажариш;

юқори ташкилотларга белгиланган тартибда ўз вақтида ва сифатли маълумотлар тайёрлаш;

бўлим томонидан тайёрланаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

мазкур низомда назарда тутилган вазифаларни бажармаганлиги учун бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг Ички меҳнат тартиб-қоидаларида назарда тутилган интизомий жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

7-боб. Яқиний қоидалар

32. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

33. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Тиббий таълим муассасалари
билан ҳамкорлик шўъбаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Тиббий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шўъбаси (Кейинги ўринларда - Шўъба) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Шўъба Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ва бошлиқ ўринбосарига бўйсунди.

3. Шўъбани фаолиятини шўъба бошлиғи бошқаради.

4. Шўъба ўз иш фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бошқармалари, бўлимлари, шўъбалари ҳамда таркибий муассасалари, марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари, вазирликлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

5. Шўъба ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига, шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Шўъбанинг низоми ва лавозим йўриқномаси Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланади.

7. Шўъбанинг фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ олиб борилади.

8. Шўъбадаги ишчилар ўз вазифасини лавозим йўриқномаси асосида бажарадилар.

2-боб. Шўъбанинг асосий вазифалари

9. Қуйидагилар Шўъбанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ва хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари билан алоқа ўрнатиб, улардаги тиббиёт институтларининг тиббий-профилактика ва бошқа факультетлари битирувчиларига бўлган мавжуд эҳтиёж ҳамда бўш иш ўринларини кадрлар бўлими билан биргаликда аниқлаш;

тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

яратилган мавжуд эҳтиёж ҳамда бўш иш ўринларининг электрон базасини тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтларига тақдим этиш;

тиббиёт институтлари тиббий-профилактика факультети битирувчилари рўйхатининг электрон базасини шакллантириш;

тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтлари битирувчиларининг тақсимот жараёнида иштирок этиш ва ишга тақлиф қилиш;

тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтлари битирувчиларининг Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ива хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари, ҳудудий бошқармаларига тақсимот қилинган битирувчиларининг рўйхатини шакллантириш;

тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтлари битирувчиларининг Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги муассасаларга тақсимот қилинган битирувчиларининг ўқишни битирганидан кейин ишга жойлашганлиги тўғрисида кадрлар бўлими билан биргаликда маълумотлар базасини яратиш;

тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтлари битирувчиларини тақсимот асосида ишга жойлашганларнинг иш фаолияти тўғрисида кадрлар бўлими билан биргаликда таҳлилий мониторинг юритиш.

3-боб. Шўъбанинг ҳуқуқлари

10. Шўъба барча ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ фаолият кўрсатиш ҳуқуқларига эга.

11. Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнат муҳофазасига ҳaқли.

12. Белгиланган функция ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ва хўжалик ҳисобидаги

дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларидан фаолият учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш.

13. Шуъбани ишини яхшилаш бўйича ўз таклифларини киритишга.

4-боб. Шуъбанинг мажбуриятлари

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва Қарорлари, фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқларида белгиланган тадбирларни ижро этади.

15. Шуъба маъмурий ва ташкилий масалалар бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги ўринбосари кўрсатмасини бажаради.

5-боб. Шуъбанинг фаолиятини ташкил қилиш

16. Шуъба тиббий маълумотларга эга юқори малакали мутахассислар билан таъминланади.

17. Шуъба Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги ва ўринбосарига бўйсунди.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Шуъбани тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг Вирусология лабораторияси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

3. Вирусология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизматининг Миллий референц лабораториясини таркибий қисми ҳисобланиб, республика ҳудудига вирусли касалликларни четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича Давлат санитария назоратини олиб боради.

4. Вирусология ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Вирусология лабораторияси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги ва бошлиқнинг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

6. Вирусология лабораторияси Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппаратининг бошқа бўлимлари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Вирусология илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

7. Вирусология лабораторияси мудири Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тайинланади ва ишдан олинади.

8. Вирусология лабораторияси мутахассислари ўз иш фаолиятини белгиланган тартиб бўйича тасдиқланган лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

9. Вирусология лабораторияси штат меъёрлари қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади.

2-боб. Вирусология лабораториясининг вазифалари ва функциялари

10. Вирусология лабораторияси вазифалари қуйидагилар:

манфаатдор корхона ва ташкилотлар билан биргаликда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармаларини вирусология лабораторияси фаолияти самарадорлигини ошириш;

вирусологик текширувларни такомиллаштириш;

вирусли инфекцияларнинг лаборатория таҳхисоти борасида моддий-техник базани такомиллаштириш.

11. Вирусология лабораториясининг функциялари:

Ўзбекистон Республикасига полиомиелит касаллигини кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этиш;

ўткир бўшашган шол (ЎБШ) устидан эпидемиологик назоратни олиб бориш доирасида ЎБШ беморларидан олинган ахлат намуналарини полиомиелит касаллигига лаборатория текширувлари ўтказиш.

ёз-куз мавсумларида Тошкент шаҳридаги сувни тозалаш иншоотлардан олинган оқава сув намуналарини полиомиелит вирусига лаборатория текширувлари ўтказиш.

Ўткир бўшашган шол касаллигига чалинган беморлардан ахлат намуналарини ва тозалаш иншоотларидан оқава сув намуналарини олиш, сақлаш ва ташиш қоидалари бўйича Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармаларига ва даволаш-профилактик муассасаларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш ва услубий раҳбарлик қилиш;

грипп устидан лаборатория назорат дастури доирасида ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ) билан огриган беморлардан бурун-томоқ суртмаси намуналарини грипп ва бошқа респиратор вирусларга лаборатория текширувлари ўтказиш;

ЖССТнинг “Қизамиқ ва қизилча элиминацияси” дастури доирасида қизамиқ ва қизилча касалликларига гумон қилинган беморлардан кон зардоби намунасини шу инфекцияларга лаборатория текширувларини ўтказиш;

вирус (вирусли гепатит ва бошқа) билан зарарланганларни эрта аниқлаш мақсадида, юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳга қирадиган шахслар орасида энг кўп маълумотли ва фойдаланиш мумкин бўлган усулларида шу инфекцияларга текширувлар ўтказиш;

текширувлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

вирусли инфекциялар билан касалланишнинг кўтарилишини олдиндан башорат қилиш, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг Фавқулудда эпидемияга қарши кураш комиссияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мажлисларида муҳокама учун зарур ҳужжатларни (маълумотлар, қарорлар ва бошқа) тузишда иштирок этиш;

арбитраж текширувларни ўтказиш.

Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари вирусология лабораториялари фаолиятини ташкиллаштириш, ўтказилган текширувларининг тўлақонли, сифатли ва самрадорлиги устидан назорат қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган текширувлар номенклатурасига асосан инсон ва ташқи муҳит объектларидан олинган биологик моддаларни текширишда, асбоб-ускуналар ва сарфланувчи воситалар билан таъминлашда Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармаларнинг вирусология лабораторияларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

Санитария-эпидемиология хизмати мутахассисларининг вирусология йўналишида билим саводхонлигини ошириш мақсадида, ўқув-семинарлар, конференция ва йиғилишларни ташкиллаштириш;

вирусларга ва уларнинг маркёрларига текширувлар ўтказиш учун намуналарини сифатли олиш масалалари бўйича даволаш-профилактика муассасаларининг мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

Санитария-эпидемиология хизматиининг ҳудудий бошқармалари вирусология лабораторияларига ҳамда бошқа санитария-эпидемиологик муассасаларининг лабораторияларига ва лаборатория мажмуаларига аттестация ва аккредитация масалалари бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

юкумли вирусли касалликлар профилактикаси борасида аҳолининг билим даражасини ошириш мақсадида тарқатиладиган моддийларни (плакатлар, буклетлар, эслатмалар, вароқалар, баннерлар) ишлаб чиқариш;

вирусология лабораториялари фаолиятини такомиллаштириши учун муҳим йўналишларини белгилаб бериш;

Вирусли касалликлар профилактикаси ва вирусларга қарши курашиш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, кўрсатмалар ва илмий мақолаларни тайёрлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахсларга вирусология лабораториясида ўтказиладиган лаборатория текширувлар борасида хизматлар кўрсатиш.

3-боб. Вирусология лабораториясининг ҳуқуқлари

12. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланганларга ҳақли.

13. Вирусология лабораторияси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнат муҳофазасига ҳақли.

14. Вирусология лабораторияси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган буйруқларга мувофиқ бирламчи ихтисослантириш, тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан утишга ҳақли.

15. Вирусология лабораторияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишга ҳақли.

4-боб. Вирусология лабораториясининг мажбуриятлари

16. 3-4-гурӯх патоген касаллик чақирувчилари билан ишлаш, хавфсизлик техникаси ва шахсий гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилиш.

17. Хавфсизлик техникаси бўйича инструктаждан мунтазам ўтиш.

18. Лавозим йўриқномаси талабларини сифатли бажариш.

19. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича жисмоний ва юридик шахслар томонидан тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва мувофиқ чораларни кўриш.

20. Санитария-эпидемиологик вазият, ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича кўриладиган чоралар тўғрисида жисмоний ва юридик шахсларга хабар бериш.

21. Аниқланган хавф тўғрисида ўз вақтида аҳолини огоҳлантириш.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12.04.1999 йилдаги 234-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иш ҳужжатларини юритиш тўғрисидаги йўриқномаси», 30.01.2008 йилдаги 30-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида хизмат ҳужжатларни тузиш ва рўйхатга олиш» буйруқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

5-боб. Вирусология лабораториясининг фаолиятини ташкил этиш

23. Вирусология лабораторияси функционал вазифалари бўйича Санитария-эпидемиология хизмати лаборатор комплекс бошлигига бўйсунди.

24. Вирусология лабораторияси фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган лаборатория мудир бошқаради.

25. Вирусология лабораторияси мудир лабораторияга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

26. Вирусология лабораторияси мудир вирусология лабораторияси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ишларни ташкил қилади, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди, вирусология лабораторияси фаолият натижалари юзасидан шахсан жавоб беради.

27. Вирусология лабораторияси мудир бўлмаган вақтда вазифаларни Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи билан келишилган ҳолда, лаборатория врачларидан бири бажаради.

6-боб. Якунловчи қоидалар

28. Лаборатория Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиғи хизмати тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-
эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларининг
Вирусология лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг (Кейинги ўринларда – Бошқарма) вирусология лабораториялари (Кейинги ўринларда – Лаборатория) фаолиятини ташкиллаштириш тартибини белгилаб беради.

3. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотидagi (ЖССТ) Европа ҳудудий Бюроси ўртасида халқаро шартномаларига амал қилади.

4. Вирусология лабораторияси ўз ишиини Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг, хизматнинг ҳудудий бошқармалари таркибий бўлинмалари, Вирусология илмий текшириш институти, Тошкент Тиббиёт академияси, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, бошқа тиббий ташкилот ва корхоналар, ЖССТ Европа ҳудудий Бюроси биргаликда олиб боради.

2-боб. Лабораториянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Лабораториянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган таҳлиллар мажмуаси тўғрисидаги буйруқ асосида ташқи муҳит ва одамларда ҳаққоний вирусологик текширувлар ўтказиш, аҳоли ўртасида юқумли касалликлар келиб чиқишини сабаблари мониторингини олиб

бориш, ташқи муҳитни соғломлаштириш, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларда иштирок этиш;

вирусология соҳасига оид меъёрлар, андозалар тизимини яратиш;

авария ҳолатларини бартараф этишда санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш, манфаатдор муассасалар ва идораларнинг тегишли бўлинмаларини жалб этган ҳолда, юқумли касалликларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш тадбирларини ўтказиш.

6. Лабораториянинг асосий функциялари:

Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва жисмоний шахсларнинг санитария қоида ва меъёрларига амал қилишлари, эпидемияга қарши талабларнинг бажаришлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширишда иштирок этиш;

вирусли инфекцияларга текширувлар ўтказиш учун намуналарни олиш, сақлаш ва лабораторияга ташиш бўйича даволаш-профилактика муассасалари мутахассисларига маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;

қуйидаги мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлаган амалдаги текширувлар номенклатурасига асосан вирусологик, санитария-вирусологик, серологик, иммунологик, молекуляр-биологик ва бошқа амалиётда мумкин бўлган лаборатория текширувлар ўтказиш:

– вирус табиатли юқумли касалликлар кўзгатувчиларини аниқлаш;

– эпидемиологик вазиятни олдиндан аниқлаш мақсадида аҳоли орасида ва атроф-муҳитда вируслар (грипп ва бошқа респиратор вируслар, энтеровируслар, ротавируслар ва бошқа)нинг айланишини ўрганиш; инфекция ўчогида патоген вирусларнинг юқиш йўллари ва факторларини аниқлаш;

– полиомиелит, қизамиқ вируси ва зарур бўлганда бошқа вирусларга қарши аҳолининг гуморал имунитети даражасини назорат қилиш; юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳга кирадиган шахслар орасида вирусли касалликка чалинганларни барвақт аниқлаш;

– амалиётда ишлатиладиган вирусларга қарши профилактик препаратлар иммунологик самарадорлигини ўрганиш.

вирусли касалликларга қарши курашиш, уларни олдини олиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

текширув натижаларини анализ қилиш ва умумлаштириш;

вирусли инфекциялар билан касалланишни прогноз қилишда, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

олинган текширув натижаларини умумлаштириш асосида олиб бориладиган илмий-амалий ишларда иштирок этиш;

бошқарма бошлигига вирусология лабораторияси ўзининг фаолиятини яхшилаш борасида таклифлар киритиш;

бошқарма бошлигидан вирусология лабораторияси фаолияти учун зарур бўладиган лаборатория асбоб-анжомлар, аппаратлар, препаратлар, реактивлар, диагностикаумлар, озука-мухитлари билан таъминлашини талаб этиш;

вирусология лабораторияси ходимларнинг билим ва малакаларини мунтазам равишда оширишни ташкиллаштириш;

Ҳайъат, Кенгаш йиилишларига, шунингдек, Эпидемияга қарши Фавкулдда кураш Республика комиссиясига тегишли маълумотларни тайёрлашда иштирок этиш;

фуқаролардан келиб тушган мурожаатларини ўрганиб чиқиш, ушбу масалаларда юзага келган зиддиятларни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

вирусология лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалиётга жорий этиш;

конунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни амалга ошириш.

3-боб. Лабораториянинг ҳуқуқлари

7. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўрсатилганларга ҳақли.

8. Вирусология лабораторияси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнат муҳофазасига ҳақли.

9. Вирусология лабораторияси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган буйруқларга мувофиқ бирламчи ихтисослантириш, тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга ҳақли.

10. Вирусология лабораторияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишга ҳақли.

4-боб. Лабораториянинг мажбуриятлари

11. 3-4-гурӯх патоген микроорганизмлар чақирувчилари билан ишлаш, хавфсизлик техникаси ва шахсий гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилиш.

12. Хавфсизлик техникаси бўйича инструктаждан мунтазам ўтиш.

13. Лавозим йўриқномаси талабларини сифатли ва самарали бажариш.

14. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва зарур чоралар кўриш.

15. Санитария-эпидемиологик вазият, ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича кўриладиган чоралар тўғрисида жисмоний ва юридик шахсларга хабар бериш.

16. Аниқланган хавф тўғрисида ўз вақтида аҳолини огоҳлантириш.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12.04.1999 йилдаги 234-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлиги тизимида иш ҳужжатларини юритиш тўғрисидаги йўриқномаси», 30.01.2008 йилдаги 30-сонли «Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги тизимида хизмат ҳужжатларни тузиш ва рўйхатга олиш» буйруқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор, Фармойиш ва топшириқларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини бажарилишини таъминлаш.

5-бoб. Лаборатория фаолиятини ташкил этиш

18. Лаборатория функционал вазифалари бўйича Бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

19. Лаборатория фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармаси бошлиги томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган лаборатория мудири бошқаради.

20. Услубий масалалар бўйича вирусология лабораторияси фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг вирусология лабораторияси мудири раҳбарлик қилади.

21. Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармалари вирусология лабораторияси мудири лабораторияга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармаси вирусология лабораторияси мудири вирусология лабораторияси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ишларни ташкил қилади, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди, Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармалари вирусология лабораторияси фаолият натижалари юзасидан шахсан жавоб беради.

23. Вирусология лабораторияси мудири бўлмаган вақтда вазифаларни Санитария-эпидемиология хизмати ҳудудий бошқармаси бошлиги билан келишилган ҳолда, лаборатория врачларидан бири бажаради.

6-бoб. Якунловчи қоидалар

24. Лаборатория бошқарма тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Стандартлаш ва метрология
бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Стандартлаш ва метрология бўлими (Кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг (Кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий бўлими ҳисобланади.

3. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг ўринбосарига бўйсунди.

4. Бўлимни Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарининг буйруғи билан лавозимга тайинладиган бўлим бошлиғи бошқаради.

5. Бўлим ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва Миллий референс лабораториясининг лабораториялари билан ҳамкорликда олиб боради.

6. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Бўлим мутахассислари ўз фаолиятларини лавозим кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширади.

8. Ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади.

9. Бўлим фаолияти иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари

10. Лаборатория тадқиқотлари, усуллар ва услублар учун меъёрий-техник ҳужжатларни жорий этиш бўйича мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-услубий ишларини амалга ошириш.

11. Ўлчов воситаларини текширишда, киёсловдан ўтказишда, калибрлашда ва таъмирлашни ташкил қилиш, ўлчов воситаларини ўз вақтида «Метрология миллий институтига» топшириш.

12. Техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги стандартлар, техник регламентлар ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш.

13. Миллий референс лабораториясининг синов лабораториялари мажмуасининг моддий-техника базасини ҳолатини ўрганиш.

14. “Ўзстандарт” агентлиги билан стандартлаштириш ва метрология бўйича ишларни мувофиқлаштириш.

3-боб. Бўлимнинг асосий функциялари

15. Стандартлаш ва метрология бўйича ишларни режалаштириш. Эскирган стандартлаштириш ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш. Янги халқаро ва давлатлараро стандартларни жорий этиш.

16. Стандартлар фондини юритиш, стандартлаштириш ҳужжатларининг назорат нусхаларини сақлаш, бекор қилинган ҳужжатларни ўз вақтида қайтариб олиш.

17. Қогоз ва электрон ташувчиларда меъёрий-техник ҳужжатларнинг назорат нусхаларини яратиш.

18. Бўлимларни стандартлаштириш ҳужжатлари, стандартларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзгариши ва бекор қилиниши тўғрисида маълумот билан таъминлаш.

19. Лаборатория мутахассислари учун стандартлаштириш ва метрология бўйича семинарлар ўтказиш.

20. Стандартлаш ва метрология соҳасидаги маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш ва ўрганиш.

Ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш бўйича яъни, лаборатория жиҳозларини ҳисобга олиш, ўлчов эҳтиёжларини мониторинг ва таҳлил қилиш.

21. Стандартлаштирилган усулларни ҳисобга олиш ва ишлаб чиқилганларни метрологик экспертизадан ўтказиш, давлат стандарт намуналарини рўйхатдан ўтказиш, ўлчов воситаларини текшириш ва калибрлаш бўйича фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ўлчов воситасини метрологик сертификатлаш.

22. Ускуналар ишлашини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг электрон ахборот тизимини яратилишини таъминлаш.

23. Барча даражадаги Санитария-эпидемиология хизматининг таркибий муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, ташкилий ва услубий тадбирларни амалга ошириш.

24. Бошқа бўлимлар ҳамда лабораториялар билан биргаликда, стандартлаштириш ва метрологик таъминот бўйича меъёрий-техник ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

25. Санитария-эпидемиология хизмати, илмий-тадқиқот институтлари ва ҳудудий бошқармаларнинг лаборатория мажмуаларини даврий аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш.

26. Кадрларни стандартлаш ва метрология соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни мунтазам такомиллаштириш.

27. Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаларига, илмий-тадқиқот институтларига, шунингдек идоравий Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига стандартлаштириш ва метрология йуналишида амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

28. Миллий референс лабораториясига стандартлаш ва метрология талабларига риоя қилиш бўйича кўрсатмалар бериш.

29. Санитария-эпидемиология хизматиининг марказий аппарати ва Миллий референс лабораториясининг барча таркибий бўлинмалари раҳбарларидан қуйидагилар талаб қилинади:

- стандартлаштириш, метрология талабларини бажариш;
- стандартлар талаблари ва лаборатория жиҳозларининг техник ҳолати бузилганлиги тўғрисида ўз вақтида маълумот бериш.

30. Таркибий бўлинмаларнинг стандартлаш, метрология соҳасидаги ишларини текшириш.

31. Миллий референс лабораторияси иш фаолиятини режалаштиришда иштирок этиш.

32. Стандартлаш ва метрология бўлими бошлиғи, шунингдек, бўлимнинг фаол ходимларини рағбатлантириш ва меҳнат интизомини бузган ходимларга жазо тайинлаш тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

33. Бўлимнинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган ҳуқуқларга эга.

34. Бўлимнинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

35. Бўлимнинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига биноан ўқитиш, қайта тайёрлаш, бирламчи ихтисослаштиришдан ўтиш ҳуқуқига эга.

36. Бўлимнинг барча ходимлари бўлим фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Бўлимнинг жавобгарлиги

37. Раҳбарият томонидан берилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишига.

38. Фаолият давомида амалдаги қонунчиликка риоя қилишга.

39. Бўлим фаолияти тўғрисида ишончли маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этишга.

6-боб. Якуний қоидалар

40. Бўлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
бошқармаларини Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлинмаси
тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Болалар ва ўсмирлар гигиена бўлинмаси (Кейинги ўринларда - Бўлинма деб аталади) - Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаларини (Кейинги ўринларда - Бошқарма деб аталади) таркибий қисми ҳисобланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг штат меъёрлари асосида бўлинма штатлари белгиланади.

3. Бўлинма Санитария-гигиена бошқармаси бошлиги ва санитария масалалари бўйича бошлик ўринбосарига бўйсунди.

4. Раҳбарликни бўлинма мудирини амалга оширади.

5. Бўлинма ўз фаолиятини бошқа бўлимлар, Соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб боради.

6. Бўлинма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Бўлинма ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

8. Бўлинма фаолиятини Бошқарма бошлиги тасдиқлаган (чораклик, йиллик) иш режалари асосида олиб боради.

9. Бўлинмадаги врач лавозимларига тиббиёт олийгоҳларининг “Тиббий профилактика иши” факультетини ҳамда инженер лавозимига Архитектура ва қурилиш факультетларини томонлаган мутахассислар тайинланади.

2-боб. Бўлинманинг вазифалари

10. Бошқарманинг болалар ва ўсмирлар масалаларига тааллуқли санитария-эпидемиологик осойишталигига қаратилган асосий принципларини таъминлаган ҳолда, ташкилий-услубий ишларни олиб боради ва соҳа мутахассисларига раҳбарлик қилади.

11. Атроф-муҳитни соғломлаштиришга, овқатланиш шароитини яхшилашга, ўқиш, меҳнат қилиш тартиби ва шароитларини, жисмоний тарбия ва дам олишни яхшилашга қаратилган мажмуавий чора-тадбирлар ҳамда қатор ташкилий тадбирларни жорий этиш асосида болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий асосларини яратади.

12. Таълим-тарбия муассасаларини режалаштириш, жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топширишда уларнинг болалар саломатлигига зарарли таъсирини олдини олиш тадбирларини белгилайди.

13. Болалар ва ўсмирлар муассасаларидаги шароитларини санитария қоида, меъёрлар ва гигиеник нормативларга мос келиши устидан Давлат санитария-эпидемиология назоратини ташкил этади.

3-боб. Бўлинманинг функциялари

14. Таълим-тарбия муассасалари устидан санитария назоратини ташкил этиш, тарбия, ўқиш, овқатланиш, дам олиш, спорт билан шугулланиш шароитларини яхшилаш борасида санитария-гигиеник чора-тадбирларни белгилаш.

15. Болалар ва ўсмирлар гигиена соҳа бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқилишида таклифлар киритиш.

16. Таълим-тарбия муассасалари учун мебел, кийим-кечак, ўқув қуроллари, спорт анжомлари, компьютер-техникаларига бўлган гигиеник талабларни белгилаш бўйича ишчи гуруҳ таркибида иштирок этиш.

17. Болалар ва ўсмирлар объектлари устидан олиб борилаётган огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини ўтказилишига услубий ёрдам кўрсатиш.

18. Таълим-тарбия муассасаларида ўтказилган Давлат санитария назорати натижалари тўғрисида тахлилий маълумотлар тайёрлаш ва юқори турувчи ташкилот ва идораларга тақдим этиш.

19. Таълим-тарбия муассасаларига ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказилишига оид Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги “Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли буйруғи ижросини назорат қилиш ҳамда мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиш.

20. Болалар ёзги дам олиш оромгоҳларининг ичимлик суви билан таъминланиши, ётоқхоналарини, ошхоналарини, спорт мажмуаларини, бассейнларини ва бошқа қурилмаларини санитария талабларига мослиги ҳамда тиббий хизмати устидан санитария назоратини олиб боришда услубий ёрдам кўрсатиш.

21. Болалар ва ўсмирларни санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш масалалари бўйича ўқув семинарлари, йигилишлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш.

22. Болалар ва ўсмирлар масалалари бўйича Бошқарманинг йиллик ҳисоботларини қабул қилиб, таҳлилини олиб бориш.

23. Аҳолидан тушган таълим-тарбия муассасаларининг санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш ва чораларни белгилаш.

24. Ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар билан хўжалик ҳисобидаги ишларни шартнома асосида амалга ошириш.

25. Ота-оналар ва болалар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғибот қилиш ҳамда гигиеник ўқитишларда иштирок этиш.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

26. Бўлимма Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

27. Бўлимма фаолиятини яхшилаш учун таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

28. Белгиланган вазифа ва функциялар келиб чиққан ҳолда, бошқа таркибий бўлимлардан ва туман (шаҳар) бўлимларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги” 12-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги 1999 йил 12 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иш юритиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 234-сонли ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги “Ташкилий - бошқарув ҳужжатларини тузиш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

30. Бўлиммага юкланган вазифаларни сифатли бажариш.

31. Ички ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар талабига риоя қилиш.

32. Бошқарма бошлиги, ўринбосари ва санитария-гигиена бўлими мудирининг топшириқларини ўз вақтида бажариш.

33. Белгиланган вазифаларни бажариш учун бошқа таркибий бўлимлар билан ҳамкорлик қилиш.

34. Бошқарманинг таркибий бўлим ва бўлимларига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш учун сўралган маълумот ва ахборотларни тақдим этиш.

6-боб. Яқуний қоидалар

35. Бўлимма қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг туман (шаҳар) бўлимларини Болалар ва ўсмирлар гигиенаси
бўлинмаси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Болалар ва ўсмирлар гигиена бўлинмаси (Кейинги ўринларда - Бўлинма) - Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларини (Кейинги ўринларда - Бўлим) таркибий қисми ҳисобланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг штат меъёрлари асосида бўлинма штат бирликлари белгиланади.

3. Бўлинма Санитария-гигиена бўлими мудирига бўйсунди.

4. Бўлинма ўз фаолиятини бўлимнинг бошқа таркибий бўлинмалари, туман тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорликда олиб боради.

5. Бўлинма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Бўлинма ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

7. Бўлинма фаолиятини раҳбар тасдиқлаган (чораклик, йиллик) иш режалар асосида олиб боради.

8. Бўлинмадаги врач лавозимига тиббиёт олийгоҳларининг “тиббий профилактика иши” факультетини томонлаган врачлар тайинланади.

2-боб. Бўлинманинг вазифалари

9. Бўлимнинг болалар ва ўсмирлар масалаларига тааллуқли санитария-эпидемиологик осойишталигига қаратилган асосий принципларини

таъминлаган ҳолда, ташкилий-услубий ишларни олиб боради ва соҳа мутахассисларига раҳбарлик қилади.

10. Атроф-муҳитни соғломлаштиришга, овқатланиш шароитини яхшилашга, ўқиш, меҳнат килиш тартиби ва шароитларини, жисмоний тарбия ва дам олишни яхшилашга қаратилган мажмуавий чора-тадбирлар ҳамда қатор ташкилий тадбирларни жорий этиш асосида болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳукукий асосларини яратади.

11. Таълим-тарбия муассасаларини режалаштириш, жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топширишда уларнинг болалар саломатлигига зарарли таъсирини олдини олиш тадбирларини белгилайди.

12. Болалар ва ўсмирлар муассасаларидаги шароитларини санитария қоида, меъёрлар ва гигиеник нормативларга мос келиши устидан Давлат санитария-эпидемиология назоратини ташкил этади.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

13. Таълим-тарбия муассасалари устидан санитария назоратини ташкил этиш, тарбия, ўқиш, овқатланиш, дам олиш, спорт билан шугулланиш шароитларини яхшилаш борасида санитария-гигиеник чора-тадбирларни белгилаш.

14. Болалар ва ўсмирлар гигиена соҳа бўйича санитария қоида, меъёрлар ва гигиеник нормативлар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишларини ташкил этиш.

15. Болалар ва ўсмирлар объектлари устидан олиб борилаётган огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини олиб бориш.

16. Таълим-тарбия муассасаларида ўтказилган Давлат санитария назорати натижалари тўғрисида маълумотларни тайёрлаш ва ҳокимият ҳамда идораларга тақдим этиш.

17. Таълим-тарбия муассасаларига ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказилишига оид Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги “Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 200-сонли буйруғи ижросини назорат қилиш ҳамда мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиш.

18. Болалар ёзги дам олиш оромгоҳларининг ичимлик суви билан таъминланиши, ётоқхоналарини, ошхоналарини, спорт мажмуаларини, бассейнларини ва бошқа қурилмаларини санитария талабларига мослиги ҳамда тиббий хизмати устидан санитария назоратини олиб боришда услубий ёрдам кўрсатиш.

19. Болалар ва ўсмирларни санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари бўйича ўқув семинарлар, йигилишлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш.

20. Болалар ва ўсмирлар масалалари бўйича бўлимнинг йиллик ҳисоботларини қабул қилиб, таҳлилини олиб бориш.

21. Аҳолидан тушган таълим-тарбия муассасаларининг санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш ва чораларни белгилаш.

22. Ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар билан хўжалик ҳисобидаги ишларни шартнома асосида амалга ошириш.

23. Ота-оналар ва болалар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғибот қилиш ҳамда гигиеник ўқитишларда иштирок этиш.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

24. Бўлинма Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга.

25. Бўлинма фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклиф киритиши мумкин.

26. Белгиланган функция ва вазифалар келиб чиққан ҳолда марказнинг бошқа бўлимларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги” 12-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги 1999 йил 12 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иш юритиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 234-сонли ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги “Ташкилий-бошқарув ҳужжатларини тузиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сонли буйруқларига мувофиқ бажарилишини таъминлаш ҳуқуқига эга.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

28. Бўлинмага юкланган вазифаларни сифатли бажариш.

29. Ички ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар талабига риоя қилиш.

30. Бошқарма бошлиги, ўринбосари ва санитария-гигиена бўлими мудирининг топшириқларини ўз вақтида бажариш.

31. Белгиланган вазифаларни бажариш учун бошқа таркибий бўлинмалар билан ҳамкорлик қилиш.

32. Бошқарманинг таркибий бўлим ва бўлинмаларига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш учун сўралган маълумот ва ахборотларни тақдим этиш.

6-боб. Якуний қоидалар

33. Бўлинма қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Жамоатчилик билан
алокалар бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) жамоатчилик билан алоқалар бўлимининг (Кейинги ўринларда – Бўлим деб аталади) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини, жавобгарлигини, фаолият йўналишларини белгилайди.

3. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппаратининг таркибий қисми ҳисобланиб, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Вирусология илмий-тадқиқот институти, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Л.М.Исаев номидаги филиали, ОИТСга қарши кураш марказлари, Республика ўлат профилактика маркази, Фуқаро авиацияси объектлари устидан санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, Дезинфекция станциялари ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ходимлари фаолиятини лавозим йўриқномалари, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган иш режалари асосида олиб боради.

6. Бўлимдаги (бўлим бошлиғи, бош мутахассис ва етакчи мутахассис) лавозимларда тиббиёт олийгоҳларининг “Тиббий-профилактика иши” факультетини тамомлаган санитария-эпидемиология врач мутахассислигига эга бўлган врачлар ва олий ўқув юртларининг журналистика факультетини тамомлаган журналистлар фаолият юритади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

7. Бўлим фаолиятини мазкур низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда ташкил этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, АОКА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

9. Бўлим фаолиятининг турли хил йўналишлари бўйича истикболдаги иш режаларини ишлаб чиқади.

10. Раҳбарият томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади.

11. Кенг жамоатчиликни Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти, унинг соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилади.

12. Оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда - ОАВ) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Санитария-эпидемиология хизмати билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар доирасини кенгайтириш, тегишли ахборотларни (матбуот учун ахборотлар, бюллетенлар ва шу кабиларни) тарқатади.

13. Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда ахборотларни, шунингдек тезкор ахборотларни жойлаштириб, ўз вақтида янгилаб боради.

14. Санитария-эпидемиология хизматининг бўлимлари билан биргаликда ОАВда тарқатиш учун маълумотлар, шарҳлар ва таҳлилий материалларни тайёрлайди.

15. Санитария-эпидемиология хизматига тегишли ташкилотларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида олиб бораётган фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб боради.

16. Санитария-эпидемиология хизматининг расмий интернет-сайтига жойлаштириш учун материаллар тайёрлаш ва маълумотларни доимий равишда янгилаб туриш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

17. Оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали республика аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкиллаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тиббий маданиятни ошириш борасида олиб борилаётган тадбирларни ёритиб боради.

18. Оммавий ахборот воситалари орқали санитария, гигиена, соғлом турмуш тарзи, юқумли касалликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларни ёритиб боради.

19. Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш борасида турли ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилган конференциялар, симпозиумлар, съездлар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ёритиб боради.

20. Матбуот анжуманлари, брифинглар, интервью ва фукаролар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан учрашувлар ўтказилишини ташкил этади.

21. Илмий-оммабоп мақолалар, буклетлар, плакатлар, эслатмалар, варакалар тайёрлайди.

22. Аҳолига гигиеник билимларни етказишда тизимдаги қуйи ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатади.

4-боб. Бўлим ходимларининг ҳуқуқлари

23. Бўлимнинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва меҳнат кодексига кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга.

24. Бўлим ўз фаолиятини яхшилаш мақсадида таклифлар киритиш.

25. Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа таркибий бўлинмаларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш.

26. Санитария-эпидемиология хизматининг барча мажлис, йиғилиш ва бошқа тадбирларида қатнашиш.

27. Оператив масалаларни ҳал этишда бошқа бошқарма ва бўлим ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда ишни тўғри ташкил этиш.

28. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг матбуот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

29. Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарининг топшириғига кўра, бошқа вазирлик ва идоралар томонидан ташкил этилган республика ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Санитария-эпидемиология хизмати номидан вакиллик қилиш.

30. Бўлим ўз ваколатлари доирасида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

5-боб. Бўлим ходимларининг мажбуриятлари

31. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишига жавобгар ҳисобланади.

32. Иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ҳамда юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажаради.

34. Ушбу низомда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ўз вақтида ташкил этади.

6-боб. Бўлимнинг ваколатлари

36. Бўлим мудирининг тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ҳисобот бериб боради.

33. Санитария-эпидемиология хизматининг таркибига кирувчи қуйи тизим бўлинмалари зиммаларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам назорат олиб боради, уларнинг фаолияти самарадорлиғига ҳолисона баҳо беради.

7-боб. Яқиний қоидалар

34. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

35. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
бошқармаларини Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан
ишлаш бўлими тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг (Кейинги ўринларда – Бошқарма) Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш бўлимининг (Кейинги ўринларда – Бўлим деб аталади) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини, жавобгарлигини, фаолият йўналишларини белгилайди.

3. Бўлим Бошқарманинг таркибий қисми ҳисобланиб, Бошқарма бошлиғига бўйсунди.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ваколати доирасида Бошқарманинг таркибий бўлинмалари, хизматнинг қуйи ташкилотлари фаолиятига ваколати доирасида умумий раҳбарликни амалга ошириб, тарғибот йўналишида дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолиятларини мувофиқлаштиради.

6. Бўлим ходимлари фаолиятини лавозим йўриқномалари, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган иш режалари асосида олиб боради.

7. Бўлимдаги (бўлим бошлиғи, бош мутахассис ва ётакчи мутахассис) лавозимларда тиббиёт олийгоҳларининг “Тиббий-профилактика иши” факультетини тамомлаган санитария-эпидемиология врач мутахассислигига

эга бўлган врачлар ва журналистика факультетини тамомлаган журналистлар фаолият юритади.

8. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва қўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

9. Бўлим фаолиятини мазкур низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда ташкил этилади.

10. Бўлим фаолиятининг турли хил йўналишлари бўйича истиқболдаги иш режаларини ишлаб чиқади.

11. Раҳбарият томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади.

12. Кенг жамоатчиликни Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти, унинг соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилади.

13. Оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда - ОАВ) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Санитария-эпидемиология хизмати билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар доирасини шакллантириш, тегишли ахборотларни (матбуот учун ахборотлар, бюллетенлар ва шу кабиларни) тарқатади.

14. Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда ахборотларни, шунингдек тезкор ахборотларни жойлаштириш ва ўз вақтида янгилаб боради.

15. Санитария-эпидемиология хизматининг бўлимлари билан биргаликда ОАВда тарқатиш учун маълумотлар, шарҳлар ва таҳлилий материалларни тайёрлайди.

16. Санитария-эпидемиология хизматига тегишли ташкилотларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида олиб бораётган фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб боради.

17. Санитария-эпидемиология хизматининг расмий интернет-сайтига жойлаштириш учун материаллар тайёрлаш ва маълумотларни доимий равишда янгилаб туриш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

18. Оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали республика аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкиллаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тиббий маданиятни ошириш борасида олиб борилаётган тадбирларни ёритиб боради.

19. Оммавий ахборот воситалари орқали санитария, гигиена, соғлом турмуш тарзи, юқумли касалликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларни ёритиб боради.

20. Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш борасида турли ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ёритиб боради.

21. Матбуот анжуманлари, брифинглар, интервью ва фуқаролар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан учрашувлар ўтказилишини ташкил этади.

22. Илмий-оммабоп мақолалар, буклетлар, плакатлар, эслатмалар, варақалар тайёрлайди.

23. Аҳолига гигиеник билимларни етказишда тизимдаги қуйи ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатади.

4-боб. Бўлим ходимларининг ҳуқуқлари

24. Бўлимнинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва меҳнат кодексидида кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга.

25. Бўлим ўз фаолиятини яхшилаш мақсадида таклифлар киритиш.

26. Бошқарманинг таркибий бўлинмаларидан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш.

27. Бошқарманинг барча мажлис, йиғилиш ва бошқа тадбирларида қатнашиш.

28. Оператив масалаларни ҳал этишда бошқа бошқарма ва бўлим ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда ишни тўғри ташкил этиш.

29. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг матбуот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш.

30. Бўлим ўз ваколатлари доирасида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

5-боб. Бўлим ходимларининг мажбуриятлари

31. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишига жавобгар ҳисобланади.

32. Иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ҳамда юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажаради.

33. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, Санитария-эпидемиология хизмати таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3962-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари,

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш.

6-боб. Бўлимнинг ваколатлари

34. Бўлим мудирини тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича Бошқарманинг бошлиғига ҳисобот бериб боради.

35. Бошқарманинг таркибига кирувчи қуйи тизим бўлинмалари зиммаларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам назорат олиб боради, уларнинг фаолияти самарадорлиғига ҳолисона баҳо беради.

7-боб. Яқуний қоидалар

36. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

37. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Ўта хавфли юкумли
касалликлар лабораторияси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ўта хавфли юкумли касалликлар лабораторияси (Кейинги ўринларда - ЎХЮК лабораторияси) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) Миллий референс лабораторияси таркибий қисми ҳисобланиб, ходимларнинг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган штатлар меъёрлари асосида шаклланади.

3. ЎХЮК лабораторияси иш фаолиятида тўғридан-тўғри Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ва бошлиқнинг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

4. ЎХЮК лабораторияси фаолиятини Республика Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тайинланган лаборатория мудирини бошқаради.

5. ЎХЮК лабораториясининг иш фаолияти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари, услубий қўлланмалари ва йўриқномаларига амал қилган ҳолда, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ва тегишли таркибий муассасалар ҳамда бошқа тиббий ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилади.

6. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Лаборатория ходимлари ўз иш фаолиятини белгилаб қўйилган тартиб бўйича тасдиқланган лавозим йўриқномалар асосида олиб боради.

8. ЎХЮК лабораторияси ўз фаолиятини лабораториянинг ички иш режасига таянган ҳолда амалга оширилади.

9. ЎХЮК лабораторияси врач бактериолог лавозимига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруглари талабларига мувофиқ, тиббиёт институтларининг тиббий-профилактика иши факультетларини тамомлаган мутахассислар ишга қабул қилинади.

2-боб. ЎХЮК лабораториясининг бурчлари ва вазифалари

10. ЎХЮК лабораториясининг бурчи.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ўта хавфли юқумли касалликларни кириб келиши ва тарқалишини олдини олишда санитария муҳофазасини ўрнатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Ўта хавфли юқумли касалликларнинг лаборатория ташҳиси билан шугулланаётган қуйи тизимдаги лаборатория хизматининг ҳолатини ўрганиш.

Ўта хавфли юқумли касалликларнинг микробиологик текширув усуллари замон талаби асосида янада такомиллаштириш.

3-боб. ЎХЮК лабораториясининг вазифалари

11. Республика ҳудудларига ўта хавфли юқумли касалликларни кириб келиши ва тарқалишини олдини олишда, санитария муҳофазаси назоратини ўрнатишда иштирок этиш.

12. Санитария-эпидемиология хизмати ЎХЮК лабораторияси ҳудудий лабораторияларни услубий жиҳатдан назоратини олиб боради, ҳудудий ЎХЮК лабораториялари фаолиятини мувофиқлаштириш.

13. Аҳоли ўртасида юқумли касалликлар келиб чиқиш сабабларини мониторингини олиб боришда ва уларни тарқалишини олдини олиш бўйича огоҳлантириш, юқумли касалликларни камайитириш, ташқи муҳитни соғломлаштириш, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкиллаштирилиши, ҳамда ўтказилиши юзасидан маъмурий ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

14. Фаолиятга оид меъёрлар, тизим яратиш, аҳолини тиббий маданиятини ошириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши, шунингдек санитария-эпидемиология масалаларида хотиржамликни таъминлаш бўйича кенг камровли тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш.

15. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалаларида ҳудудий ташкилотлар, шунингдек, бошқа тармоқ санитария-

эпидемиология хизмати муассасалари қошидаги лаборатория комплекслари билан ўзаро мулоқотни таъминлаш.

16. Ҳудудий ЎХЮК лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва лаборатория текширувларини самарали ўтказилишида амалий ва ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш.

17. Ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича вазият мураккаблашган ҳолатларда эпидемияга қарши назоратни такомиллаштиришда иштирок этиш.

18. Ўта хавфли юқумли касалликларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва башорат қилишда қатнашиш.

19. Ҳудудий ЎХЮК лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

20. Ҳудудий Бошқармаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида, ўқув-семинарлари, стажировкалар, конференциялар ташкил этиш.

21. Ўта хавфли юқумли касалликлар лаборатория ташхисоти масалалари бўйича янги буйруқ лойиҳалари, услубий қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқарув ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш.

22. Ўта хавфли юқумли касалликлар лаборатория ташхисоти бўйича ички ва ташқи назоратни кучайтириш.

4-боб. ЎХЮК лабораториясининг ҳуқуқлари

23. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган ҳуқуқларга эга.

24. Лабораториянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқларига эга.

5-боб. ЎХЮК лабораториясининг мажбуриятлари

25. ЎХЮК лабораторияси ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш, техника хавфсизлигини кафолатлаш.

26. ЎХЮК лабораториясининг моддий-техник базасини замонавий тиббий техникалар ва энг янги технологиялар билан мустаҳкамлаш.

27. ЎХЮК лабораториясининг мулкидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг талаб даражасида сақланишини таъминлаш.

6-боб. Якунловчи қоидалар

28. Лабораторияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар бошқармаларини Ўта хавфли юқумли касалликлар
лабораторияси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияси (Кейинги ўринларда - ЎХЮК лабораторияси) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларини (Кейинги ўринларда - Бошқарма) Лабораториялар комплекси таркибига киради ва Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ходимларнинг белгиланган штатлар меъёрлари асосида фаолият кўрсатади.

3. ЎХЮК лабораторияси Бошқарманинг ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими мудирига бўйсунди.

4. ЎХЮК лабораториялари ўз фаолиятини Бошқарманинг таркибий бўлинмалари, Республика Ўлат профилактика маркази, филиаллари ва Ветеренария хизмати билан ҳамкорликда олиб боради.

5. Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Лаборатория ходимлари белгиланган лавозим йўриқномаси асосида фаолият кўрсатадилар.

7. Лабораторияда ишлар муассаса ичи иш режаси асосида олиб борилади.

8. Лабораторияларнинг техник таъминоти, ўтказиладиган микробиологик текширувларга қўйиладиган замонавий талабларга асосланган бўлиши керак.

9. Лабораториялар замонвий компьютер техниаси билан таъминланиб, интернет тармогига уланиши керак.

10. ЎХЮК лабораторияси врач-бактериолог лавозимига Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги “Тиббий (шифокорлик) ва фармацевтик мутахассислар номенклатураси тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ тиббиёт институтларининг тиббий-профилактика иши факультетларини тугатган мутахассислар ишлашига рухсат этилади.

2-бoб. ЎХЮК лабораториясининг бурчлари ва вазифалари

11. ЎХЮК лабораториясининг бурчлари:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ўта хавфли юкумли касалликларни кириб келиши ва тарқалишини олдини олишда санитария муҳофазасини ўрнатиш;

ўта хавфли юкумли касалликларнинг лаборатория ташҳиси билан тасдиқланган текширувлар номенклатурасига биноан шугулланиш;

ўта хавфли юкумли касалликларнинг микробиологик текширув усуллариини замон талаби асосида янада такомиллаштириш.

12. ЎХЮК лабораториясининг вазифалари:

республика ҳудудларига ўта хавфли юкумли касалликларни кириб келиши ва тарқалишини олдини олишда, санитария муҳофазаси назоратини ўрнатишда иштирок этиш;

аҳоли ўртасида юкумли касалликлар келиб чиқиш сабабларини мониторингини олиб боришда ва уларни тарқалишини олдини олиш бўйича огохлантириш, юкумли касалликларни камайтириш, ташки мухитни соғломлаштириш, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкиллаштиришда иштирок этиш;

биоматериалларда ўта хавфли юкумли касалликлар кўзгатувчиларини аниклаш бўйича таҳлиллар ўтказиш;

бактериология соҳасига оид меъёрлар, андозалар тизимини яратиш, санитария-гигиена коидаларига риоя этилишини таъминлаш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда ҳудудий бўлимлар, шунингдек, бошқа тармок санитария-эпидемиология хизмати муассасалари қошидаги лаборатория комплекслари билан ўзаро мулоқотда бўлиш;

ўта хавфли юкумли касалликлар бўйича вазият мураккаблашган ҳолатларда эпидемияга қарши назоратни янада такомиллаштиришда иштирок этади;

шаҳар ва туман миқёсидаги лабораторияларга ўта хавфли юкумли касалликларга лаборатория текширувларини режалаштиришга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ўта хавфли юқумли касалликларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва башорат килишда қатнашиш;

худудий фаолият кўрсатаётган ходимларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида, ўқув-семинарлари, стажировка, иш ўрнида ўқитишларни ташкил этиш;

ўта хавфли юқумли касалликлар лаборатория ташхисоти масалалари бўйича янги буйруқ лойиҳалари, услубий қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқарув ҳужжатлари лойиҳасини яратиш жараёнида иштирок этиш;

ўта хавфли юқумли касалликлар лаборатория ташхисоти бўйича ички ва ташқи назоратни кучайтириш.

3-боб. ЎХЮК лабораториясининг ҳуқуқлари

13. Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган ҳуқуқларга эга.

14. Лабораториянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқларига эга.

5-боб. ЎХЮК лабораториясининг мажбуриятлари

15. ЎХЮК лабораторияси ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш, техника хавфсизлигини кафолатлаш.

16. ЎХЮК лабораториясининг моддий-техник базасини замонавий тиббий техникалар ва энг янги технологиялар билан мустаҳкамлаш.

17. ЎХЮК лабораториясининг мулкидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг талаб даражасида сакланишини таъминлаш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Лабораторияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Санитария-гигиена
бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати санитария-гигиена бошқармасининг (кейинги ўринларда - Санитария-гигиена бошқармаси) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

4. Санитария-гигиена бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Санитария-гигиена бошқармаси ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати, ҳудудий бошқарма ва бўлимлар ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

**2-боб. Санитария-гигиена бошқармасининг
вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар Санитария-гигиена бошқармасининг вазифалари ҳисобланади:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваМ) риоя қилиниши бўйича

белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шугулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;

соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича махсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш;

юқумли бўлмаган касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш;

хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни бошқариш, тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш;

соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича махсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш;

давлат ва идоравий тиббиёт статистикасини юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида, зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш;

7. Санитария-гигиена бошқармаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш соҳасида:

санитария-эпидемиология соҳасида тартибга солишнинг ташкилий-хукукий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

санитария-эпидемиология масалалари бўйича норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

инсон саломатлиги учун хавф-хатарлар омилларини бошқариш, мониторинг олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва жорий этиш фаолиятини амалга оширади;

б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваҚ) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш соҳасида:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан, санитария-эпидемиология соҳасидаги норматив-хукукий ҳужжатлар ижроси устидан белгиланган тартибда давлат санитария-эпидемиология назоратини (кейинги ўринларда - назорат) лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларини қўлаган ҳолда амалга оширади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан умумий овқатланиш объектларида рационал ва хавфсиз овқатланишини ташкил этилиши устидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларнинг бажарилишини назорат қилади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ионлаштирмайдиган нурланиш, шовқин, тебраниш ва инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа физикавий омиллар билан ишлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қилади;

назорат объектларида ўткир ва сурункали касб касалликларини келиб чиқиши ҳолатлари устидан назорат қилади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги маълумотларни Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида ёритади;

санитария-эпидемиология соҳасида халқаро ташкилотлар ва қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни таъминлайди;

халқаро ташкилотларнинг норматив-хукукий ҳужжатларини такомиллаштиради ва уйғунлаштиради;

в) озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озиқ-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шугулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш соҳасида:

озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган талабларни, контаминантларни рухсат этилган максимал миқдорини, жумладан пестицидлар, биологик ва кимёвий омиллар, озука қўшимчалари ва ветеринария дори воситаларининг қолдиқ миқдорларини белгилайди;

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнида санитария-эпидемиологик ҳолатини ўрганади, озик-овқат корхоналарини текшириш ва маҳсулотлар импортини тартибга солиш бўйича хавфларни таснифлаш мезонларини белгилайди;

озик-овқат маҳсулотларидан захарланиш тўғрисида хабар бериш тартибини белгилайди ва олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

болаларбоп озик-овқат маҳсулотлари, биологик фаол ва озик-овқат қўшимчаларни, янги озик-овқат маҳсулотлари, функционал ҳамда ихтисослаштирилган озик-овқат маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиши ва уларнинг давлат реестрини юритади;

озик-овқат хавфсизлигини тартибга солиш ва уларни амалга ошириш масалалари бўйича тавсиялар ва илмий асосларни ишлаб чиқарувчи илмий эксперт комитетларни ташкил қилади ва уларнинг фаолиятини таъминлайди;

Кодекс Алиментариус ва озик-овқат хавфсизлиги масалаларини тартибга солувчи бошқа халқаро ташкилотларда белгиланган тартибда катнашади;

г) юқумли бўлмаган касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

юқумли бўлмаган касалликлар ўчоқларида суриштирув ишларини ташкил этади, санитария-гигиенага оид ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан назорат қилади;

аҳоли яшайдиган ҳудудларни ривожлантириш, ер участкалари ажратиш бўйича лойиҳа материалларини, хўжалик ва саноат мақсадидаги объектларни қурилиш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини кўриб чиқишда ва ҳулоса беришда иштирок этади;

санитария-эпидемиология соҳасида норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилишда, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, хавфли кимёвий, радиоактив моддалар, биологик воситалар ва материаллар билан боғлиқ ишларни ташкил этади ва тегишлича гигиеник ҳулоса беради;

инсон саломатлиги ва атмосфера ҳавосига зарарли физик омиллар орқали таъсир кўрсатувчи объектларнинг рўйхатини ва ҳисобини олиб боради;

д) санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга қўмаклашиш соҳасида:

аҳолининг хавфсиз овқатланиш концепцияси, халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган миллий стандартларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолининг турли гуруҳлари овқатланиши мақомини баҳолайди, овқатланиш сифати билан боғлиқ бўлган аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини ўрганади;

нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва уларнинг тарқалиши даражасини пасайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади, аҳоли соғлом турмуш тарзининг асослари сифатида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ва тарғиботини, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда ташкил этади;

таълим ва тиббиёт ташкилотларида овқатланишни ташкил этиш тизимларини тартибга солиш, уюшган болалар жамоаларининг овқатланиш рационини яхшилаш механизмларини такомиллаштиради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва хориждан етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсининг сифатини назорат қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этади;

е) хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш соҳасида:

озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва реализациясини ўрнатилган тартибда назорат қилади;

оммавий овқатдан заҳарланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқадиган юқумли касалликларни рўйхатга олиш электрон маълумотлар базасини яратади ва юритади, уларни эрта аниқлаш ва хавфларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқади;

ж) соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича махсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш соҳасида:

ҳуқуқ-тартибот органлари сўровлари асосида хизматлар ва маҳсулотларнинг хавфсизлиги бўйича тегишли экспертизалар ўтказилади.

з) соҳага оид статистик маълумотларни юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш соҳасида:

статистик маълумотларини тўплайди, умумлаштириди ва таҳлил қилади ҳамда статистик маълумотларини юритиш, тўплаш ва таҳлил қилинишида услубий ёрдам кўрсатади;

аҳолининг саломатлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказилади;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Санитария-гигиена бошқармаси ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Санитария-гигиена бошқармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида санитария-эпидемиология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига санитария-эпидемиология соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф тугдирувчи юқумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда текширишлар ўтказиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келганда, оммавий заҳарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

озик-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти устидан инспекцион назорат ўтказиш;

ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхат ва тарифларга мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

санитария-эпидемиология масалалари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

Санитария-эпидемиология хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Санитария-гигиена бошқармаси:

Санитария-гигиена бошқармасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги қонун бузилишларни олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш;

юқумли, паразитар ва юқумли бўлмаган (оммавий захарланиш, касб касалликлари) касалликларнинг вужудга келиш шартлари ва тарқалиш сабабларини аниқлаш;

санитария-эпидемиология хизмати соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, иш режалари, тадбирлар, йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Санитария-гигиена бошқармаси фаолиятини ташкил этиш

10. Санитария-гигиена бошқармага санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан тайинланадиган Санитария-гигиена бошқармаси бошлиги раҳбарлик қилади. Бошқарма бошлиги ўз фаолиятида бевосита Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг ўринбосарига бўйсунди.

Санитария-гигиена бошқарманинг ходимлари санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг ўринбосари билан келишилган ҳолда санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан ишга олинади ва озод қилинади.

11. Санитария-гигиена бошқарма бошлиги:

Санитария-гигиена бошқармаси фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилади, фаолиятини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

Санитария-гигиена бошқармасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Санитария-эпидемиология хизмати санитария-эпидемиология кенгашига кўриб чиқиш учун маълумотлар тайёрлайди, шунингдек, санитария-эпидемиология кенгаши қарорларини бажарилишини таъминлайди;

Санитария-гигиена бошқарманинг иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлаш учун киритади, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

Санитария-гигиена бошқарма фаолияти соҳаларига оид қонун ҳужжатлари бўйича таклифлар киритади.

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига санитария-гигиена бошқармаси ходимларини рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Санитария-гигиена бошқарма бошлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12. Санитария-гигиена бошқарма мутахассислари:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг ижроси учун шахсан жавобгардир;

бошлиқ ва бошлиқ ўринбосари томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ижро этади.

13. Бошқарма бошлиги ва мутахассислари лавозимида олий ўқув юртларининг тиббий-профилактика факультетини тамомлаган мутахассислар тайинланади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг
Назоратларни мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт
бўлими тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги (Кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлимининг (Кейинги ўринларда – ҳудудий бошқарма ва туман бўлими) Назоратларни мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлимини (кейинги ўринларда - бўлим) мақомини, вазифаларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Бўлим ҳудудий бошқарма ва туман бўлимининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг бўлимлари билан ва бошқа вазирлик ҳамда юқори турувчи идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

6. Қуйидагилар бўлимнинг вазифалари ҳисобланади:

бўлим аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа истикболли режаларни ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда амалга оширади;

бўлим Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги

“Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5490-сонли Фармони ҳамда бошқа қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатларга асосан иш юритилишини назорат қилади;

тадбиркорлик субъектлари ва бюджет ташкилотлари томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваМ) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари мутахассислари томонидан текширишларни ўтказилиши устидан назорат олиб боради;

бўлим юридик ва жисмоний шахсларнинг санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилиш ҳолатлари бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқади;

бўлим маъмурий ишлар бўйича ҳужжатларни ижрога қаратади, шунингдек статистика ҳужжатларини юритади, тўплайди, таҳлил қилади;

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш соҳасида:

бўлим санитария-эпидемиология соҳасида тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар ва ташкилотларнинг санитария-эпидемиология назорати соҳасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва текширишларни ташкиллаштириш, тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш, хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш учун тақлифлар киритади;

ўтказилган текширишларни самарадорлиги устидан назорат ўрнатади;

текшириш ўтказиш учун асос бўлувчи ҳужжатлар тўғри тақдим этилганлигини ўрганади ва текширишларни самарадорлигини ошириш бўйича санитария-эпидемиология хизмати раҳбарига тақлифлар беради;

санитария-эпидемиология хизматининг марказий, ҳудудий бошқармалари ҳамда бўлимлари томонидан ўтказилган текширишлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тайёрлайди;

бўлим масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрланишида иштирок этади;

б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш соҳасида:

ҳуқуқбузарликларга оид тузилган маъмурий иш ҳужжатларини қабул қилади ҳамда кўриб чиқади;

маъмурий иш ҳужжатларини кўриб чиқиш натижаси бўйича маъмурий жавобгарлик қўллаш ёки маъмурий иш юритувни тугатиш, ёхуд маъмурий иш

материалларини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузган мансабдор шахсга қайтариш бўйича таклифлар тайёрлайди;

маъмурий ишларни кўриб чиқишда қатнашади ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш баённомасини юритади;

судлар ёки бошқа органларга юбориш учун маъмурий иш ҳужжатларини тайёрлайди ва ўрнатилган тартибда юборади;

ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган маъмурий чораларнинг ижросини таъминланиши бўйича қарор чиқаради;

в) маъмурий амалиёт бўйича ҳужжатларни, шунингдек статистика ҳужжатларини юритиш, тўплаш, таҳлил қилиш соҳасида:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда ваколатли давлат органлари ва судларга юборишга оид ҳужжатларни юритади;

белгиланган тартибда маъмурий иш ҳужжатларининг реестрини юритади;

д) маъмурий амалиёт соҳасида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси номидан иштирок этиш соҳасида:

бошқарма таркибий тузилмасининг маъмурий амалиётга оид ишларига услубий ёрдам кўрсатади, фаолият йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

маъмурий амалиёт соҳасида белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тўғрисида”ги, 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини Давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5490-сонли Фармони ҳамда ушбу низомда белгиланган ҳуқуқларга эга.

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг назоратларни мувофиқлаштириш бўлимлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Бош давлат санитария врачлари топишига кўра, бошқа вазирлик ва идоралар томонидан ташкил этилган республика ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда (халқаро конференциялар, семинарлар, учрашувлар ва х.к.) бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича санитария-эпидемиология хизмати номидан иштирок этиш;

зарур бўлган ахборотларни санитария-эпидемиология хизматининг бошқа тузилмалари, вазирлик ва идоралардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

кўйилган вазифаларни бажариш учун санитария-эпидемиология хизматининг раҳбарияти билан келишган ҳолда, бошқармалар ва бўлимлар ходимларини жалб этиш, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ва малакали экспертларини жалб этиш;

санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказилган санитария назорати давомида қонунчилик талабларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақда санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига маълум қилиш ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар киритиш;

9. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича услубий қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ҳайъат мажлислари учун кун тартибларига мавзулар киритиш.

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган тадбирларда иштирок этиш;

маъмурий амалиёт масалаларига оид жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

юкланган вазифаларни ўз вақтида ҳамда самарали бажаради;

маъмурий иш тўпламларини қонуний ҳужжатларда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш, тайёрлаш ва киритиш бўйича жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлимга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланадиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади ва ўз фаолияти доирасида бевосита бошлиққа бўйсунди.

бўлим ходимлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи томонидан ишга олинади ва эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.

11. Бўлим бошлиғи:

юклатилган вазифаларни бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бўлимнинг йиллик иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлаш учун киритади, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

фаолиятига оид қонун ҳужжатлари бўйича таклифлар киритади;

бўлим ходимларини рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритади.

12. Бўлим мутахассислари:

ўзига юкланган вазифаларни ижроси учун шахсан жавобгардир;

бошлиқ ва бошлиқ ўринбосарлари томонидан берилган топшиқларни ўз вақтида ижро этади;

худудий бўлимларнинг фаолияти бўйича ҳисоботлар қабул қилади, жамлайди ва таҳлилий маълумотлар тайёрлайди.

13. Бўлим бошлиғи ва мутахассислари лавозимига олий ўқув юр்தларининг тиббий профилактика (санитария-гигиена) факультетини тамомлаган ва олий юридик маълумотга эга бўлган мутахассислар тайинланади.

5-боб. Яқуний қоидалар

14. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни
ташкил этиш бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўлими (Кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий тузилмаси ҳисобланади.

3. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ва ўринбосарига бўйсунди.

4. Бўлимни фаолиятини Бўлим бошлиғи бошқаради.

5. Бўлим ўз иш фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бошқармалари, бўлимлари ҳамда Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча ташкилотлар, марказлар, илмий текшириш институтлари, вазирликлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббий-профилактика факультети мавжуд бўлган барча тиббиёт институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириш.

6. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Бўлимнинг низоми ва лавозим йўриқномаси Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланади.

8. Бўлимнинг фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ олиб борилади.

9. Бўлимдаги ишчилар ўз вазифасини лавозим йўриқномаси асосида бажарадилар.

10. Бўлим штат бирлигига мувофиқ жихозланиши, замонавий алоқа воситалари ва транспорт билан таъминланиши керак.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари

11. Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ва хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари билан алоқа ўрнатиб уларда фаолият юритадиган мутахассис кадрлар тўғрисида тўлиқ маълумотларни кадрлар бўлими билан биргаликда аниқлаш.

12. Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ва хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларидаги мутахассисларнинг маълумоти ва қачон малака оширганлиги тўғрисида электрон база яратиш.

13. Республикадаги тиббий ходимларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорлик ўрнатиш.

14. Яратилган электрон база бўйича қайси мутахассисларнинг малака ошириши тўғрисида маълумотларни аниқлаш, мутахассислар рўйхатини шакллантириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича курслар ташкил этиш.

15. Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ва хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларидаги қайта тайёрланган ва малакасини оширган мутахассисларни тегишли ҳужжатлар билан таъминлаш ва маълумотлар базасини яратиш.

16. Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ва хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларидаги малака оширган мутахассисларнинг иш фаолияти тўғрисида кадрлар бўлими билан биргаликда таҳлилий мониторинг юритиш.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

17. Бўлим барча ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ фаолият кўрсатиш ҳуқуқларига эга.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнат муҳофазасига ҳақли.

19. Белгиланган функция ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда Санитария-эпидемиология хизмати таркибидаги барча бўлимлар ҳамда лабораториялар, илмий-текшириш институтлар ва хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларидан фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш.

20. Бўлим фаолиятини яхшилаш бўйича ўз таклифлар киритиш.

4-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиш, фармон ва қарорларини, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқларида белгиланган тadbирларни ижро этади.

22. Бўлим маъмурий ва ташкилий масалалар бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи ўринбосари кўрсатмасини бажаради.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил қилиш

23. Бўлим тиббий маълумотларга эга юқори малакали мутахассислар билан таъминланади.

24. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи ўринбосарига бўйсунди.

6-боб. Якуний қоидалар

25. Бўлим қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-
эпидемиология хизматининг бошқармасини Коммунал гигиенаси
бўлинмаси тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Санитария-гигиена бошқармасининг Коммунал гигиена бўлинмаси (Кейинги ўринларда - Бўлинма) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Бўлинма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлинма ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати, ҳудудий бошқарма ва бўлмалар ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлинма Санитария-гигиена бошқармасининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва тўғридан-тўғри санитария-гигиена бошқармаси бошлиги ва унинг ўринбосарига ҳамда хизмат бошлигининг санитария масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунди.

6. Коммунал гигиена бўлинмасининг штат нормативлари Молия вазирлиги билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларнинг штат меъёрлари” асосида белгиланган.

7. Коммунал гигиена бўлинмаси санитария врачлари лавозимига Тиббиёт институтининг тиббий профилактика факультетини тамомлаган врачлар ишга қабул қилинади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

8. Назорат ва профилактик фаолиятга йўналтирилган аҳолининг санитария осойишталигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхши ҳаёт кечириши учун ташкилий-ҳукукий чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Атроф-муҳит ноҳуш омиллари таъсири натижасида аҳолининг касалланишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш, шу жумладан:

инсонни ўраб турга атроф-муҳит (очиқ сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера ҳавоси)ни соғломлаштириш, аҳолига физик омиллар (шовкин, силкиниш, электромагнит нурланиш ва ҳ.), кимёвий ва б. омилларнинг ноҳуш таъсир этишини камайтириш, маиший шароитини соғломлаштириш;

жорий ва огоҳлантирувчи Давлат санитария назоратини амалга ошириш; назорат остидаги объектларнинг санитария ҳолатини таҳлил қилиш, амалдаги санитария-гигиена, эпидемияга қарши қоида ва меъёрлар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқариш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

аҳоли саломатлиги масалалари бўйича давлат органлари ва мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш.

3-боб. Худудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимининг коммунал гигиена бўлималарини вазифалари

11. Давлат санитария назорати олиб бориладиган объектларга қуйидагилар қиради:

шаҳардан ташқари зоналарга туташиб кетган шаҳарлар, шу жумладан, шаҳар типигаги мавзелар ва ишчи массивлар;

қишлоқ ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари;

маданий-маиший дам олий жойларидаги очиқ сув ҳавзалари, очиқ сув ҳавзалари, сув олиш иншоотлари ва санитария ҳимоя зоналари, гидротехник иншоотлар, водопровод ҳамда канализация тозалаш иншоотлари;

ишчилар, талабалар ётоқхоналари, меҳмонхоналар, мотел, кемпинг, жамоат бинолари, давлат санитария назорати остидаги объектларига қирадиган объектлар;

маиший хизмат ва коммунал хўжалиги корхона ва объектлари: ҳаммом, қирхона, кимёвий тозалаш корхоналари, сартарошхона, косметика хоналари, аҳоли томонидан қийим ва оқликларини ювиш, тозалашга топшириладиган пунктлар, модалар ательеси, оёқ қийим таъмирлаш устахоналари;

дорихона, курорт, санаторий, дам олиш уйлари, пансионат, кемпинг, шаҳардан ташқарида жойлашган уюшган дам олиш базалари, катталар учун туристик ва экскурсия базалари, маданият ва истироҳат боғлари, қариялар уйи;

жисмоний-спорт объектлари, стадион, спортзал, очиқ ёпиқ бассейнлар, учиш жойлари (катки), теннис кортлари, жамоат пляжлари;

маданий-маиший объектлар: кинотеатр, театр, маданият саройи, клуб, концерт саройлари, цирк, библиотека, кўргазма мажмуалари ва бошқа;

универмаг, синтетик ва полимер, парфюмерия-косметика ва маиший кимё, маиший ва уй жиҳозлари, шахсий гигиена маҳсулотлари билан савдо қилувчи саноат моллари дўконлари, китоб дўқони, саноат моллари базалари ва бозорлар;

савдо тармоқларига ишлаб чиқарилаётган синтетик ашёлар, маиший кимё, маиший ва уй жиҳозлари ҳамда шаҳсий гигиена маҳсулотларини назорат қилиш;

автовокзаллар, йўловчилар йиғиладиган жойлар (пассажирские пристани), темир йўл вокзаллари;

алоқа корхоналари;

омборлар, аҳолидан йиғиладиган иккиламчи хом ашёни қабул қилиш пунктлари;

дафн этиш жойлари, маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш ва утилизация қилиш жойлари, саноат чиқиндилари утилизация қилинмайдиган полигонлар; чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш бўйича корхоналар;

олий ўқув юртлари;

илмий-текшириш институтлари, технологик жиҳозлари бўлмаган ва ишлаб чиқаришга эга бўлмаган объектлар.

10. Огоҳлантирувчи санитария назорати қўйидаги ҳолатларда утказилади:

объект қурилиши учун ер танлаш ва ажратишда, лойиҳалаштириш, қурилиш ва реконструкция қилишда;

янгитдан қуриб битказилган, реконструкция қилинган ва профили ўзгантирилган объектлар қурилиши якунланганда қабул қилиб олишда;

маиший кимё, полимер материаллар, маиший ва уй жиҳозлари, шахсий гигиена, санитария-техник, мебел ишлаб чиқаришда.

11. Жорий санитария назоратини моҳияти қўйидагилардан иборат:

аҳолининг яшаши учун санитария шароитлари, турмуш тарзи ва маиший хизмат ҳолатини баҳолаш учун юқорида санаб ўтилган объектларни мақсадли тематик ва режали текшириш, шунингдек, мониторинг олиб бориш;

назорат остидаги объектлар, ҳудудларни санитария ҳолатини динамик баҳолаш ва таҳлил қилиш, объектларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни бажарилиши, санитария-эпидемиология хизмати томонидан берилган таклифларни бажарилишини назорат қилиш;

меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш;

коммунал объектларда хизмат қиладиган ишчилар орасида умумий ва касб касалликларни келиб чиқишини олдини олиш ҳамда камайтириш, ишчиларни соғлигини ва меҳнат шароити санитария-гигиена ҳолатини баҳолаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш ва касб касалликларини камайтириш юзасидан талабнома ва тавсиялар бериш;

аҳолини хавфсиз ва соғлом муҳитда яшашлари учун шарорит яратиш учун давлат бошқарув органларига таклифлар тайёрлаш ва олиб кириш.

4-боб. Бўлинманинг функциялари

12. Маъмурий ҳудудидаги объектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгаши рухсати асосида Давлат санитария назорати ўтказди.

13. Амалдаги санитария қоида ва меъёрлари талаблари асосида аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган ва атроф-муҳитни ифлослантирувчи ноҳуш омиллар, яъни шовкин, силкиниш, электромагнит нурланиш ва бошқа омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш.

14. Коммунал гигиена бўлинмаси бўйича санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига янги самарали иш услублари, профилактика воситаларини, янги ташкилий услубларни ўрганади ва тадбиқ этади.

15. Ишчиларни ишга киришдан олдин ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш ва яқунлаш жараёнларида иштирок этади ҳамда назорат қилади.

16. Назорат остидаги объектларда лаборатория таҳлиллари олиб боради, саноат ишлаб чиқариш корхоналари лабораторияларига атмосфера ҳавоси ва очик сув ҳавзаларини ифлосланишини назорат қилиш бўйича услубий ёрдам кўрсатади.

17. Аҳоли ва назорат остидаги объектларда хизмат қиладиган ишчилар орасида гигиена билимини пропаганда қилишда иштирок этади.

18. Аҳоли, ишчи-хизматчиларни қабул қилади, улардан келиб тушган шикоят ва аризаларни кўриб чиқади.

19. Санитария врачлари ва врач ёрдамчиларини касб маҳорати ва малакасини даврий ошириб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқаради.

20. Коммунал гигиена масалалари бўйича аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда иштирок этади.

5-боб. Бўлинманинг ҳуқуқлари

21. Бўлинма ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”да кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга.

22. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан бўлинма мутахассислари тайёрланишга, қайта тайёрланиш ва мутахассислик бўйича ихтисослаштириш ҳуқуқига эга.

23. Бўлинма мутахассислари ИТИ, ТТА учун буюртмаларни шакллантиришда коммунал гигиенанинг долзарб масалалари, илмий-амалий ишларни амалиётга тадбиқ этиш, ҳудудий ташкилотлар мутахассислари иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

6-боб. Бўлинманинг мажбуриятлари

24. Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги тўғрисида юридик ва жисмоний шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва тегишли чораларни белгилаш.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва жойлардаги ижросини назорат қилиш.

7-боб. Яқуний қоидалар

26. Бўлинма қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

27. Низом талабларини бузган ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
бошқармаларини Меҳнат гигиенаси, токсикологияси ва заҳарли химикатлар
гигиенаси бўлинмалари тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларини (Кейинги ўринларда - Бошқарма) Меҳнат гигиенаси, токсикологияси ва заҳарли химикатлар гигиенаси бўлинмаси (Кейинги ўринларда - Бўлинма) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Бўлинма Бошқарманинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

4. Бўлинма ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология бошқармаси ва бўлимлар ҳамда бошқа ташкилот, муассаса ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлинма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

2-боб. Бўлинманинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Санитария-гигиена бошқармасининг вазифалари ҳисобланади:

аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги соҳасида ҳудудий давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваҚ) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-

эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

хизматлар кўрсатиш ва махсулотлар ишлаб чиқариш хавфсизлигига қўйиладиган соҳага оид мажбурий талаблар бўйича махсус экспертизалар ўтказиш;

касб касалликлари юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

соҳага оид статистик маълумотларни юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида, зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш;

а) аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги соҳасида ҳудудий давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш соҳасида:

касб касаллигини олдини олиш борасида ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштиради;

зарарли ва ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган ҳолимларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда касб касалликларни ва касбга боғлиқ касалликларни олдини олиш борасида даволаш-профилактика муассасаси ҳамда тегишли ташкилот, муассаса, бирлашма ва идоралар билан ҳамкорликда техник, санитария-гигиеник ва тиббий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шугулланадиган ташкилот, муассаса, бирлашма ва идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалигида захарли химикатлар ишлатилишини мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар белгилайди.

б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваМ) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш соҳасида:

саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, электростанциялар, автотранспорт корхоналари, аэропортнинг ишлаб чиқариш ва таъмирлаш объектлари, таркибида ишлаб-чиқариш корхоналари бўлган илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалиги объектларида амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши бўйича текширишлар ўтказиш;

назоратида белгиланган соҳадаги объектларни ташкил қилишда бўйича ер участкалари ажратиш бўйича лойиҳа материалларини ўрганиб чиқади ва ўрнатилган тартибда хулосалар беради;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилишда, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича тегишли гигиеник хулосалар беради;

курилиш тугатилган, шунинг реконструкция қилинган, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаган назоратдаги объектларни фойдаланишга қабул қилишда иштирок этилади;

назорат объектларида ўткир ва сурункали касб касалликларининг келиб чиқиш ҳолатлари устидан назорат қилади;

қишлоқ хўжалигида ишлатаётган захарли химикатларни сақлаш, ташиш ва ишлатилиши бўйича назорат олиб боради;

захарли химикатлар кўмилган жойлардан ўрнатилган тартибда санитария назоратини ўрнатади.

в) хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш хавфсизлигига қўйиладиган соҳага оид мажбурий талаблар бўйича махсус экспертизалар ўтказиш соҳасида;

бўлинма назорати соҳасида объектлар томонидан хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги бўйича экспертизадан ўтказди ва тегишли ҳулоса беради;

г) касб касалликлари юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш соҳасида:

назоратидаги объектлардаги ходимларнинг касб касаллиги ва бошқа касбига боғлиқ касалликларини олдини олишга қаратилган тадбирларни белгилайди;

ўрнатилган тартибда ишга киришдан олдин ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиб борилишини ўрганиб боради, натижаси бўйича текширилиш таклифлар киритади;

зарарли ва ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган ходимларни махсус озиқ-овқат ва бепул сут билан мунтазам таъминланиб борилишини назорат қилади;

ходимларни касалланиш ҳолатини мунтазам таҳлил қилиб боради ва касалланишни камайтиришга қаратилган техник, санитария-гигиеник ва тиббий чора-тадбирларни ўтказиш бўйича аниқ таклифларни киритади;

ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган зарарли омилларни ишчи-ходимларни таъсири даражасини аниқлаб, тегишли чора-тадбирлар белгилаш мақсадида лаборатория-инструментал текширишлар олиб боради;

зарарли меҳнат шароитида ишлаётган ходимларни саломатлигига ва атмосфера ҳавосига зарарли физик омиллар орқали таъсир кўрсатувчи объектларнинг рўйхатини ва ҳисобини олиб боради;

руйхатга олинган касб касалликлари бўйича мухсус текшириш ўтказди.

д) соҳага оид статистик маълумотларни юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва суровлар ўтказиш соҳасида:

зарарли ва ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган ходимлар тўғрисида маълумотни юритади, тиббий кўрик натижаларини таҳлил қилади ва ҳисоботини олиб боради;

касб касалликлари ва касбий фаолиятига боғлиқ касалликлар ҳисоботини олиб боради;

қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган захарли химикатлар бўйича ҳисобот юритади;

фаолияти бўйича статистик маълумотларни тўплайдп, умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда белгиланган муддатларда санитария-эпидемиология хизматига тақдим этади.

3-боб. Бўлинманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлинма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида санитария-эпидемиология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига санитария-эпидемиология соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф тугдирувчи ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда текширишлар ўтказиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келганда, оммавий заҳарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхат ва тарифларга мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

санитария-эпидемиология масалалари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

бўлинма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бўлинма:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги қонун бузилишларни олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш;

касб касалликларининг вужудга келиш шартлари ва тарқалиш сабабларини аниқлаш;

соҳани ривожлантириш бўйича дастурлар, иш режалари, тадбирлар, йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Бўлинма фаолиятини ташкил этиш

9. Бўлинмага санитария-эпидемиология бошқарма бошлиги томонидан тайинланадиган бўлинма бошлиги раҳбарлик қилади. Бўлинма бошлиги ўз фаолиятида бевосита Санитария-эпидемиология бошқармаси бошлигининг ўринбосарига бўйсунди.

бўлинманинг ходимлари санитария-эпидемиология бошқарма бошлигининг ўринбосари билан келишилган ҳолда санитария-эпидемиология бошқармаси бошлиги томонидан ишга олинади ва озод қилинади.

10. Бўлинма бошлиги:

бўлинма фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилади, фаолиятини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

бўлинмага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

худудий Санитария-эпидемиология кенгашига муҳокама учун маълумотлар тайёрлайди, шунингдек, санитария-эпидемиология кенгаши қарорларини бажарилишини таъминлайди;

бўлинманинг иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлаш учун киритади, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

бўлинма фаолияти соҳаларига оид қонун ҳужжатлари бўйича таклифлар киритади.

бўлинма ходимларини рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

бўлинма бошлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

11. Бўлинма мутахассислари:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг ижроси учун шахсан жавобгардир;

санитария-эпидемиология бошқармаси бошлиги ва бошлиқ ўринбосари ҳамда Бўлинма бошлиги томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ижро этади;

худудий бўлимларнинг ҳисобот ҳужжатларини қабул қилади.

12. Бўлинма бошлиги, ва санитария врачлари лавозимида олий ўқув юр்தларининг тиббий профилактика (санитария-гигиена) факультетини тамомлаган мутахассислар тайинланади.

5-боб. Бўлинманинг мажбуриятлари

13. Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги тўғрисида юридик ва жисмоний шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва тегишли чораларни белгилаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ижросини таъминлаш ва жойлардаги ижросини назорат қилиш.

6-боб. Яқуний қоидалар

15. Бўлинма қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

16. Низом талабларини бузган ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Санитария-гигиена бошқармасини
Овқатланиш гигиенаси бўлинмаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Санитария-гигиена бошқармасининг Овқатланиш гигиенаси бўлинмаси (Кейинги ўринларда - Бўлинма) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Бўлинманинг штат бирликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган штат меъёрлари асосида белгиланади.

4. Бўлинма Санитария-гигиена бошқармаси бошлиғига бўйсунди.

5. Бўлинма фаолиятига бўлинма мудирини раҳбарлик қилади.

6. Бўлинма ўз фаолиятини хизматнинг бошқа бўлинмалари, Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Тошкент тиббиёт академиясининг болалар, ўсмирлар гигиенаси ва овқатланиш гигиенаси кафедраси, Тиббиёт ходимларининг касбий малакаларини ривожлантириш маркази ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб боради.

7. Бўлинма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”, “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонунлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

8. Бўлинма ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

9. Бўлинма фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг (чораклик, йиллик, қўп йиллик ва бошқа) иш режалари асосида олиб боради.

2-боб. Бўлинманинг вазифалари

10. Аҳолига хавфсиз ва сифати кафолатланган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасидаги талабларга амал қилинишини назорат қилиш.

11. Республика ҳудудидаги умумий овқатланиш, савдо ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида Давлат санитария назоратини ташкил этишда ҳудудий бошқармаларнинг овқатланиш гигиенаси бўлинмаларига амалий ва ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, фаолиятини бошқариш ҳамда мувофиқлаштириш.

12. Озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат қўшимчаларини четдан кириб келиши, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишга тааллуқли меъёрий ҳужжатларни (СанҚваМ, ЎзДСТ, ГОСТ, ташкилот стандартлари, технологик инструкция) экспертизадан ўтказиш ва мувофиқлаштириш.

13. Аҳоли орасида овқатдан заҳарланиш ва алиментар касалликлар келиб чиқишини олдини олиш ҳамда маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рационал овқатланиш тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш.

3-боб. Бўлинманинг функциялари

14. Овқатланиш гигиенаси йўналиши бўйича ҳудудий бошқармалари овқатланиш гигиенаси бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш.

15. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-гигиена ва эпидемияга қарши талабларга риоя қилиниши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш.

16. Озиқ-овқат корхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш, режалаштириш, жойлаштириш, фойдаланишга топширишда амалдаги санитария қоида ва меъёрлар ҳамда қурилиш талабларига риоя этилиши, уларнинг атроф-муҳитга зарарли омиллари таъсирини олдини олиш.

17. Озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат қўшимчалари, биологик фаол қўшимчаларга оид вазирлик, идора, муассаса ва корхоналар томонидан тайёрланаётган илмий-технологик ва меъёрий ҳужжатларга ҳулоса бериш.

18. Техник регламентлар ишлаб-чиқилишида идоралараро фаолиятда иштирок этиш.

19. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган жиҳозлар, технологик йўриқномалар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни муҳокама этадиган идоралараро комиссия фаолиятида иштирок этиш.

20. Озиқ-овқат маҳсулотларини санитария-кимёвий ва бактериологик текширишларнинг янги усулларини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш.

21. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш ва савдо корхоналари устидан санитария-гигиена назоратини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш.

22. Озиқ-овқат маҳсулотларни хавфсизлиги, аҳолининг рационал овқатланиш тамойиллари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинар-анжуманлар, давра суҳбатларида иштирок этиш ва оммавий-ахборот воситалари орқали чиқишларни ташкил этиш.

23. Аҳоли орасида қайд этилган овқатдан заҳарланиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳудудлардан маълумотларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига ахборотлар бериш, шунингдек, овқатдан заҳарланиш сабабларини аниқлаш ҳамда профилактик тадбирларни мақсадга йўналтирилган тартибда ташкил этилишида ҳудудий бошқармалари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

24. Йодланган ош тузи, 1-навли бугдой уни, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилаётган лаборатория мониторинглари таҳлил қилиш ва ҳисоботларни юритиш.

25. Ҳудудий бошқармаларнинг овқатланиш гигиенаси бўлинмалари мутахассисларини малакаларини ошириш, касбий маҳорати-тажрибасини ошириш мақсадида, иш жойида қайта тайёрлаш, ўқув семинарлари, конференциялар ва бошқа ўқув машғулотларини ташкил этиш ва қатнашиш.

26. Бўлинма фаолияти бўйича йиллик ҳисоботларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва мавжуд камчиликларни келгусида бартараф этиш юзасидан ахборот хатлари тайёрлаш.

27. Жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ижроси бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш.

28. Хўжалик ҳисобидаги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартномавий вазифаларни бажаришда қатнашиш.

29. Овқатланиш гигиенаси масалаларига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда қатнашиш.

30. Бўлинмалар мутахассисларига олиб борилаётган огоҳлантирувчи санитария назорати бўйича услубий ёрдам бериш.

31. Озиқ-овқат корхоналаридаги долзарб муаммолар ҳамда бўлинма фаолиятига тааллуқли масалалар тўғрисида Ҳайъат, Санитария-эпидемиология кенгаши, селектор йиғилишлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ҳузурида муҳокама учун маълумот тайёрлаш.

32. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда қонунчиликга мувофиқ тегишли тадбирларни ижроси устидан ваколати дорирасида Давлат санитария назоратида қатнашиш.

33. Интернет тармоғи ва компьютер технологияларининг замонавий усулларида фойдаланиш ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

4-боб. Бўлинманинг ҳуқуқлари

34. Бўлинманинг ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуни ҳамда Меҳнат кодексида белгиланган барча ҳуқуқларга эга.

35. Бўлинманинг фаолиятини яхшилаш мақсадида, тақлифлар киритиш ҳуқуқига эга.

36. Бошқа бўлинмаларидан ва бошқармалардан иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

37. Аҳолини соғлом овқатланиши, овқатдан заҳарланишлар ва ўткир юқумли меъда-ичак касалликларни профилактикаси бўйича тушунчасини яхшилаш мақсадида тарғибот материалларни (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

38. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларини Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги” 12-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги 1999 йил 12 апрел “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иш юритиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 234-сонли ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 30 январ “Ташкилий-бошқарув ҳужжатларини тузиш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сонли буйруқларига мувофиқ бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Бўлинманинг мажбуриятлари

39. Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги тўғрисида юридик ва жисмоний шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва тегишли чораларни белгилаш.

40. Юклатилган вазифа ва функцияларни сифатли ва самарали бажариш.

41. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш.

42. Бошлиқ ва ўринбосарларининг топшириқларини белгиланган муддатда ва сифатли ижро этиш, бу жараёнда бошқа бўлинмалар билан ҳамкорликни таъминлаш.

43. Бошқа бўлинмаларга фаолиятида зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш.

5-боб. Якуний қоидалар

44. Бўлинма қонунда белгиланган ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади.

45. Низом талабларини бузган ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг Лаборатория хизмати
ривожлантириш бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1.Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2.Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) Лаборатория хизмати ривожлантириш бўлимининг (Кейинги ўринларда - Бўлим) вазифалари, макоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3.Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4.Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига бўйсунди.

5.Бўлимни молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

6.Бўлимнинг штатлар бирликлари Сogлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган штат меъёрларига асосан белгиланади.

7.Бўлим ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизматининг лаборатория ва таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда соҳага тегишли идоравий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

8.Бўлим ходимлари ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланган лавозим йўриқномалари асосида амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функцияси

9.Бўлимнинг асосий вазифаси аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган тадбирларни ҳамда лабораторияларни жаҳон талабларига мос равишда, дунё тажрибаларини ўрганган ҳолда ривожлантиришга қаратилган ишларни амалга ошириш.

10.Республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар республикада озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш технологиялари юзасидан аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи омиллар бўйича лаборатория таҳлиллар ўтказишнинг замон талабларига мос келадиган усулларни тадбиқ этиш.

11.Атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини (санитария-гигиеник, бактериологик, вирусологик, паразитологик, радиологик, токсикологик, ЎХЮК) текширув таҳлилларини олиб борилиши устидан назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

12.Республикадаги барча ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қошидаги лаборатория мажмуаларини ички аудит ва аттестациядан ўтказиш, аккредитацияга тайёрлаш борасида ҳамда сифат менеджменти, метрология ва стандартизация йўналишларда амалий ёрдам кўрсатиш.

13.Чет элдан келтирилаётган ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва ишлаб чиқариш технологиялари, шунингдек, асбоб-ускуналарга санитария-эпидемиологик ҳулосалар бериш билан шугулланувчи ҳудудий бошқармалар лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун тақлифлар киритиш.

14.Ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматидаги лаборатория мажмуасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳозирги замон талаблари асосида билим ва кўникмаларини ошириш, ривожланган давлатлар мутахассисларини жалб этган ҳолда онлайн ҳамда мажмуавий ўқув-семинарлар ташкил этиш ва ўтказилишини назорат қилиш.

15.Ҳудудий бошқармалар ҳамда бошқа таркибий муассасаларнинг лаборатория фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, уйғунлаштириш, шунингдек раҳбарлик ва назорат қилиш.

16.Озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш полимер ва материаллари, атир-упа маҳсулотлари, атроф-муҳит омиллари ва бошқаларда қўлланмалар, усуллар, таҳлиллар, синовларни такомиллаштириш бўйича меъёрий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этиш.

17.Амалдаги барча меъёрий ҳужжатларни (услубий йўриқнома, қўлланма ва бошқалар, стандартлаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар, техник нормативларни) актуализациядан ўтказиш ҳамда илгор хорижий тажрибалар инобатга олган ҳолда, самарасиз эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини

эгаллаб олган нормаларни бартараф этадиган тегишли норматив хужжатларни ишлаб чиқиш.

18.Сифат менежменти тизимини яратиш: лаборатория сохаси менежмент тизимини ўрнатиш, жорий этиш ва қўллаб қувватлаш.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

19.Барча ходимлар Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015-йилдаги “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексида кўрсатилган ҳуқуқларга эга

20.Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

21.Бўлим ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари асосида тайёрлов, қайта тайёрлов ҳамда бирламчи мутахассисликлари бўйича ўқиш ҳуқуқига эга.

22.Санитария-гигиена лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга.

23.Қонунда белгиланган тартибда ташки иктисодий фаолият кўрсатиш ҳамда валюта ва бошқа хос рақамларига эга бўлиш, яъни қонунчиликка зид бўлмаган ташкилий ҳуқуқий шаклда фаолият кўрсатишни ташкил этиш.

24.Бўлимга таалукли муаммоларни ечимини топиш мақсадида илмий ходимлар ва бошқа етакчи мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб этиш тўғрисида таклифлар киритиш.

25.Худудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларидан, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа муассаса ва ташкилотлардан лаборатория хизматига доир маълумотлар ва хужжатларни сўраб олиш.

26.Ўз ваколати доирасида халқаро ва маҳаллий ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан мақсадли ҳамкорликни амалга ошириш.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

27.Лаборатория хизматларини ривожлантириш бўлими фаолиятини хизмат бошлиги тайинлайдиган бўлим бошлиги бошқаради.

28.Лаборатория хизматларини ривожлантириш бўлими бошлиги муассасага юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

29.Бўлим раҳбари муассасанинг ташкилий, бошқарув, материал-техник базаси таъминоти асосларини белгилайди ҳамда маъмурий эга сифатида назорат қилади.

30.Бўлим раҳбари, бўлим ва лаборатория мудирлари ҳамда мутахассисларини қонуний муҳофаза қилади, лавозим вазифаларининг бажарилишини хизмат раҳбари томонидан тасдиқланган йиллик иш режаси асосида ташкил этади.

5-боб. Бўлим ҳисобдорлиги

31. Бўлим раҳбари тизимли равишда Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг биринчи ўринбосарига ҳисобот беради.

32. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича алоҳида ўрнатилган курсатган ходимлар рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчилликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

33. Бўлимни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизматининг Ахборот-коммуникация технологияларини
ривожлантириш бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (Кейинги ўринларда – АКТ бўлими) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (Кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. АКТ бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. АКТ бўлими Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига бўйсунди ҳамда унинг барча таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда ишлайди.

4. АКТ бўлими бошлиги ва ходимлари Санитария-эпидемиология хизмати бошлигининг ўринбосари билан келишган ҳолда, Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан лавозимдан озод қилинади ва лавозимга тайинланади.

5. Бўлим ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимлик органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб боради.

2-боб. АКТ бўлими вазифалари ва функциялари

6. АКТ бўлими куйидаги вазифаларни амалга оширади:

Санитария-эпидемиология хизматида ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатини ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш, автоматлаштириш бўйича дастурлар мажмуини амалга ошириш;

ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот-технологиялари бўйича ўзаро муносабатларини таъминлаш, маълумотлар базаларини яратишни таъминловчи инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш;

Санитария-эпидемиология хизматининг барча бош бошқарма, бошқармалар ва бўлинмаларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш жараёнларини меъёрий-ҳукукий, технологик ва ахборот-таҳлил маълумотлар билан таъминлаш;

Санитария-эпидемиология хизмати ва бошқармаларининг халқаро ва маҳаллий ахборот тармоқларига уланишига кўмаклашиш;

компьютер, тармоқ ва телекоммуникация қурилмалари ҳамда замонавий дастурий таъминотлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-саҳифасини такомиллаштириш ва доимий фаол ишлашини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

идоравий ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини химоя қилиш бўйича техник инфратузилмасини жорий этиш ва ривожлантириш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмалари билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро муносабатларни амалга ошириш.

7. Бўлимнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

Санитария-эпидемиология хизматининг барча ташкилий тузилмаларида замонавий ахборот технологияларидан, дастурий маҳсулотлардан ва маълумотларни қайта ишловчи воситаларидан, алоқа ва маълумотлар узатиш воситаларидан фойдаланиш, уларни ривожлантириш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг харажатлар сметаларида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича тизимларини жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ходимларни малакасини ошириш бўйича алоҳида бандлар кўрсатиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг ахборот-коммуникация технологияларини дастурий воситалари, маълумотлар алмашиш ва сақлаш воситаларини яратиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илгор тажрибаларни ўрганиш ва уларни Санитария-эпидемиология хизмати ва унга тегишли ташкилотлар тажрибасида синаб кўриш;

АКТ бўлими фаолиятининг шу кунги ва келажак дастурларини яратиш, бўлимнинг иқтисодий ва социал ривожланиш дастурлари ижросини назорат қилиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг веб-сайт ва бошқа ижтимоий тармоқ ресурсларини ривожлантириш;

Санитария-эпидемиология хизматининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кадрларнинг малакасини оширишнинг ва тайёрлашнинг самарали тизимларини яратиш.

3-боб. АКТ бўлими ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Бўлимнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

АКТ бўлими ўзига берилган ваколатлар доирасида Санитария-эпидемиология хизмати тизимида қиравчи барча ташкилот ва муассасалари АКТ бўлимларидан зарурий маълумот ва бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларни сўраб олиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг барча мажлис, йиғилиш ва бошқа тадбирларида қатнашш;

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарияти билан келишилган ҳолда, АКТ бўлимининг олдига қўйилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли амалга ошишини таъминлаш мақсадида Санитария-эпидемиология хизмати тизимидаги ташкилот ва корхоналар ходимларини ҳамда бошқа корхоналарнинг юқори малакали эксперт ходимларини шартнома асосида ишга жалб қилиш;

белгиланган вазифалари доирасида Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг иш услубларини ўрганиш;

заруратга кўра, Санитария-эпидемиология хизматининг бошқармалари, бўлимлари, тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мутахассисларини Санитария-эпидемиология хизмати марказий апаратига жалб қилиш;

АКТни ривожлантириш бўйича шартномалар тузиш, аппарат ва дастурий воситалари олди-сотди амаллари ва бошқа келишувларни амалга оширишда иштирок этиш;

АКТ ва замонавий ахборот технологиялари ярмаркаларида ва кўргазмаларида иштирок этиш;

9. Бўлим қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Санитария-эпидемиология хизматининг иш тартибига риоя қилиш;

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарияти томонидан берилган топшириқлар ва келган ҳужжатларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш;

АКТ бўлими ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларини бажарилишига жавобгардир.

4-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этилиши ва ваколатлари

10. АКТ бўлимга Санитария-эпидемиология хизматининг раҳбари буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

11. АКТ бўлими бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Бўлим мудирини тизимли равишда бўлим фаолияти бўйича Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига ҳисобот беради.

13. Зарур ҳолларда олиб борилган фаолият натижалари юзасидан Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига ахборот тақдим этади.

14. АКТ бўлими ўз фаолиятини Санитария-эпидемиология хизмати раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган йиллик дастурга асосан олиб боради.

15. АКТ бўлимда мунтазам равишда йиғилиш, ўқув семинарлари ўтказилиши ва берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилишини назорат қилиш. Ушбу йиғилишларга ва ўқув семинарларига Санитария-эпидемиология хизмати таркибдаги бошқарма ва тизимдаги АКТ бўлим бошлиқлари таклиф этилиши ва ваколати доирасида АКТ бўлим томонидан тегишли топшириқлар берилиши мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

16. Бўлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг ўчоқли дезинфекция бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) структурасига кўра ўчоқли дезинфекция бўлими бўлими макомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Ўчоқли дезинфекция бўлими юқумли касалликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан кириб келишини, шунингдек республиканинг турли ҳудудларида тарқалишини олдини олиш бўйича эпидемияга қарши чора-тадбирларни Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларининг (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқарма) ўчоқли дезинфекция бўлимлари томонидан ўтказилишини мувофиқлаштирувчи бўлим ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим Санитария-эпидемиология хизмати бошлигига, Хизмат бошлигининг биринчи ўринбосари ва бошқарма бошлигига бўйсунди.

5. Бўлим марказий аппаратнинг таркибий бўлимлари, Республика дезинфекция станциялари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Бўлим ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

7. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олидини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларини бартараф этиш учун мажмуавий санитария-гигиена, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда катнашиш;

республикадаги барча шифохона ичи инфекцияларини профилактикаси бўйича белгиланган тадбирларни бажарилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат қилиш;

худудий бошқармаларнинг ўчоқли дезинфекция бўлимлари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

дезинфекция, дезинсекция ва дератизация бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва чора-тадбирлар ўтказиш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

8. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Республика чегараларида жойлашган санитария назорат пунктларида зарарлантириш (дезинфекция, дезинсекция ва дератизация) тадбирларини ташкил этишда кўмаклашиш;

худудий бошқарма бўлимларига қуйидаги амалий-услубий ёрдамлар кўрсатиш:

- бошқарма ва бўлимларнинг моддий-техник базасини (дезкамера, асбоб-ускуна, зарарсизлантириш воситалари) мустаҳкамлаш;
- дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўтказишда янги восита ва усуллари тадбиқ этиш;
- соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш;
- тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида соҳа мутахассисларни малакасини ошириш.

дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация соҳасидаги халқаро тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш; амалиётга тадбиқ этиш режаларини ишлаб чиқиш;

дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация мавзулари бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказиш;

Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппаратининг тегишли бошқарма ва бўлимлари билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (буйруқ,

СанҚваМ, услубий қўлланма, йўриқнома ва бошқалар) ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

аҳоли ўртасида юқумли ва паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш бўйича хонадонларда (касаллик ўчоқларида) жорий ва профилактик дезинфекция ишларини ўтказиш бўйича санитария-гигиеник билим кўникмаларга ўқитиш ва тарбиялаш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш;

фаолиятида замонавий компьютер технологиялари ва интернет тизимидан самарали фойдаланиш.

9. Бўлим қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

10. Бўлим куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган;

бўлим фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимларидан ва ҳудудий бошқарма иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

аҳолини юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тушунчасини яхшилаш мақсадида тарғибот материалларни (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма варақаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

11. юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олидини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш

Ўчоқли дезинфекция бўлими юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши, шунингдек республика ҳудудида тарқалишини олидини олиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

12. Ўчоқли дезинфекция бўлимининг мажбуриятлари:

давлат ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли ўртасида юқумли ва паразитар касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олинишини таъминланиши устидан ўрнатилган тартибда назорат олиб бориш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳоли ўртасида юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

юқумли ва иразитар касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олишни таъминлаш борасида курилатган чоралар ҳақида Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини хабардор қилиш.

6-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

13. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати бошлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бўлим бошлиги врач-эпидемиолог бошчилик қилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Бўлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг дезинфекция бўлимлари
тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда - ҳудудий бошқарма) структурасига кўра ўчоқли дезинфекция бўлими мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ва бошқармаларнинг туман (шаҳар) бўлимлари орқали амалга оширади.

4. Бўлим ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

5. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олидини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинфекция, дератизация тадбирларини ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

юқумли ва иаразитар касалликлар ўчоқларини бартараф этиш учун мажмуавий санитария-гигиена, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш;

туман (шаҳар) бўлимларининг ўчоқли дезинфекция бўлимлари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

дезинфекция, дезинсекция ва дератизация бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва чора-тадбирлар ўтказиш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Республика чегараларида жойлашган санитария назорат пунктларида зарарлантириш (дезинфекция, дезинсекция ва дератизация) тадбирларини ташкил этишда қўмаклашиш;

худудий бошқарма бўлимларига қуйидаги амалий-услубий ёрдамлар кўрсатиш:

- бўлимларнинг моддий-техник базасини (дезкамера, асбоб-ускуна, зарарсизлантириш воситалари) мустаҳкамлаш;

- дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўтказишда янги восита ва усуллари тадбиқ этиш;

- соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш;

- тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида соҳа мутахассисларни малакасини ошириш.

дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация мавзулари бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказиш;

аҳоли ўртасида юқумли ва паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш бўйича хонадонларда (касаллик ўчоқларида) жорий ва профилактик дезинфекция ишларини ўтказиш бўйича санитария-гигиеник билим кўникмаларга ўқитиш ва тарбиялаш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш;

фаолиятида замонавий компьютер технологиялари ва интернет тизимидан самарали фойдаланиш.

7. Бўлим қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

8. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган;

бўлим фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг бошка бўлимларидан ва ҳудудий бошқарма иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

аҳолини юкумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тушунчасини яхшилаш мақсадида тарғибот материаллари (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма varaқаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

юкумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олиндини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

9. Бўлим юкумли ва паразитар касалликлар юзага келиши, шунингдек республика ҳудудида тарқалишини олиндини олиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошка ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

10. Бўлимнинг мажбуриятлари:

давлат ҳамда бошка органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли ўртасида юкумли ва паразитар касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олинишини таъминланиши устидан ўрнатилган тартибда назорат олиб бориш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳоли ўртасида юкумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

юкумли ва паразитар касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида юкумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олишни таъминлаш борасида кўриладиган чоралар ҳақида Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини хабардор қилиш.

6-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

11. Бўлимга Санитария-эпидемиология хизмати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бўлим бошлиги врач-эпидемиолог бошчилик қилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

12. Бўлимни тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларининг
дезинфекция бўлимлари тўғрисида намунавий
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4790-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг туман (шаҳар) бўлимлари структурасига кўра ўчоқли дезинфекция бўлими макомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Фармойишлари, бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйруқ ва кўрсатмаларига шунингдек мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бўлим фаолияти Санитария –эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиғи томонидан тасдиқланган чораклик, йиллик иш режасига асосан ташкил этилади.

5. Бўлим ходимлари ўз фаолиятини лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари

6. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олидини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция,

дератизация тадбирларини ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларини бартараф этиш учун мажмуавий санитария-гигиена, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш;

туман (шаҳар) бўлимларининг ўчоқли дезинфекция бўлимлари мутахассисларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

дезинфекция, дезинсекция ва дератизация бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва чора-тадбирлар ўтказиш.

3-боб. Бўлимнинг функциялари

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Республика чегараларида жойлашган санитария назорат пунктларида зарарлантириш (дезинфекция, дезинсекция ва дератизация) тадбирларини ташкил этишда кўмаклашиш;

худудий бошқарма бўлимларига қуйидаги амалий-услубий ёрдамлар кўрсатиш:

- бўлимларнинг моддий-техник базасини (дезкамера, асбоб-ускуна, зарарсизлантириш воситалари) мустаҳкамлаш;
- дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўтказишда янги восита ва усулларини тадбиқ этиш;
- соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш;
- тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида соҳа мутахассисларни малакасини ошириш.

дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация мавзулари бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказиш;

аҳоли ўртасида юқумли ва паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш бўйича хонадонларда (касаллик ўчоқларида) жорий ва профилактик дезинфекция ишларини ўтказиш бўйича санитария-гигиеник билим кўникмаларга ўқитиш ва тарбиялаш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш;

фаолиятида замонавий компьютер технологиялари ва интернет тизимидан самарали фойдаланиш.

8. Бўлим қонунчиликка зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

9. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган;

бўлим фаолиятини яхшилаш мақсадида, таклифлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг бошқа бўлимларидан ва ҳудудий бошқарма иш фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

аҳолини юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича тушунчасини яхшилаш мақсадида тарғибот материаллари (мақола, телевидения ва радиога матн, эслатма varaқаси, буклет, плакат ва ҳ.к.) тайёрлашда иштирок этиш;

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олидини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

10. Бўлим юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши, шунингдек республика ҳудудида тарқалишини олидини олиш бўйича қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5-боб. Бўлимнинг мажбуриятлари

11. Бўлимнинг мажбуриятлари:

давлат ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли ўртасида юқумли ва паразитар касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олинишини таъминланиши устидан ўрнатилган тартибда назорат олиб бориш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳоли ўртасида юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

юқумли ва паразитар касалликлар бўйича эпидемиологик вазият ва аҳоли ўртасида юқумли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишни олдини олишни таъминлаш борасида кўриладиган чоралар ҳақида Санитария-эпидемиология хизмати бошлигини хабардор қилиш.

6-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлимга туман (шаҳар) бўлими бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бўлим бошлиғи врач-эпидемиолог бошчилик қилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

13. Бўлимни тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизматининг Кадрлар бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг марказий аппаратининг кадрлар бўлими (кейинги ўринларда - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати низоми, хайъатининг қарорлари, буйруқлари, фармойишлари ва йўриқномалари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг марказий ва ҳудудий таркибий бўлинмалари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кадрлар таъминоти қорхона ходимларини тайёрлаш қайта тайёрлаш ва уларнинг касбий даражасини ошириш соҳасида ягона сиёсат ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

қорхона тузилиши ва штатини мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашиши;

ходимлар билан ишлашда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига риоя этилишини таъминлаш;

ходимларининг иш қобилиятларини ошириш мақсадида нормал шарт-шароит яратиш ва жамоада соғлом маънавий муҳитни саклаб туриш;

кадрлар ишига оид янги усуллар ва илғор технологияларни жорий этиш, кадрларга доир ҳужжатлари стандартлаш ва ягона тизимга келтириш ахборот технологик воситаларни қўллаш асосида ходимларни бошқариш жараёнини такомиллаштириш.

5. Кадрлар бўлими Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати кадрлар сиёсатини шакллантириш ва амалга оширилишини, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати кадрлар бўлимида хатлар ва хужжатлар билан ишлаш меҳнат ҳуқуқий муносабатларини расмийлаштириш, ходимларнинг шахсий хужжатлар йигма жилдлари ва меҳнат дафтарчаларини Т-2 шаклдаги шахсий варақаларини юритиш тартибини ва кадрлар бўлими фаолиятига оид турли ҳисоботларини юритилишини таъминлайди.

6. Бўлим зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

амалгадаги қонун хужжатларига мувофиқ корхона ходимлари танланиши ва жой жойига қўйилишини таъминлаш;

корхона бўлинмаларидаги кадрлар билан боғлиқ вазият динамикасини мунтазам таҳлил қилиб бориш ундаги ўзгаришларни прогнозлаш;

ходимларнинг амалий ва касбий сифатларини ўрганиш, уларнинг касбий ва лавозим погоналарида ўсишини режалаштириш;

бошқарувнинг барча даражалари учун таъсирчан кадрлар резервини ва уни аниқ мақсадли тайёрлаб бориш;

кадрлар резерви раҳбарлик лавозимларига ўтишга тайёрлигини даврий равишда баҳолаш;

ходимларнинг аттестациядан ўтказилишини ташкил этиш, аттестация яқунларини таҳлили қилиш, тегишли хужжатлар ҳамда буйруқларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

корхона учун кадрлар тайёрлаш мақсадида бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ишга янги қабул қилинган ходимлар умумий ва касбий қўниқиши борасидаги ишларни олиб бориш, кадрлар қўнимсизлиги сабабларини ўрганиш кадрларни барқарорлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

моддий маънавий рағбатлантиришнинг амалдаги чора-тадбирлари самарадорлигини таҳлил қилиш, улар ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишга таъсирини кучайтириш юзасидан таклифлар ҳамда тавсиялар киритиш, рағбатлантиришнинг янги турларини ишлаб чиқиш;

замонавий ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланган ҳолда кадрларни бошқариш усуллари юритишни жорий этиш;

кадрлар шахсий таркибининг контингентига оид статистик ҳисобини юритиш ҳамда белгиланган ҳисоботларни тайёрлаш;

ходимларнинг меҳнат дафтарчалари шахсий хужжатлар йигма жилдлари картотека ва қатий ҳисобда турувчи бошқа хужжатларни юритиш ҳамда сақлаш;

кадрларга оид ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда корхонанинг таркибий бўлинмалари раҳбарларга маслаҳатлар ва услубий ёрдам бериш;

корхона бўлинмаларида кадрларни таъминлаш жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ;

меҳнат таътилидан ўз вақтида фойданалишини назорат қилиш, белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш;

амалий ишда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни Давлат мукофотлари,фахрий ёрликлар мукофотлар билан тақдирлаш ҳамда улар учун рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллаш юзасидан ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлаш.

корхона ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга меҳнат учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда олишни ташкил этиш ва улар саломатлигини ҳимоялашга доир чора тадбирларини амалга ошириш юзасидан тақлифлар киритиш;

белгиланган тартибда меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини расмийлаштириш, корхона ходимларига пенсия тайёрланиши муносабати билан ҳужжатларни тайёрлаш;

корхона бўлинмаларида меҳнат интизомига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш, корхона ходимларининг интизомий жавобгарлиги масалалари бўйича қўриб чиқиш учун тақлифлар тайёрлаш;

ўрнатилган тартибда корхона ходимларига хизмат гувоҳномаларини берилишини ташкил этиш;

ходимларни ҳозирги меҳнат фаолияти тўғрисида маълумотлар бериш;

бўлим ваколатига қирувчи масалалар юзасидан корхона ходимларига ва ишга қараётган шахсларга тегишли маслаҳатлар бериш ва ваколати доирасида фуқароларнинг хатлар ва мурожаатларини қўриб чиқиш.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Кадрлар бўлими ходимлари бўлим зиммасига юклатилган вазифалари ва функцияларни амалга ошириш давомида қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади;

кадрлар билан ишлаш бўйича режалар ва дастурларни ишлаб чиқиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда корхонанинг таркибий бўлинмаларидан сўраш ва олиш;

корхона бўлинмалари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда кадрлар билан таъминлаш масалалари билан боғлиқ меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларга қандай риоя этилаётганлиги назорат қилиш ва текшириш;

қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш, амалдаги меҳнат қонунчилигини талаблари бажарилишини таъминламаган ёки улар бузилишига йўл қўйган раҳбарлар ва бошқа ходимларни жавобгарликка тортиш юзасидан корхона раҳбариятига тақлифлар бериш;

кадрлар билан ишлаш ҳамда корхона тузилиши ва штатини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан белгиланган тартибда раҳбариятга тақлифлар киритиш;

корхона раҳбарияти ўтказиладиган йиғилишлар ва кенгашлар ишида катнашиши;

бўлим иши билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш учун корхонанинг бошқа таркибий бўлинмалари ходимларини жалб этиш (таркибий бўлинмаларни раҳбарлари билан келишилган ҳолда).

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

8. Бўлим фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тўғрисида”ги Низом асосида ташкил этилади;

бўлим ходимларининг лавозим вазифалари Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигининг ўринбосари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги томонидан тасдиқланади.

9. Бўлимга Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлқ раҳбарлик қилади;

бўлим бошлиги бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради; Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги билан биргаликда бўлим ишларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

5-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

10. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни таксимлаш; ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигига таклифлар киритиш;

бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигига таклифлар киритиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

11. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизмати Миллий референс лабораториясининг генетика
лабораторияси тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6035-сонли Фармони, 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат махсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати структурасига кўра Миллий референс лабораториясининг генетика лабораторияси мақомини, вазифаларини, функцияларини, ваколатларини ва унинг фаолиятининг ташкилий ва асосларини белгилаб беради.

2. Генетика лабораторияси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Миллий референс лабораториянинг таркибий қисми ҳисобланиб, республика ҳудудидаги касаллик кўзгатувчи микроорганизмларни (бактерия, вирус ва б) генетик структурасини ўрганиб қайси оилага, турга, туркумга мансублигини ва юкумли касалликларга қарши ҳосил бўлувчи иммун тизимни ўрганади. Шу билан биргаликда четдан кириб келувчи, чиқиб кетувчи ва маҳаллий етиштирилган махсулотларда Генетик модификацияланган организмларни (ГМО) лаборатория ташхисоти борасида текширувлар ўтказиши ва назорат олиб боради.

3. Генетика лабораторияси ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва Санитария-эпидемиология хизматининг норматив-ҳуқуқий

хужжатларига, ҳамда бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларга, шунингдек мазкур низомга амал қилади.

4. Генетика лаборатория Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги, бошлиқнинг биринчи ўринбосарига ва миллий референс лаборатория бошлигига бўйсунди.

5. Генетика лаборатория Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказий аппаратининг бошқа бўлимлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология микробиология юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Вирусология илмий-текшириш институти, Геномика ва биоинформатика маркази ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Генетика лаборатория мудир Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

7. Генетика лаборатория мутахассислари ўз иш фаолиятини белгиланган тартиб бўйича тасдиқланган лавозим йўриқномалари асосида олиб боради.

8. Генетика лаборатория штат меъёрлари қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади.

2-боб. Генетика лабораториясининг асосий вазифалари ва функциялари

9. Генетика лабораторияси вазифалари қуйидагилар:

Сохага янги ва замонавий генетик текширувларини тадбиқ қилиш.

Микроорганизмларни (бактерия, вирус ва б.) генетик тузилишини ўрганиш борасида моддий-техник базани такомиллаштириш.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник лаборатория билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

Иммунология ва инсон геномикаси институти билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

Геномика ва биоинформатика маркази билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

Четдан кириб келувчи, чиқиб кетувчи ҳамда маҳаллий етиштирилган маҳсулотларда Генетик модификацияланган организм ларни (ГМО) лаборатория ташхисоти борасида моддий-техник базани такомиллаштириш.

Манфаатдор корхона ва ташкилотлар билан биргаликда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармаларининг лабораториялари фаолиятининг самарадорлигини оширишда иштирок этиш.

10. Генетика лабораториясининг функциялари:

Давлат санитария назорати таркибида жисмоний ва юридик шахслар томонидан санитария меъёрлари ва қоидалари, санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши талабларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган касаллик кўзгатувчи микроорганизмларни (бактерия, вирус ва б.) генетик структурасини ўрганиш ҳамда тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этиш.

Аҳоли орасида инфекцияларга қарши иммунитет танқислиги, антителолар ҳосил бўлишини ўрганиш мақсадида лаборатор текширувларини ўтказишда иштирок этиш.

Генетик модификацияланган организмларни (ГМО) лаборатор таҳлилларини олиб бориш.

Референс текширувларни ўтказиш. Текширувлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Янги замонавий генетик текширувлар ўрганиш ва билим савиясини ошириш мақсадида, ўқув-семинарлар, конференция ва йигилишларда қатнашиш.

Мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг генетика лабораториясида ўтказиладиган лаборатория текширувлар борасида хизматлар кўрсатиш.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг генетика лаборатория мажмуасини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш.

3-боб. Генетика лабораториясининг ҳуқуқлари

11. Лаборатория ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида кўрсатилган ҳақ ҳуқуқларга эга.

12. Лаборатория ходимлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

13. Лаборатория ходимлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати буйруқлари асосида тайёрлов, қайта тайёрлов ҳамда ихтисослик курсларида ўқиш ҳуқуқига эга.

14. Лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга.

15. Генетика лабораториясининг иш фаолиятини янада такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилган ҳақ ҳуқуқларга эга.

4-боб. Генетика лабораторияси мажбуриятлари

17. 3-4-гурух патоген касаллик чакирувчилари билан ишлаш, хавфсизлик техникаси ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш.

18. Хавфсизлик техникаси бўйича инструктаждан мунтазам равишда ўтиш.

19. Лавозим йўриқномаси талабларини сифатли ва самарали бажариш.

20. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича жисмоний ва юридик шахслар томонидан тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва мувофиқ чораларни кўриш.

21. Санитария-эпидемиологик вазият ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича кўриладиган чоралар тўғрисида жисмоний ва юридик шахсларга хабар бериш.

22. Аниқланган хавф тўғрисида ўз вақтида аҳолини огоҳлантириш.

23. Муассаса талаблари ва ички меҳнат интизомига риоя қилиш.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 12 апрелдаги 234-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иш ҳужжатларини юритиш тўғрисидаги йўриқномаси», 2008 йил 30 январдаги 30-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида хизмат ҳужжатларни тузиш ва рўйхатга олиш» буйруқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

5-боб. Генетика лабораторияси фаолиятини ташкил этиш

25. Генетика лабораторияси функционал вазифалари бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати миллий референс лабораторияси бошлигига бўйунсунади.

26. Генетика лабораторияси фаолиятини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги томонидан тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган лаборатория мудирини бошқаради.

27. Генетика лабораторияси мудирини лабораторияга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

28. Генетика лабораторияси мудирини Генетика лабораторияси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ишларни ташкил қилади, барча

ташкilotларда унинг манфаатларини ифодалайди, Генетика лабораторияси фаолият натижалари юзасидан шахсан жавоб беради.

29. Генетика лабораторияси мудир бўлмаган вақтда вазифаларни Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бошлиги билан келишилган ҳолда, Врач лаборантлардан бири бажаради.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Лаборатория Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.